

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК:

РОЗИКОВА ЛОЛА ТУЙЧИЕВНА

**ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ШАХСГА ИЖОБИЙ
ВА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Самарқанд – 2024

УДК

ББК

Розикова Л.Т. Интернет ва ахборот технологияларнинг шахсга ижобий ва салбий таъсирини ўрганишнинг педагогик асослари / **Розикова Л.Т.** – С.: СамДТУ, 2024. – б. –

Ушбу монографияда ёшларга интернет ва ахборот технологияларнинг таъсири, интернетга қарамликнинг олдини олишнинг илмий-педагогик асослари, интернет ва ахборот технологияларнинг ижобий ва салбий таъсирлари, интернет таҳдидларининг олдини олиш ва у билан самарали курашиш чора-тадбирлари ёритилган.

Такризчилар:

-

—

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-БОБ. ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР ТАЪСИР ЧЕГАРАСИ.....	6
1.1 Интернетнинг инсониятга бераётган фойда ва зарарлари.....	6
1.2.Интернетдан фойдаланиш маъданияти ҳамда унинг шахс фаолиятига таъсирининг самарадорлик кўрсатгичи.....	28
Биринчи боб юзасидан хулоса.....	41
II БОБ. ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	44
2.1. Глобал интернет тармоғидаги таҳдидларнинг мазмун-моҳияти.....	44
2.2.Тарихий-назарий манбаларда турли таҳдидларга қарши кураш масаласи таҳлили.....	48
Иккинчи боб юзасидан хулоса	65
III БОБ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДА ГЛОБАЛЬ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ.....	67
3.1.Глобал интернет тармоқларидаги таҳдидларнинг моҳияти, уларнинг намоён бўлиш шакллари.....	67
3.2.Глобал интернет тармоқларидаги таҳдидларга қарши курашнинг миллий қонунчилигимиздаги ифодаси.....	85
3.3.Халқаро қонунчиликда бутун дунё ўргимчак тўридаги таҳдидларга қарши курашнинг намоён бўлиши.....	94
Учинчи боб юзасидан хулосалар.....	102
IV БОБ. ИНТЕРНЕТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КУРАШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ОИД ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.....	105
3.1. Ёшларга миллий ва қонунчиликда интернет тармоқларидаги таҳдидларга қарши курашнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш омиллари.....	105
4.2. Интернет ва ахборот технологияларнинг шахсга ижобий ва салбий таъсирини ўрганишга оид тажриба синов ишлари: таҳлил ва хулосалар.....	119
Тўртинчи боб юзасидан хулосалар.....	127
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	129
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	132

КИРИШ

Мустақил республикамизнинг бугунги маънавий ҳаётида асрларга тенг сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимиз тикланмоқда, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда. Жамият маънавиятини янада такомиллаштириш ривожланишнинг ўзига хос йўлидан бораётган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири эканлигини бугун яққол кўриб турибмиз.

Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган”.

Айниқса бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори глобаллашув жараёнлари ва интернетнинг салбий таъсирларини олдини олиш муаммоларига қаратилган. Сир эмаски, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташқи сиёсатда давлатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш, жаҳон сиёсий майдонида унинг ўрнини янада мустаҳкамлашни кўзда тутувчи улкан ислохотларни амалга ошириб келмоқдалар. Албатта бу давлатимиз эшикларини бошқа давлатларга очишни, улар билан ўзаро алоқага киришишни таълаб этади. Бундай имкониятлардан фойдаланмоқчи бўлган ғаразли кимсалар бизнинг миллий маданиятимизга ва миллий маънавиятимизга зиён етказишга уринмоқдалар. Бунда эса уларга интернет энг асосий қурол вазифасини ўтамоқда.

Демак, жамиятимиз аъзолари маънавиятига интернет орқали таҳдид солаётган мафкуравий омилларнинг объектив ва субъектив жиҳатлари, ғоявий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг самарали усуллари, воситалари ва йўллари аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ниҳоятда муҳим.

Глобал интернет тармоғидаги таҳдидларга қарши мафкуравий профилактикани такомиллаштириш учун:

- мафкуравий профилактикани такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилса;

- талаба ёшларда умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришнинг самарали омиллари аниқланиб, улар амалиётга изчил жорий этиб борилса;

- талаба-ёшлар мафкуравий иммунитетини ривожлантиришга оид ҳулосалар илмий асосланса ва ҳаётга тадбиқ этилса ушбу тадқиқот иши албатта ижобий натижаларни олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларидаги таҳдидларни олдини олишга оид концептуал ғоялар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид фикрлар ва Президентимизнинг 2019 йил 19 мартда “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш” бўйича 5 та муҳим ташаббуси мазкур тадқиқотга илмий- методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Глобал интернет тармоғидаги таҳдидларнинг олдини олишда улкан маънавий- маърифий мазмунга эга мумтоз асарлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш масалалари буюк мутафаккир аждодларимиз ижодида кенг ўрин эгаллаган. Бу борада Абу Наср Форобий (873-950), Ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1070), Абулқосим Замахшарий (1074-1144), Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Имом ал-Бухорий (810-870), Алишер Навоий (1441-1501), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба ҳисобланади.

I БОБ. ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР ТАЪСИР ЧЕГАРАСИ

1.1. Интернетнинг инсониятга бераётган фойда ва зарарлари.

XXI аср – ахборот технологиялари тараққиёти асри. Бугунги кун тараққиётини жаҳон ахборот тармоғи-интернетсиз тасаввур қилиш мушкул. Маълумки, интернет-ахборот ва ҳужжатларнинг ўзаро алмашилишини таъминлайдиган компьютер тармоқларини бирлаштирган халқаро тизимдир.

Интернет кенг имкониятлар эшигини очди. Уйдан кўчага чиқмай туриб глобал тармоқ орқали дунё кутубхоналари бўйлаб сайр қилиб, курраи заминнинг нариги чеккасида жойлашган олий таълим муассасасининг масофавий (виртуал) талабаси бўлиш, ҳатто электрон хизматларни (матнларни таржима қилиш, видео ва аудио маҳсулотларни тайёрлаб бериш, китоб ва рисоаларни саҳифалаш ва ҳоказо) шартнома орқали бажариш, пул ишлаб топиш мумкин. Хуллас, интернетнинг ижобий жиҳатлари бисёр. Ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларнинг қулайлиги-чи? Онлайн конференциялар ўтказиш, онлайн малака ошириш, яқинлар ва таниш-билишлар билан тез, арзон видео ёки аудиомулоқот қилиш.

Мана шу жиҳатлари билан интернет кейинги пайтларда жозибадорликда телевидение, радио ва бошқа ахборот воситаларини ортида қолдирмоқда.

Лекин интернет кўплаб фойдали жиҳатлари билан бирга салбий оқибатларини ҳам намоён қилмоқда. Аҳолида айниқса ёшларда ахборот истеъмоли маданиятининг сустиги, турли хабарлар оқимидан кераклигини ажратиб олишда билим, малака ва кўникманинг йетишмаслиги баъзиларнинг ғаразли кимса ва оқимлар таъсирига тушиб қолишларига, интернет қарамлиги касаллигига йўлиқишларига сабаб бўлмоқда. Хитой Халқ Республикасида интернетга қарамлик касаллик сифатида эътироф этилиб, уни даволовчи махсус шифохоналар ташкил этилгани сўзимизнинг исботидир.

Глобал тармоқ натижасида юзага келган энг катта муаммо, бу, албатта, қарамлик, тобелик касаллигидир. Ёшларнинг кўп вақтини интернетда ўтказишлари глобал муаммога айланиб улгурган. Бугун интернет айрим ёшлар учун машҳур ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” асари қаҳрамони Ҳошимжон топиб олган сеҳрли қалпоқчадир.

Умуман, интернетга қарамликнинг энг оғир жиҳати реал оламни, инсонийлик бурчи ва вазифаларини унутишдир. Инсон ҳақиқий ҳаётда яшаши, ҳалол меҳнат қилиши, илм олиши, зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан бажариши, элу юртига фидойилик билан хизмат қилиши, атрофдагиларга фойда келтириши зарур.

Интернетда кўп вақтини ўтказадиган инсоннинг руҳиятида мавҳумлик ва ўз қобилигига ўралиб олиш ҳолати кузатилади. Бу эса уни келажакда “учинчи кучлар” томонидан манкуртлашиши, зомбилаштирилиши учун замин яратади. Бугунги кунда бузғунчи гуруҳлар ёшлар онгига таъсир қилишда асосан интернетдан фойдаланаётганлари бежиз эмас. Интернетнинг яна бир салбий жиҳати-кишилардаги худбинлик, манманлик, замонавий тилда ифода этганда, эгосентризм иллатининг кучайишига сабаб бўлишидир.

Бугунги дунё ёшлари-сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Бугун интернет маданияти, виртуал маданият, ахборот маданияти, маълумотлардан тўғри фойдаланиш маданияти каби тушунчалар ҳаётимиздан ўрин эгаллади. Ёшларда интернет оламида ўз ўрнини тўғри белгилаш ва фойдаланувчилар билан тўғри муомала қилиш, виртуал оламдаги ахборотларни тўғри таҳлил қилиш малакасини шакллантириш давр талабидир.

Интернет бизнинг иккинчи оиламиз, дўстимиз ва ҳатто ўзимизга айланиб бораётгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ҳарқуни ерталаб 80% ёшлар интернет билан тонгни кутиб олишади, ҳар жойда у биз билан, жонимиз У, қонимизда У. Бу инсонни янада ўйлашга ундайди ва бу қаттиқ сигнал, наҳотки,

келажакда инсонларни интернет бошқарса?

Ваҳоланки, 1969 йилда АҚШ да Мудофаа вазирлиги ва бир қатор илмий ташкилотларнинг компьютер марказларини бирлаштирган АРПАнет компьютер тармоғи яратилди. Ушбу тармоқ тор мақсадга мўлжалланган бўлиб, асосан ядро ҳужуми пайтида қандай алоқа қилишни ўрганиш ва тадқиқотчиларга маълумот алмашишга ёрдам бериш керак эди. Ушбу тармоқ ўсиши билан кўплаб бошқа тармоқлар яратилди ва ривожланди. Шахсий компьютер даври пайдо бўлишидан олдин ҳам, АРПАнет яратувчилари интернет лойиҳасини (“Нетшоркинг Прожест”) ишлаб чиқишни бошладилар.

Ушбу лойиҳанинг муваффақияти қуйидаги натижаларга олиб келди. АҚШдаги энг катта интернет тармоғи яратилди. Иккинчидан, ушбу тармоқнинг АҚШ нинг бир қатор бошқа тармоқлари билан ўзаро таъсирининг турли хил вариантлари синаб кўрилди. Бу кўплаб тармоқларнинг ягона глобал тармоққа муваффақиятли қўшилиши учун зарур шарт-шароитларни яратди. Бундай “тармоқлар тармоғи” ҳозир ҳамма жойда интернет деб номланади.

Биз қайерга қараб кетяпмиз биздан олимлар, кашфиётчилар, дунёни ўзгартирадиган инсонлар чиқиши ўтмишдаги чиройли гапларга айланаётгандек гўё, айтишади-ку ҳар 100 йилда дунёни ўзгартирадиган ва жаҳолатга, адолатсизликка қарши чиқадиган бир инсон дунёга келади деб. Бироқ ҳозир эса йиллар ўтган сайин интернет тезлиги 1Г, 2Г, 3Г,4Г ва ҳоказоларни кўпайишини томоша қилишдан бошқага ярамайдиган зомбилар жамияти шаклланиб бораётганини сезмаётгандаймиз.

Инсон умрини бўлиб чиқсак ухлашдан тортиб қачон ювинишимизгача олимлар ўртача умрига нисбатан бўлиб ҳисоблаб чиқишган олдинлари бу статистикага интернет киритилмаган еди энди эса бу киритилиши аниқ ва равшан, чунки инсон ҳозирги замондан интернетга кетказадиган вақти ҳаттоки оила аъзолари, дўстларига ажратадиган ва кетказадиган вақтидан ҳеч ҳам қолишмайди ва бу натижа борган сари ошиб бормоқда.

Хаттоки янги касаллик **Нимофобия** – интернетсиз қолишдан кўрқиш касаллиги ҳам пайдо бўлди. Шу билан бирга кўпгина ёшлар орасидаги одатларга хаттоки ном ҳам бериладиган бўлди мисол учун: **“Игромания”** – бу компьютердан ўрин олган турли хил ўйинларга муккасидан кетишдир.

Биз бу дунёдан номсиз ўтиб кетишдан ёки яқинларимиз, давлатимизга фойдамиз тегмаслигидан кўрққанимизда эди балки яна ҳам кўп ўз устимизда ишлаган бўлар эдик. Ўғри деганда бир нимани ўғирлайдиган қора кийим кийиб, ниқоб таққан бейсбол таёқчасини кўтариб олган шахсни тушунамиз ёки киноларда кўрган катта банкларни, музейларни тунайдиган ўғрилар тўдасини тушунамиз. Лекин ХХІ асрда шундай ўғри дунёга келдики уни на қалин деворлар ва на кучли армия ҳам тўхтатиб қололмайдиган бўлди. Албатта бунга ўзимиз сабабчимиз. **Бу ўғри интернетдир!!!** Агар унга имкон берсак бизнинг ҳаётимизни, умримизни, умидларимизни, эркимизи ҳатто ҳаёлларимизни ўғирлаши аниқ шунинг учун биз ҳам жуда эҳтиёткор ва унданда ақлли бўлишимиз ва у бизнинг умримизни ўғирлашига йўл қўймаслигимиз зарур.

Вақт умр ўғриси дейишади у тўхтамайди тез ёки секин, ҳа тўғри тушундингиз секин вақт ҳар доим ҳам тез бўлмайди уни тез ёки секин қилиш ўзимизга боғлиқ шу кунгача бизнинг умримиз вақтга боғлиқ эди ва энди интернет ҳам бу сафга қўшилди. Ҳозирда инсонлар оддий ишларга ҳам улгура олишмайди нега? Уларда диққат йўқ. Фикр жамлаш ё бир жойда ўтириб ўйлаб кўриш йўқ ҳозир бизни бир жойга ўтириб диққатимизни фикримизни бир жойга жамлашга йўл қўймаётган интернет деган ўғри бор.

Бугунги кунда глобал интернет трафикининг бир сониядаги ҳажмини 1993- йилдаги йиллик трафик билан таққослаш мумкин. Инсоният ақли-идрокининг янада ўсиши фан ва техниканинг ривожланиши билан ХХІ асрга келиб ОАВ воситалари қаторига интернет кириб келди. Жаҳон ахборот майдонини қамраб олган бу алоқа ваоситасининг ҳам салбий ҳам ижобий томони бор. Унинг ижобий томони 3 ёшдан 80 ёшгача бўлган инсонлар учун

маълумот етказиш ва алмашиш бўлса, салбий томони турли бузгунчи ғоялар, терроризм, беҳаёлик, диний экстремизм ва фундаментализмни ёйишга хизмат қилмоқда. Буни биз турли реклама, эълонлар ва кичик хабарлар мисолида кўришимиз мумкин. Даставвал, бизга ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмасдан кўринган кичик кўнгилсизлик кейинчалик глобал муаммога айланиб улгурмоқда десак адашмаган бўламиз.

Интернет тизими XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Ўша пайтларда Америка мудофаа департаменти ташаббуси билан компютерлар телефон тармоқларига улана бошлади. Дастлаб, бундай фаолият такомиллаштирилган лойиҳалар агентлиги (АКРА) тадқиқотлари доирасида олиб борилди. Бу тадқиқотлар совуқ уруш авж олган даврга тўғри келди. АҚШ мудофаа департаменти уруш бўлиб қолган тақдирда оддий коммуникация воситалари ишдан чиққудек бўлса, ўрнига янги қўшимча коммуникация воситаларини излаш билан фаол шуғулланди.

60-йиллар охири ва 70-йилларда интернет тармоғи унча кенг ривожланмади. Дастлабки ўн йиллик халқаро тармоқ, асосан, ҳарбийлар ва йирик олимларнинг шахсий электрон линиялари фаолияти доираси билан чекланди. Интернетнинг бекиёс ривожланиш суръати давлат, таълим, академик ва ижтимоий тузилмаларнинг ўзига хос умумий молиявий ва интеллектуал улушига боғлиқ бўлди.

XX асрнинг 70-йилларида турли тарқоқ компютерлар тармоқлари орасида информацияни узатиш ва алмашилиш қоидалари тизими ишлаб чиқилди. Булар ўзаро ҳамкорликка доир қайдномалар — Интернетшоркинг протосолс (ИП) бўлиб, глобал тармоқни такомиллаштириш учун қулай муҳит яратди. ИП ўрнатган тартибга кўра, ҳар қандай алоҳида тармоқ информацияни кўп тармоқлар орқали “биринчи пунктдан то охирги пунктгача” йетиб боришини назорат қилиши лозим. Шунинг учун интернет негизини ташкил қиладиган қайдномалар тизими, хусусан, Трансмиссион Сентрол Протосол (ТСП), Филе

Трансфер Протосол (ФТП) ичида ИП муҳим қайдномалардан бири ҳисобланади.

Интернет ривожланишининг дастлабки босқичида уни, асосан, АҚШ мудофаа департаменти маблағ билан таъминлаган. 70-йиллар охирига келиб эса, асосан, уч таъминлаш манбаи ажралиб турди: ҳукумат, университетлар ва тадқиқот лабораториялари (шу жумладан мустақиллари ҳам).

80-йилларда интернет ўзига хос тарзда универсал кўламларгача ривожлана бошлади. Ўша даврда интернет воситасида узатиладиган информациянинг ўсиши “ойига 20 фоиздан кўпайтириб бориш” шиори остида борди. Масалан, АҚШнинг асосий тармоғи бир секундда 165 миллион байт информацияни қайта ишлайди ва узатади. Бу суръат бир секундда “Бриттаника” инсиклопедиясини узатиш учун йетарли.

80-йиллар ўрталарида интернетни жамоат ва тижорат тармоқларига улаш натижасида Интернет тизими ҳам кўлам, ҳам сифат жиҳатидан ривожланди.

90-йилларда интернет тизимини бошқариш борасида туб ўзгаришлар юз берди.

Интернет стандартлар тизими ҳисобланади. У ўз фаолиятида ўзини ўзи ростлаб туриш, ўзини ўзи бошқариш фалсафасига риоя қилиб фаолият юритади. Ҳозиргача уни бошқариб турадиган ягона ташкилот йўқ. Унинг фаолиятига доир қоидалар кириш мезонлари сифатида ишлаб чиқилган. Техник масалалар еса *Интернет Енгинееринг Форсе* (ИЕТЛ) компаниясининг фаол иштирокида ҳал қилинади, барча стандартлар Интернет Арчитестуре Боард (ИАБ) компанияси томонидан қабул қилинади. XX асрнинг охирги ўн йиллигида интернет тизими беқиёс даражада ўсди. Агар 80-йиллар охирида интернет тизимига тааллуқли 28000 дан ортиқ асосий компютерлар фаолият кўрсатган бўлса, 90-йиллар охирига келиб уларнинг сони ўнларча миллионга етди. Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони бутун ер юзи бўйича 160 миллион кишини ташкил қилди (1999).

Швейсариядаги ядро тадқиқотлари марказларидан бири мултимедиа тизимининг тарқоқ компютерларини ягона тармоққа “боғлаш”нинг анча такомиллашган усулини ишлаб чиқди. У *Шорлд Шиде Шеб (Жаҳон ўргимчак тўри)* тизимида ўз аксини топди. Бу тизим интернетни ўзига хос оммавий ахборот воситасига айлантирди ҳамда у информация технологиялари, радио эшиттириш ва телекоммуникация имкониятларига эга бўлди. Энди интернет фақат матнни эмас, балки тасвирни, суратларни, расмларни, товуш ва видео тасвирларни ҳам узатишга, воқеа юз бераётган жойдан тўғридан-тўғри олиб беришга ҳам қодир. Интернет барча анъанавий информация тизимлари - телекоммуникация, телерадио эшиттириш, информацияларни халқаро миқёсда фаол алмаштириш кабиларнинг технологик имкониятларни уйғунлаштириб қўлланганлиги учун у бир неча вазифани - информация ва билимлар манбаи; оммавий ахборот воситаси, инсоният фаолиятининг барча соҳалари (шу жумладан, таълим-тарбия, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сайёҳлик ва ҳоказо) га тааллуқли информация хизматлари тизими; истиқболли бозор ва миллий компанияларнинг халқаро информация майдони ва жаҳон бозорига энг тежамли ва тезкор усулда қўшилиш имконини берадиган восита вазифасини ўтайди.

Жамоат ва тижорат тузилмалари учун интернетдан фойдаланиш имконияти ошган сари провайдерлар (интернет билан алоқа ўрнатишга хизмат кўрсатадиган компаниялар), интернет информацияси истеъмолчилари сони ҳам кўпаймоқда, информация манбаи ва оммавий ахборот воситаси сифатида интернет оммалашмоқда. Буларнинг барчаси ноширлар, журналистлар, информация агентликлари, и. ч. ҳамда савдо компаниялари ва фирмалари муҳотида рақобатнинг шаклланишига ижобий таъсир қилади.

Телефон симларидан ташқари, оптик толали кабеллар, радио тармоғи ёки сунъий йўлдош орқали интернетга чиқиш мумкин бўлди. Бунинг учун интернет билан алоқа ўрнатишга хизмат кўрсатадиган компаниялар-провайдерлар

бўлиши лозим.

Ўзбекистонда интернетга улашга доир информация хизматлари 1997-йилдан кўрсатила бошлади. Дастлаб Найтов (<http://shshsh.naytov.com>), Узнет (<http://shshsh.naytov.com>) (Шайбаск Мачине сайтида 2013-02-16 санасида архивланган)) ёки Истлинк (<http://shshsh.yeastlink.uz>) (Шайбаск Мачине сайтида 2020-06-12 санасида архивланган)) каби провайдкомпаниялар фаолият бошлади (1999).

Ўзбекистонда жадал ривожланаётган компютерлаштириш ва автоматлаштириш соҳалари интернет тармоғининг алоқа функциясидан кенг фойдаланишга имкон беради. Интернетга уланган абонент уйдаги ёки ишхонадаги компютер орқали, айтайлик, АҚШ, Австралия ёки Африкадаги компютерларга киритилган хилма-хил мавзудаги маълумотларни матн, суръат ёки видеотасвир кўринишида олиши мумкин. Бу маълумотлар интернет тизимида олдиндан киритилади.

Дунёнинг турли чеккаларида жойлашган махсус ихтисослашган компаниялар қидирувни тезлаштиришга ёрдам беради. Улар “қидирув двигатели” деб аталади, маълумотларнинг мундарижасини маълумотнома (справочник) каби сақлайди ва ўша маълумотлар жойлашган “интернет манзили”ни абонентга беради. Мазкур манзил бўйича маълумотлар “Интернет варақчалари”да сақланади. Абонент бирор маълумотни, масалан, “пахта” сўзини қидирув двигатели орқали кидирса, шу сўзга тегишли маълумотларни, пахта билан иш олиб борадиган компаниялар рўйхатини ёки жаҳон биржасида пахтанинг нархини абонент компютерида чиқариб беради. Интернет варақчалари шахсий ва расмий бўлиши мумкин.

Шахсий варақчалар алоҳида шахслар томонидан тузилади ва шу шахслар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Расмий варақчалар идоралар, ташкилотлар, компанияларга тегишли бўлади, уларда ҳукумат идораларига доир маълумотлар сақланади. Интернет орқали савдо-сотик ишлари,

компаниялар хизматларини ёки маҳсулотларни реклама қилишни кенг йўлга қўйиш, интернет варақчаларида суратлар билан берилган маҳсулотларни харид қилиш мумкин.

Халқаро Интернет тизимида Ўзбекистон ҳақида ҳам маълумотлар бор. Расмий варақчалардан Ўзбекистон ҳукумати варақчалари, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси варақчалари ва бошқа кўплаб расмий варақчалар мавжуд. Уларда Ўзбекистон Республикасига тегишли деярли барча маълумотлар бор. Булардан ташқари, Ўзбекистонга тааллуқли шахсий варақчалар ҳам мавжуд:

“Умид” варақчаси, ўзбек эстрадаси ҳақидаги варақча ва бошқа 2000-йил феврал ойидан бошлаб интернет эфирига Ўзбекистон телевидениеси (Ўз ТВ)нинг “Ахборот” дастури чиқа бошлади, ЎзТВ сайти тузилган ва у такомиллаштирилмоқда. Информация ресурсларига оид кўп масалаларни республикадаги йирик кутубхоналар шу соҳадаги интернет тармоғи кўламига суянган ҳолда ҳал қилади. Масалан, Тиббиёт кутубхонаси, Республика илмий-техника кутубхонаси, Ўзбекистон фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2001) Ўзбекистоннинг бу борада халқаро миқёсда ўз мавқеига эга бўлишига хизмат қилади. Ўзбекистонда маълумотларни узатиш миллий тармоғи ЎзПАК Давлат компанияси ва ЎзНЕТ тармоғидан иборат.

Интернетдан фойдаланувчилар сони, масалан, АҚШ да 55 миллион, Хитойда 55 миллион, Японияда 8 миллиондан ошиб кетди. Кейинги ўринларни Англия, Канада, Германия давлатлари эгаллаган, Россия Федерацияси миллионли чегарани эгалламоқда. Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида халқаро интернет тармоғига уланиш ЎзПАК Давлат

компаниясининг халқаро каналлари орқали таъминланади. Республикада 50 га яқин интернет-провайдер рўйхатга олинган. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 300000 дан ортиқ. Интернет тизимида Ўзбекистоннинг 300 дан ортиқ сайти фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир нарсанинг фойда ва зарари ақл тарозисига солинганида, қайси бири томонини босса, ўша тарафи олинади. Интернетнинг фойдаси кўплигига шубҳа йўқ.

Бироқ у инсонга самарали фаолият юритиши учун яратилган бир восита, холос. У ҳеч кимнинг ҳеч бир ишини бажариб бермайди. Фақат осонлаштиради. Демак, инсон ҳар бир ишни бажаришга ўзи ҳаракат қилиши керак. Масалан, интернет бирор китобни биров учун ўқиб, мазмунини унинг миясига жойлаб қўймайди. У китобни осон топишга ёрдамчи бўлади. Уни ўқиб-ўрганиш эса инсоннинг ўзининг заҳмати.

“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” деганларидек, ўзида беҳисоб маълумотларни жамлаган интернетга ҳикмат ахтариб ёндашганлар ундан кўп фойда олаётир. Айниқса, ёшлар унинг ёрдамида илм ўрганаётир, узоқ маконлардаги нуфузли ўқув юртларидан масофали таълим олаётир, ўзининг илмий салоҳиятини янада юксалтириб, имкониятларини дунёга намоён этиб, миллатимиз шарафининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир.

1998 йилда техника фанлари доктори С.Расторгуев ўзининг “Ахборот уруши” номли китобида С.Нилуснинг “Сион донишмандлари йиғилиши протоколлари” номли хужжатни ахборот-технологик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Чунки, мазкур хужжатда ахборот урушининг барча йўналишлари, омиллари аниқ ва қисқа йўналишда кўрсатилган:

- бошқарув тизими (хокимият тармоқларини назорат қилиш);
- аҳолини фикрини ўзгартириш воситалари (ОАВ ёрдамида);
- терроризм (давлатни таҳликага солиб, мақсадга эришиш); иқтисодий хуруж, иқтисодий бошқарув воситалари;

-иқтисодий дастур (иқтисодий таназзулга ёки қарамликка олиш); умумхалқ овоз беришлари ва ҳ. (сиёсий жараёни бузиш)

Аммо ана шу қулайлик баъзи одамларни уйга қамаб ҳам қўйди, бир жойга нарса олиб бориш керак бўлса, юрасизми, йўл харажати ва қимматли вақтингизни сарфлаб, интернет орқали жўнатиб қўя қоласиз-да. Ҳа, бунинг савобига ким етсин! Аммо киши ўзи сезиб-сезмай камҳаракат бўлиб қолаётганига нима дейсиз? Ескалаторлар дастлаб ишга тушган кезларда мутахассислар: “Энди юрак касалликлари кўпайиб кетади”, деган экан. У вақтларда-ку, ҳарна, эскалаторга қадар юриб борилган. Энди эса уйдан бир қадам чиқмай ҳамма ишини компьютерда бажарадиган одамлар бор ва уларнинг сафи кенгайишда давом этаверади.

Бундан ташқари, тараққий топган давлатларда интернет таъсирида оила ҳам жиддий зарар кўраётир. Таассуфки, унинг оқаваси биз томонларга ҳам етиб келди. Эру хотин бир уйда: буниси бошқа хонада, униси бошқа хонада “одноклассники”да ўтириб буниси бегона аёл билан, униси номаҳрам еркак билан чақчақлашиб ўтирибди. Бир-бирига буткул бегонага айланиб бўлган улар. Уйда фақат иккита совуқ вужуд, иккита руҳсиз шарпа қолган; ўй-фикр, севги-муҳаббат бошқа томонга – сароб тарафга йўналган.

Аслида бегона еркак-аёлнинг виртуал алоқада сирлашиб ўтиришининг ўзи зинокорлик сари ташланган қадамдир. Айдарбек Тулеповнинг “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китобида Мафтуна деган аёлнинг қай йўсинда хиёнат кўчасига кириб кетганига иқрор бўлгани ёритилган. Ана шу воқеанинг ўзи ушбу фикрни тасдиқлайди.

Интернет инсонларнинг кўз ўнгида дунё юзидан пардани кўтарди. Натижада, айрим кишилар шунчаки томошабинга – ялқов истеъмолчига айланиб қолди. Улар сайтма-сайт кезиб, қизиқарли филмлар, видеотасвирлар ва бошқа бемаъни нарсаларни томоша қилиб кун ўтказадиган бўлди. Баъзилар эса ўйиндан бош кўтармай қолди. Сериаллар қаҳрамонларининг ҳаётига

томошабин бўлиб кун ўтказаётганлар, уззукун бировлар белгилаб берган ўйинларни ўйнаб кўз нуридан айрилаётганлар ўзларининг ҳаётини қачон яшайди! Улар энг қимматли сармояси – ҳаётини бой бераётганини билмайдими?..

Ўтказилган тадқиқотларда аксар ёшлар кўп вақтини интернетда, компьютер ўйинларини ўйнаб ўтказаётгани аниқланмоқда. Бундай ёшлар жисмонан соғлом, комил инсон бўлиб улғаярмикан? Боз устига, уларнинг баъзилари бузғунчи сайтларга кириб, қаллобларга, фитнесчиларга алданиб, ҳатто террорчиларга қўшилиб қолганини ҳам эътироф этган.

Бузғунчи сайт дегани нима ўзи? Бу атамани эшитганда террорчилик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи сайтларни кўз олдимизга келтирамиз. Аммо янада кенгроқ мушоҳада юритсак, бошқа турдаги бузғунчи сайтлар ҳам кўп. Масалан, фикримизча, инсоннинг вақтини ўғирлаб, унга илм-маърифат ўргатмайдиган, уни комиллик сари етакламайдиган, зарурий ахборотлар билан таъминламайдиган сайтларнинг ҳаммаси шу ҳукмда.

Ахборот асри деб ном олган юз йилликда яшаётган кишилик жамиятида зарур ахборотни ким тез қўлга киритса ва тарқатса, ўшанинг қўли баланд келиши аён. Шу боис биз ҳам интернетдаги кўнгилочар нарсаларга чалғиб қолмасдан ана шу ахборот маконига егалик қилишга жаҳд қилайлик, унинг воситасида илмимизни, маърифатимизни бойитайлик ва ўрганганларимиздан бошқаларни ҳам баҳраманд етайлик. Иликда бўлса чиқади, дейдилар-ку. Бизнинг илигимизда ёвқур баҳодирлар ва мўътабар олимлар қони оқаётгани айти ҳақиқат емасми? Шундай йўл тутайликки, интернет – маърифат тарқатувчи бўлсин!

Юқорида “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китоби ҳақида сўз очдик. Чунки ушбу асарни ўқиш жараёнида у ёшларимиз, умуман, интернетдан фойдаланувчи ҳар бир шахснинг глобал тармоқ ҳақидаги билимларини бойитадиган ажойиб китоб бўлибди, деган хулосага келдик. Ана шу асарнинг

тўлдирилган янги нашри “Интернет имкониятлари”, “Замонавий ахборот воситалари”, “Интернетдаги блогерлар фаолияти”, “Лудомания. Виртуал ўйинларга мубтало бўлиш сабаблари”, “Миллий қонунчиликда ахборот хуружидан ҳимоя масалалари” деган боблар билан бойитилиб, қайта чоп этилди. Бизнингча, ушбу китоб ҳар бир интернет фойдаланувчисининг иш столида бўлиши керак. Китобхон эътибор билан уни ўқиб турса, ўзи учун кўп фойдали билимларга эга бўлади ва унда ахборот хуружларига қарши иммунитет янада кучаяди.

Американ Лифе лойиҳасининг экспертлари интернет келажаги ҳақида куйидаги фикрларни келтиришган эди: “Доимо ёқик турадиган ва тезлиги юқори бўлган интернет, коммуникацияни шунчалик енгиллаштирадики, масофа тушунчасининг аҳамияти жуда пасаяди, “Одамлар ҳажми камроқ маълумотларни ўқишга ҳаракат қиладилар, яъни ҳажми қанчалик катта бўлса унда маълумот шунчалик кам бўлиши, вақтни бекор сарфлаш мумкин”.

Интернетнинг яна бир салбий жиҳати-кишилардаги худбинлик, манманлик, замонавий тилда ифода этганда, эгосентризм иллатининг кучайишига сабаб бўлишидир. Бугунги дунё ёшлари-сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Бугун интернет маданияти, виртуал маданият, ахборот маданияти, маълумотлардан тўғри фойдаланиш маданияти каби тушунчалар ҳаётимиздан ўрин егаллади. Ёшларда интернет оламида ўз ўрнини тўғри белгилаш ва фойдаланувчилар билан тўғри муомала қилиш, виртуал оламдаги ахборотларни тўғри таҳлил қилиш малакасини шакллантириш давр талабидир. Бирор ҳаракатни амалга оширишда болаларга қанчалик рухсат этилмаса, уларда шунчалик юқори даражада қизиқиш уйғониши барчага маълум.

Ёшлар тармоқдаги носоғлом турмуш тарзидан ахборот берувчи айрим манбаларга дуч келсалар, янада қизиқиб, мазкур ахборотларга алоҳида эътибор қаратишлари эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабдан катталар фарзанд туғилган

кундан бошлаб уларга иссиқ чойнак, қозонларга яқинлашиш, пичоқ, қайчи каби ўткир учли нарсаларга тегиш мумкин эмаслигини онгларига сингдирганлари каби, тармоқдаги ахборотлар ҳам хавфли эканлигини тушунтиришлари, уларда ахборотлардан тўғри фойдаланиш салоҳиятларини шакллантиришлари зарур.

Албатта, Интернет тармоғи манбалари замонамиз ўсмирлари билим доирасини, дунёқарашини кенгайтириши билан айрим жиҳатларига кўра уларнинг тарбиясига нафақат салбий, балки хавфли таъсир кўрсатиши ҳам мумкинлигини унутмаслигимиз зарур.

Зимдан эътибор берсак, интернет кафеларига серқатнов ёшлар (айниқса ўсмирлар) у ерга боришиб, ҳар хил бузғунчи ғоялар руҳидаги ур-сур, ўлдир-ёндир компьютер ўйинларини томоша қилаётганлигини, тутуруқсиз нарсалар билан вақтларини бесамар ўтказётганлигига гувоҳ бўлябмиз. Бундай ёшларни биз интернет имкониятларидан тўлақонли, фақат билим олиш билан машғул дея айта оламизми? Энг ачинарлиси, айрим бефарқ ота-оналар фарзандим интернетда ўтириб, билим оляпти, деб ўйлашади. Шу ўринда талабаларнинг баъзи дарс пайтларида қўл телефонлари орқали интернет сайтларига кириб, бемалол фойдаланиб ўтиришларига муносабат билдирмоқчиман. Тўғри талаба мустақил изланувчи шахс сифатида, билимини кўпроқ бойитиши, турли хил манбааларга мурожаат етиши яхши. Лекин дарс ҳисобидан эмас... чунки, ҳар нарсанинг ҳам ўз вақт-соати бор, шу жумладан интернетдан фойдаланишнинг ҳам кундалик ҳаётимизда ҳар нарсанинг салбий ва ижобий томони бўлгани каби замонавий техника воситаларидан фойдаланишда ҳам меъёрга амал қилмоғимиз зарур!

Бугунги кунда мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа - ҳодисалар, янгиликлар тўғрисидаги малумотлар барча ижтимоий тармоқларда акс этмоқда. Бу янгиликлардан хабардор бўлишда эса интернет тизими, мобил телефонлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш анча қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзаро мулоқот

алмашиш ёки бирор воқеага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир. Бундай тармоқлар илк бор одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида ижтимоий тармоқнинг электрон почта кўринишида пайдо бўлди.

Бу компьютер тармоқлари орқали боғланишнинг илк кўриниши эди. “Ижтимоий тармоқ” тушунчаси 1954-йилда пайдо бўлганини ва албатта, интернетга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ҳамма ҳам билмайди ва улар бу ходисани ўтган асрнинг 30-йилларида ўрганишни бошладилар. Бу борада Биринчи Президетимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “ ... Биз – ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, бунинг учун кураша оладиган; Ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрадиган; атрофида содир бўлаётган воқеа - ходисаларга мустақил муносабат билдира оладиган; шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”.

Концепсияни социолог Жеймс Барнс киритган: “ижтимоий тармоқ” – бу ижтимоий объектлар (одамлар ва ташкилотлар) ва улар ўртасидаги алоқалар (ижтимоий муносабатлар) бўлган тугунлар гуруҳидан иборат ижтимоий тузилмадир – деб таъкидлайди” ва шу тариқа ижтимоий тармоқ тушунчаси пайдо бўлади.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар ҳақида илк бора ўз тасаввурларини баён қилган олимлар Р.Соломонофф ва Рапопорт ўтган аср ўрталарида мулоқотнинг виртуал кўриниши ҳақида ўз фикрларини баён қилишган. Венгриялик мутахассислар П.Эрдос ва А.Ренилар ижтимоий тармоқларни шакллантириш борасидаги тасаввурларини айтиб ўтишган. Интернет тармоғида инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг авж олиши, ривожланиб кетишини олимлар ижтимоий тармоқларнинг тезкор фаолияти билан боғлашади. Кун сайин жадал ривожланиб бораётган ахборот асрида

замонавий техника воситаларидан фойдаланмасликнинг ёки уларга мурожаат этмасликнинг иложи йўқ. Чунки, инсон дунёқарашининг шаклланишида, маънавий оламининг янада кенгайишида, айниқса компьютер технологияси асосий восита ролини ўйнайди. Ҳозирги кун нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, аллақачон глобал тармоққа айланиб улгурган интернет ўзининг тезкорлиги чегара билмаслиги билан оммавий ахборот воситалари орасида энг муҳим соҳага айланиб улгурди. Шунингдек, ёш авлод дунёқарашини кенгайтириш ва билимини оширишда мазкур ахборот манбалари муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий дунёда ўз ҳаётимизни интернетдан фойдаланмасдан тасаввур қилиш қийин. Интернет ёрдамида биз жуда кўп фойдали маълумотларни олишимиз, қизиқарли ва кўнгилочар нарсаларни топишимиз, севимли ёки ўтказиб юборилган филмларни, дастурларни томоша қилишимиз ва биз учун керакли бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлишимиз, турли хил таълим ўйинларини топишимиз мумкин. Шу билан бирга интернет узоқ масофада алоқа қилиш имкониятини берди. Бугун биз исталган жойимизга куннинг исталган вақтида кўнғироқ қилишимиз ва ҳатто суҳбатдошимизни кўришимиз мумкин. Қисқа қилиб айтганда, дунёнинг исталган нуқтасида одамлар билан алоқа ўрнатишга имкон берди. Бундан ташқари, биз кутубхоналарга боришимиз, у ерда бўлмаслиги мумкин бўлган маълумотларни қидиришимиз ёки кимдир ундан фойдаланишини кутишимиз шарт эмас, шунчаки биз интернет орқали исталган маълумотни топишимиз мумкин. Аммо шиддат билан юксалиб бораётган фан-техника асрида, интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда унинг ёшлар маънавиятига, уларнинг янгиликларга чанқоқ онгига салбий таъсирининг ҳам гувоҳи бўлябмиз. Масалан, интернет кафеларига серкатнов ёшлар, айниқса, ўсмирлар у ерга боришиб, ҳар хил бузғунчи

ғоялар руҳидаги компьютер ўйинларини томоша қилаётганлигини, тутуруқсиз нарсалар билан вақтларини бесамар ўтказаётганлигига гувоҳ бўлябмиз. Бундай ёшларни биз интернет имкониятларидан тўлақонли, фақат билим олиш билан машғул дея олмаймиз. Энг ачинарлиси, айрим бефарқ ота-оналар бундай ҳолатларга эътибор беришмайди.

Яқинда яна бир атама тилимизда ишлатила бошланди. Бу игромания тушунчасидир. Бу атамага қисқача таъриф берадиган бўлсак, “Игромания”- бу компьютердан ўрин олган турли хил ўйинларга муккасидан кетишдир. Руҳшуносларнинг маълумотларига қараганда, ёшлар бузғунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ҳали тўла шаклланмагани учун ўқиган ёки кўрган маълумотларига тез ишонишади. Бундай ҳолларда ёшларнинг маънавиятига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган игроманияни ҳеч бир жиҳатдан оқлаб бўлмайди.

Кундалик ҳаётимизда ҳар бир нарсанинг салбий ва ижобий томони бор. Бундан ташқари, замонавий техника воситаларидан фойдаланишда ҳам меъёрга амал қилишимиз лозим. Ҳозирги глобаллашув жараёнида бутун жамият ҳаётида ўз таъсирини ўтказиб келаётган ахборот технологияларининг яна бири ижтимоий тармоқлардир. Айниқса, ёш авлод ижтимоий тармоқларни жуда ҳам яхши кўради. Бу яхшими ёки аксинчами? Албатта, кўпчилик бу тармоқларни маъқуллайди ва унга ижобий баҳо беради. Чунки, ҳозир ижтимоий тармоқлар бўш вақтни ўтказишнинг энг яхши воситаси ҳисобланади. Энди ижтимоий тармоқларнинг бизнинг ҳаётимизга, дунёқарашимизга, онгимизга, ақл-у шууримизга ва соғлиғимизга салбий таъсирини ҳам унутмаслигимиз керак. Аммо ижтимоий тармоқларнинг ижобий томонлари ҳам бор. Биз кундалик ҳаётда одамлар билан жонли мулоқотда бўламиз, жонли фикр алмашишамиз ва ўзимизга керакли бўлган хулосаларни чиқарамиз. Виртуал ҳаёт эса инсонни тамомила дунёқараши ва онгини ўзгартириб

юбориши мумкин. Ундан ташқари, ижтимоий тармоқлар ғаразғўй одамларнинг ёвуз мақсадларига хизмат қилиши мумкин. Масалан, тармоққа қўйилган ахборот ва хабарлар бошқалар томонидан ўғирланиши, бузилиши ва бошқа тармоқ аъзоларига юборилиши мумкин. Ёки фирибгарлар қалбаки расмлар ва ёлғон маълумотлар билан ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Ҳатто ижтимоий тармоқлар бутун бошли қотилликлар, урушларга ҳам сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда ёшларнинг маданий ва ижтимоий молашувига Интернет тармоқлари ўз таъсирини (ижобий ва салбий) кўрсатади. Интернетнинг ёшлар онгига ижобий жихатлари: ахборотга ега бўлиш имконияти; таълим олиш имконияти; мулоқот имконияти; ўз-ўзини ифода етиш имконияти; ижодий ривожланиш; иш топиш имконияти; ижтимоийлашувидан иборат.

Интернетнинг ёшлар онгига салбий жихатлари: депрессив ёшлар оқими; турли ғаразли ғояларни сингдириш, наркотиклар, танишувлар сайти, алдов, ишончсизлик; турли карта ўйинлар орқали ёшларни қимор ўйинларига ўргатиш, порнография; секталар; экстремизм, иркчилик, фашизмдан иборат.

Бугунги кунда Интернет орқали шакллантирилаётган ғоявий таъсир, ошқоро мафкуравий тайзиқ олдида ҳатто тажрибали мамлакатлар ҳам қийин ахволга тушиб қолмоқда. Бунинг сабаби, ахборотлашган таъсирнинг анъанавий хавф-хатарлар – террорчилик, ядровий қуролларнинг ишлатилиши, экологик муаммо ва бошқалардан фарқ қилиб кўзга кўринмаслиги, тезкорлиги ҳамда чегара билмаслиги ва ҳаказо. Бугунги кунда ҳар қандай салбий ахборотлар таъсири натижасида турли давлатлар аҳолиси кайфияти, рухияти дунёқараши ва ҳатти-ҳаракатларида салбий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб ахборот уруши шиддат билан авж олмоқда.

Ахборот урушидан кўзланган асосий мақсад-турли мақсадларга эришиш учун рақибга ғоявий таъсир кўрсатишдир. Шунингдек, ахборот хуружи рақибга таъсир кўрсатиш орқали жамоатчилик онгини ғаразли йўллар асосида шакллантиришга уринишдир.

Манфаатдор кучлар ахборот хуружи кутилган натижани бериши учун ёлғон хабар тарқатиш босимини кучайтириб, интернетни ёлғон маълумотлар, сохта иддаоларга тўлдириш каби усуллардан фойдаланишади. Бу маълумотларни ўқиган инсон бунинг манбаъсини текшириб ҳам ўтирмай ишониб кетишмоқда. Оқибатда, хали оқни қорадан ажратишга улгурмаган ёшлар интернет орқали тарқатилаётган бузғунчи таълимот, ғояларга чалғиб, ботил фирқаларга қўшилиб қолаётгани ачинарли хол! Бундай ёшлар турли сайтлардан билиб билмай маълумотларни кўчириб олиб, ўз эътиқоди ва онгини захарламоқда.

Хозирги кунга ёшларда диний қарашларнинг шаклланиши кўп жихатдан глобал тармоқ орқали амалга оширилмоқда.

Нега энди Интернет бузғунчилар маконига айланиб қолди? Бунинг асосий сабаблари қуйидаги омилларда номоён бўлади:

Биринчидан, Интернетнинг тартибга солинмагани. Интернет чегара билмас ва чегарасиз олам хисобланади. Бу оламда хар-хил мазмундаги турфа хил маълумотлар учрайди. Интернет шу даражада инсон қалби ва онгига таъсир қилувчи кучга айландики, унда тарғиб қилинаётган тартибсиз маълумотларнинг афзалликлари ёки салбий оқибатларини ажратиш олиш жуда қийин масала.

Иккинчидан, Интернет фаолиятининг махфийлиги. Интернет тармоғини бекорга «ўргимчак тўрига» қиёсланмайди. Чунки интернет ҳам ўз ўлжасини ўзининг тўрига ўраб олади. Бу ўргимчак тўрида фаолият олиб бораётган шахслар аноним, яъни яширин ҳолатда ҳам фаолият олиб боришлари мумкин. Бу каби махфий фаолиятнинг ғоявий тазйиқи ва

таъсирининг ўзига хослиги шундаки, бунда “мақсадли иш” талаба, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан, зимдан амалга оширилади.

Учинчидан, Матн, тасвир ва овоз уйғунлигидаги ахборотни жойлаш каби қулайликлар. Бу оламда дастлаб маълумотлар матн кўринишида бўлган бўлса, ҳозирга келиб интернетда нафақат матн, балки фотолавха, видеолавха ва овоз уйғунлигидаги маълумотларни жойлаштириш ва уларни электрон манзилларга жўнатиш ҳам мумкин.

Тўртинчидан, Интернетга кириш осонлиги. Бугунги кунга келиб интернетдан фойдаланиш жуда ҳам қулай бўлиб қолди. Бунда нафақат компьютер, балки замонавий планшетлар ва уяли алоқа воситалари, яъни телефонлар орқали ҳам кириб фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бешинчидан, Чексиз аудитория. Глобал интернет тармоғида турли фикр ва қарашдаги миллиардлаб инсонлар мавжуд. Бу сарҳадсиз оламда кишилар турли мавзуларда фикр алмашади, ўзаро бахс-мунозаралар қилади. Бундай одамлар гавжу гўшадан унумли фойдаланиш учун ғараз ниятли одамлар виртуал маконни ўзларининг “ов макони”га айлантириб олмоқда.

Олтинчидан, Маълумотларни етказиш тезкорлиги. Интернет орқали бир ахборотни яшин тезлигида дунёнинг бир бурчагидан нариги бурчагига етказиш мумкин. Ушбу қулайликдан, таасуфки, террорчи шахслар ҳам ўз манфур мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишмоқда.

Мисол учун: Террорчи ташкилотлардан бири “ал-Қоида” ўз тарғиботининг 99 фоизини интернет орқали амалга оширади. 2011 йилнинг июн ойида “ал-Қоида” ташкилоти интернет орқали террорчилик амалиётини ўтказиш бўйича кўрсатмаларни ўз гумашталарига етказишга урингани фош этилган. Гап шундаки, ташкилотга таалукли бўлган веб-саҳифаларнинг бирида фойдаланувчиларга юклаб олиш учун қизиқарли

журнал таклиф этилган бўлиб, унинг саҳифаларидан оддий ошхона шароитида қўлбола бомба тайёрлашни ўргатувчи кўрсатмалар жой олган. Шу орқали ташкилот бутун дунёда ўз аъзоларига ўзини-ўзи портлатиш амалиётларининг сўнги услублари ҳақида маълумотларни етказиб борган.

Кўриниб турибдики, ахборотлаштириш глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқати учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш улкан имкониятлар яратадиган жараёндир. Лекин бундан дунёнинг айрим манфаатпараст кучлари миллатлар миллий маданиятини емирувчи ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ғояларни тарқатиш мақсадида фойдаланмоқда. Улар ушбу ғояларни тарқатишда “оммавий маданият”ни ниқоб қилиб, осон йўлни излашмоқда.

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида уларнинг маънавий тарбиясига оид сўровномалар ўтказилган, бу еса ёшлар онгида кечаётган жараёнларни чуқурроқ очиб беришда муҳим рўл ўйнайди. Хусусан, Интернет орқали ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар ва уларнинг келиб чиқишини ўрганиш мақсадида Республика “Етакчи” ёшлар маркази томонидан олий таълим муассасаларининг 18-25 ёшли талабалари орасида “Интернет ва ёшлар” мавзусида сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада асосан, ёшлар маънавий онгига Интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситаларининг таъсири ҳақида саволлар берилди. “Сиз Интернетдан фойдаланишга кунига қанча вақт сарфлайсиз?”

саволига респондентларнинг жавоблари қуйидагича бўлди:

73% респондент 1-2 соат,

16% респондент 2-3 соат,

7% респондент эса 3-4 соат, вақтини сарфлашларини айтишган.

2% респондент Интернетдан меъёр даражасидан кўпроқ, яъни кунига 4-5 соат фойдаланишлари маълум бўлган.

Шунингдек, меърий даражадан жуда хам ошиб кетган

1% респондент 5-6 соат вақтни, яна 1% респондентлар эса 7 соат ва ундан кўпроқ вақтларини Интернетга сарфлашларини айтишган.

Респондентларга “Интернетдан фойдаланганингизда кўпроқ нимага вақт сарфлайсиз?” саволига жавоблар қуйидагича бўлинди.

Интернет ўйинларини ўйнайман – 5%;

Интернетдан турли мусиқалар, филмлар ва ўйинларни кўчириб олишда фойдаланаман – 4%;

Танишув сайтида янги дўстлар топаман – 9%;

Танишув сайтларидан оила қуриш мақсадида фойдаланаман – 1%;

Дўстларим, қариндошларим билан мулоқат қилиш учун – 15%;

Шоу-бизнес, мусиқа юлдузлари ва санатдаги машҳур кишилар ҳаётига оид шов-шувли янгиликларни қидираман – 6%;

Мода, гўзаллик, саломатлик ва ўзаро муносабатлар тўғрисидаги аёллар Интернет журналларини ўқийман – 3%;

Порнографик сайтларга кираман – 4%;

Спорт янгиликларидан хабардор бўламан – 6%;

Интернетдан жаҳон ва Ўзбекистондаги янгиликлар билан танишаман – 8%;

Ўзбекистон ОАВ ва телевиденияда ёритилмаган сиёсий ва иқтисодий янгиликларни излайман – 2%;

Оддий китоблар ва ОАВ да учрамайдиган диний маълумотларни

излайман – 1%;

Интернетдан уйимдаги компьютер учун керакли дастурларни кўчириб олишда фойдаланаман – 3%;

Ўқиш ва дарс бериш учун керак бўлган материаллар, маълумотлар, дарсликларни топаман – 25%

Бу тадқиқотларни тахлил қилган холда уларнинг юзага чиқараётган омилларни аниқлаш ва уларга қарши амалий чоралар кўришни таълаб этади. Илмий сайтга кириб, керакли манбани ўқиб турган пайтингизда бирданига танишув ёки порнографик сайтлар рекламаси экранда пайдо бўлади. Рухий таъсир қувватига эга бу рекламаларга эътибор қаратиш, ортиқча маълумотлар ортидан қувиш инсон вақтини беҳуда сарфлаш демакдир. Шунинг учун, ёшлар виртуал оламда нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўрганишлари, интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини эгаллашлари керак.

1.1 Интернетдан фойдаланиш маъданияти ҳамда унинг шахс фаолиятига таъсирининг самарадорлик кўрсатгичи.

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғи орқали масофадан туриб, онлайн ёки офлайн ўқиш имкониятларининг пайдо бўлиши, таълим олувчи ва таълим берувчиларга жуда катта имконият бермоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб электрон таълим олиш имконини берувчи жуда кўплаб электрон таълим платформалари фаолият юритмоқда. Электрон усулда таълим олишнинг энг афзал томони таълим олувчи айрим сабаб билан дарсда қатнаша олмаса ёки дарсни яхши ўзлаштира олмаса, платформага кириб, видео-маърузалардан қайта-қайта фойдаланиши мумкин. Бу эса таълим олиш самарадорлигини сезиларли даражада ошишига сабаб бўлади.

Ҳозирги замон ахборот тизими унинг, жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва

тарқатишнинг умумий манфаат ва умумий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг мохияти ва унсурларини чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий еҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйдаги усуллари қўллаш маданиятини зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётининг ахборотини ижтимоий воқелик сифатидаги ролдан келиб чиқиб, жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари, қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўп миллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можороларни турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар тасирида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар манбаларини ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб – китобларга таҳлилий ечимларга эга бўлиш.

Учинчидан, сиёсий конфиктология ва сиёсий психология. Ахборот психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можоролар келиб чиқиш мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда сиёсий қарашлари, руҳияти, ижтимоий – сиёсий психологик изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантиқий тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳолаши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий – таҳлилий назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида

шакилланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи лозим.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол ҳолатининг устуворлиги. Ҳар қандай фуқоро ахборот базасидан “маҳсулот” танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги ҳатти - ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш. Албатта, Ўзбекистон мустақилликнинг 32йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало ҳар бир фуқаронинг соз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланган. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётдан далолат беради. Яна шуни такидлаш лозимки, Интернет воситаларидан ўрин олган жамики ахборот ва маълумотларнинг ҳаммаси ҳам реал ҳаққоний эмаслиги айни пайтда аён бўлмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш жоизки, олинаётган далилларнинг қай даражада тўғрилигини онгли равишда мушоҳада этиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина Интернет орқали эгаллаётган билимларимиз ҳаётимизда ижобий самара беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, талабаларамизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини ҳар доим шакллантиришимиз зарур.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз,

бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озукланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”лигини алоҳида таъкидлайди.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Ахборот мавзуси инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этиб, бугунги серқирра ва интенсив ҳаётимиз, глобаллашув жараёнларида еса ахборот янада долзарб масала бўлиб, эндиликда ахборотга эгалик, замонавий тизимларининг шаклланганлиги мамлакатнинг демократик ривожини сифатловчи омилга айланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказилган тизимли ислохотлар, яратилган мукамал қонунчилик база, алоқа ва телекоммуникация соҳасида олиб борилган технологик модернизация ишлари туфайли мамлакатимизда замонавий ахборот соҳаси барпо этилди. Шу билан бирга, интернет бир қатор

салбий жиҳатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Унда ўз-ўзини ўлдиришнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 мингдан, еротик мазмунга ега 4 мингдан зиёд сайтларнинг мавжудлиги ҳам бунинг исботи бўла олади.

Мутахассислар ўтказган махсус тадқиқотлар, барча мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи порнографик характерга эгалигини кўрсатади. Мавжуд махсус дастурлар интернет тармоғидаги порнографиянинг фақат 90 фоизинигина филтрлайди, яъни компьютердан фойдаланувчининг ихтиёридан ташқарида экранда пайдо бўлиши йўлига тўсиқ қўя олади. “Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад- манфаатларни ифода этувчи мафкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ. Очик айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки халқнинг онгига, унинг сезги- туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”.

Ўтган йиллар давомида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий юксалиши, ахборотга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот эркинлигини таъминлаш мақсадида зарур технологик шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаши, олиши, уни тарқатиш борасидаги конституциявий нормалар миллий қонунларимизда ривожлантирилди.

Шунингдек, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратилишини эътироф этувчи нормалар қонунларимизда ўз аксини топди. Хусусан, бугунги кунда ахборот соҳасида оммавий ахборот воситалари, шундан телевидения, Интернет-кафелар, Интернет провайдер, давлат ахборот ресурслари, “ЗиёНЕТ” ёшлар ахборот портали ва ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда.

Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони еса тўққиз миллиондан ортиқ кетди. Буларнинг барчаси фуқароларимиз, хусусан, ёшларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқининг ифодасидир. Глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, ҳозирда кенг жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив ахборотларнинг (ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг, эротик мазмунга ега 4 мингдан зиёд сайтлар, компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузлик, ўта жангари руҳдаги (бешафқат урушлар, ўлдиришлар, отишмалар, портлатишлар ва ҳоказо) Интернет сайтлар мавжудлиги, миллий ахборот маконимизга кириб келишидир.

Ахборотлар тезкор Интернет орқали қабул қилинар экан, унинг аксарият фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги odnoklassniki.ru, facebook.com, mail.ru, twitter.com, Vkontakte.ru каби ижтимоий сайтларнинг доимий фойдаланувчилари саналади.

Тан олиш керакки, Ўзбекистондаги жами сайтларда рўйхатдан ўтганлар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди. Ушбу рақамлар миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, қизиқарли, ўзига тортувчи қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилишга ундайди. Миллий сайтларимиз олдинда юрмасада, бошқа чет эл сайтлардаги каби “ўзига жалб қилиш” доирасини кенгайтирса, ёшларимиз миллий сайтларга биринчи бўлиб муурожаат қилиши мумкин бўлади.

Ахборот соҳаси либераллашаётган бир пайтда, узоқ-яқин мамлакатлардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар (120 га яқин давлат ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормокда) ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суиистеъмол қилиб, ўсиб келаётган ёш авлодга ахборот таҳдидларини кўрсатиш орқали, ҳали онги ва ҳаётий

қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги интилишларини кучайтираётгани сир емас. Носоғлом ахборот оқимларидан ёшларни ҳимоялашга оид дунёда қатор ҳуқуқий механизмлар яратилган.

Жумладан, халқаро амалиётда “Кибер жиноятлар тўғрисида” Конвенция, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида” Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” БМТ Конвенциясини, “Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида” Германия, “Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида” ги, Литва “Болаларни соғлиги ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида”ги Россия қонунларини тилга олишимиз мумкин.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунда “Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шавқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “Порнография, шавқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда филмларни намоиш этиш тақиқланиши” белгилаб берилган.

Ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан ҳимоялана олишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Айнан мана шу борада улар катталар, айниқса, ота-

оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож. Биз ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришимиз лозим.

Ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, буни амалга оширишда жамиятимизнинг кенг қатламлари: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини эътиборга олсак, уларнинг асл мақсадлари нимага қаратилгани равшан бўлади. “Оммавий маданият”ни тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қадриятларнинг кераги йўқ. Уларнинг сиёсий мақсадлари мамлакатларни ўз измига солиш, бойликларига эгалик қилиш, одамларнинг иродасини сусайтириш ва охир-оқибатда эркинлигидан жудо қилишдир.

Америкалик сиёсатшунос Збигнев Бжезинский ўтган асрнинг охиридаёқ тараққиётга таъсир этаётган кучлар, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида тўхталиб, маданий устунлик Америка глобал куч-қудратининг муҳим жиҳати саналишига эътиборни қаратади. Айримлар ўзининг эстетик қадриятлари ҳақида нималарни ўйламасин, Америка оммавий маданияти, айниқса, дунё ёшларини оҳанграбо каби ўзига тортади. Американинг телевизион дастурлари ва филмлари жаҳон бозорининг қарийб тўртдан уч қисмини эгаллаган. Американинг оммабоп мусиқаси ҳам устувор мавқега эга, шунингдек, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишдаги одатлари ва ҳатто кийинишига бутун дунёда тақлид қиладилар, деб ҳисоблайди. Бу билан аниқ мақсадлар, режа ва дастурлар асосида америкача маданият гегемонияси тарғиб қилинаётганини таъкидлайди. Бу тенденция ҳозирги кунгача давом етиб келаётганини кузатиш мумкин.

Ижтимоий тармоқлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда интернетдаги ижтимоий тармоқлар айниқса ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Юртимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти “Odnaklassniki.ru”, “Фейсбук”, “В.Контакте”, “Моймир” каби тармоқларда ўз профилларига эга. Бироқ кейинги йилларда мазкур тармоқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган жиҳатлари ҳам кўзга ташланаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Сўровномани ўтказишдан мақсад ҳам мазкур масала юзасидан талаба-ёшларнинг фикрларини ўрганиш эди. Бир ой давомида 100 дан ортиқ иштирокчи “Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутди?” сўровномасига ўз муносабатларини билдиришди. Қизиғи шундаки, талабаларнинг 38 фоизи ушбу тармоқлар дўстлар орттириш, манфаатли танишувлар учун керак деган фикрни маъқуллаган бўлса, яна шунча фойдаланувчи тармоқларнинг ёшлар тарбияси ва одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатаётганини тан олган. Демак, бугун ижтимоий тармоқлар қанчалик оммалашмасин, унинг салбий оқибатларини кўра билаётганлар сафи ҳам ошиб бормоқда.

Сўровноманинг тўлиқ натижаси билан танишинг: Савол: Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутди?

1. Дўстлар орттириш ва манфаатли танишувларга ёрдам беради – 32 (26.9%);
2. Ўз фикрини эркин билдириш имкониятини беради - 24 (20.2%);
3. Ёшлар тарбияси ва одоб- ахлоқига салбий таъсир кўрсатади - 32 (26.9%);
4. Ҳамаёниятли шахсларнинг ўз манфаати йўлида фойдаланиши учун бир восита - 10 (8.4%);
5. Бекорчиликдан бошқа нарса эмас - 21 (17.6%).

Эслатиб ўтамиз, “Даракчи” газетасининг нашрдан чиқадиган 16- сонидан журналист Гулноза Алимованинг “Социал тармоқлар виртуал наркотикми ёки

оммавий маданиятнинг янги босқичи?” деб номланган мақоласи чоп этилади.

Муаллиф мазкур мақолада ижтимоий тармоқларнинг бугунги кунда ёшлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида кенг мушоҳада юритади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ва жаҳонда оламшумул ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда биз нафақат аниқ бир инсон, балки бутун жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб келаётган ахборот технологияларининг ажойиб ихтироларидан бири бўлмиш социал тармоқларни четлаб ўтолмаймиз. Жорий вақтда социал тармоқлар деярли бутун дунёни қамраб олган. Айниқса, ёш авлод жуда ҳам социал тармоқларни яхши кўради. Кимга интернетда ўз расмларини қўйиш, олис масофадаги дўстлар ва қариндошлар билан гаплашиш, ўйинлар ўйнаш, мусиқа тинглаш ва сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш, статусларни тинмай ўзгартириш ёқмайди дейсиз? Агар биз социал тармоқлар сонига ва уларнинг турларига еътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ҳаммасини ёритишда бу мақола ожизлик қилади.

Келинг биз энг машҳур социал тармоқлар ва уларга қанча фойдаланувчи аъзо бўлганлигига бир назар ташлайлик: Фасебоок – 750 миллион, Твиттер – 200 миллион, Odnaklassniki.ru – 100 миллион, V контакте – 135 миллион ва ҳоказо.

Мана кўриб турганингиздек, шу рақамлар инсониятнинг қанчалик социал тармоқлар ичига кириб кетаётганлигидан далолат бермоқда. Табиийки, сизда савол пайдо бўлиши мумкин: бу яхшими ёки аксинчами? Албатта, кўпчилик бу тармоқларни маъқуллайди ва унга ижобий баҳо беради. Чунки, ҳозир социал тармоқлар бўш вақтни ўтказишнинг энг яхши воситаси ҳисобланади. Энди эса, келинг, социал тармоқларнинг бизнинг ҳаётимизга, дунёқарашимизга, онгимизга, ақл-у шууримизга ва соғлиғимизга қандай таъсир этиши ҳақида фикр юритайлик.

Интернетнинг зўр бериб ривожланиши билан одамзод борган сари меъёрни унутиб, унинг гирдобига беҳосдан тортилмоқда. Ахир биз бир муҳим

нарсани эсдан чиқармаслигимиз даркор: реал ҳаёт бошқа, виртуал ҳаёт бошқа. Биз кундалик ҳаётда одамлар билан жонли мулоқотда бўламиз, жонли фикр алмашинамиз ва ўзимизга керакли бўлган хулосаларни чиқарамиз. Виртуал ҳаёт эса инсонни тамомила дунёқараши ва онгини ўзгартириб юбориши мумкин. Келинг, айнан шуни социал тармоқлар мисолида кўрайлик. Ҳозирда социал тармоқларнинг ПР фаолияти ва рекламаси жуда ривожланмоқда. Ҳатто 2010 йили америкалик режиссер Дэвид Финчернинг Фасебоок социал тармоғи асосчиси Марк Цукерберг ҳақидаги “Социал тармоқ” номли бадий филми сурагга олинди. Ҳозирги замонда кўп ёшлар ўз вақтларини социал тармоқларда ўтказишади. Улар ҳатто дарсларини, уй юмушларини ва ўз режаларини ҳам ёдидан чиқариб юборишади. Бу эса, социал тармоқларга қарам бўлишдан бошқа ҳеч гап эмас. Ёхуд бошқача сўз билан айтидиган бўлсак, бу – психологик қарамликдир. Интернет оламида сайёҳат қилар экансиз, баъзиларнинг эрта-ю кеч “Онлине”, “В сети”, “Готов к общению” каби статусларини кўрасиз.

Ушбу одамлар бамисоли социал тармоқларда “яшашади”. Улар учун виртуал ҳаёт муаммолари ва ташвишлари ҳар нарсадан, жумладан реал ҳаётдан устун туради. Бизнинг фикримизча, бу тенденция салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки инсон социал тармоқларда бўлар экан, у ўз ҳаётини фақат шу тармоқлар орқали кўради, хулосаларни тармоқ нуқтаи назаридан ва улардаги аъзолар фикрларидан чиқаради, унинг дунёқараши шу тармоқ доирасида шаклланади, ҳуллас бундай инсонларнинг онги фақат бир оламда яшайди.

Инсон реал ҳаётидаги камчиликларини, сиқилишларини ва муваффақиятсизликларини тармоқда қоплашга интилади. Расмлар ва уларга берилган шарҳлар, янги дўстлар, ёрқин лавҳалар ва тармоқлараро уюшмалар одамни тўлқинлантиради. Интернет уларнинг фикрлашини бутунлай ўзгартириб юборади. Ундан ташқари социал тармоқлар ғаразгўй одамларнинг

ёвуз мақсадларига хизмат қилишлари мумкин. Масалан, тармоққа қўйилган ахборот ва хабарлар бошқалар томонидан ўғирланиши, бузилиши ва бошқа тармоқ аъзоларига юборилиши мумкин. Ёки фирибгарлар қалбаки расмлар ва ёлғон маълумотлар билан ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Ҳатто социал тармоқлар бутун бошли қотилликлар, исёнлар, урушларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, замонавий фанда “информацион уруш” деган атама мавжуд. Информацион уруш социал тармоқларда жуда қўл келиши мумкин. Ана энди ҳозирги вақтдаги воқеалар билан социал тармоқларин боғлайлик.

Маълумки, 2011 – йилнинг боши бутун жаҳоннинг диққат – эътиборига сазовор бўлган “араб инқилоблари” ёки “араб баҳори” номли воқеалар билан бошланди. Тунисда бошланган давлат тўнтариши занжирли реакция бўйлаб Миср, Ливия, Сурия, Иордания, Яман ва бошқа араб давлатларига тарқалди. Бу тўнтаришларга аҳамият берадиган бўлсак, ҳаракатларни бошлаганлар 18 – 35 ёшлардаги фуқаролар эди. Яъни, улар ҳам социал тармоқлар таъсири остида бўлиб қолиб, уларнинг бошқа ўлкалардаги дўстлари қандай яшаётганлигини кўриб ўз ҳаётларини тубдан ўзгартиришга аҳд қилишди. Масалан, Мисрдаги тартибсизликлар “Твиттер инқилоби” деган номни олди. Қарангки, социал тармоқ қанчалик жамият ҳаётига ва давлат сиёсатига ўз таъсирини ўтказа олди. Ўйлашимизча, бу далил социал тармоқ таъсирига тушган янги фуқаролик жамияти шаклланишининг бошланишидир. Яқиндагина оммавий ахборот воситаларида биз бир хабарга дуч келдик.

Маълумки, Саудия Арабистонида аёлларга транспорт воситасини ҳайдаш тақиқланади. Араб дунёсида бўлаётган воқеаларни кузатиб борган Саудия Арабистонидаги баъзи аёл фуқаролар Фасебоок тармоғида ўз социал уюшмасини тузишди. Бу уюшмада уларни бир ғоя бирлаштириб турди, яъни улар аёлларни автомобил ҳайдашга ва барча тақиқларни йўқ қилишга чақиришган. Яна бир мисол. 2022 йилнинг июл ойида тинч Норвегия аҳолисини ларзага солган қўпоровчилик ҳаракати ҳам тармоқда ўз аксини

топган. 77 кишининг шафқатсиз тарзда оламдан кўз юмишига сабабчи бўлган Андерс Брейвик ҳам ўз режаларини Фасебоок тармоғида доимий ёритиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар бўш вақтини фақат социал тармоқларда ўтириш билан ўтказишлари нотўғри. Чунки, жонли, ҳақиқий ва реал мулоқот ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ёшлар китоб ўқишлари, ўз устларида ишлашлари ҳамда ижтимоий фаолликни оширишлари лозим. Тармоқдаги фаоллик ҳеч нарсани белгиламайди ва инсон тўғрисида ҳаққоний бўлмаган маълумотларни сақлаши мумкин.

I БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Маълумки эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Айнан мазкур вазифани бажариш мақсадида ўтган мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий жараёндаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар бўш вақтини фақат ижтимоий тармоқларда ўтириш билан ўтказишлари нотўғри. Чунки жонли, ҳақиқий ва реал мулоқот ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ёшлар кўпроқ китоб ўқишлари, ўз устиларида ишлашлари ҳамда ижтимоий фаолликни оширишлари лозим. Тармоқдаги фаоллик ҳеч нарсани белгиламайди ва инсон тўғрисида ҳаққоний бўлмаган маълумотларни сақлаши мумкин. Биз ижтимоий тармоқларнинг ҳаётимизга бўлган таъсирини рад этолмаймиз.

Биз онгли равишда ижтимоий тармоқ аъзоси бўла туриб, реал ҳаёт ва вертуал ҳаётни фарқлай олишимиз лозим. Бундан ташқари, интернетнинг ҳам инсон ҳаётида зарари йўқ эмас. Айниқса, бу ёшлар ўртасида кўп учрамоқда. Интернетнинг инсон руҳиятига биринчи салбий таъсири барқарор қарамликдир. Ёшлар қандай қилиб компютерда соатлаб ўтирганини ва у ўтаётган ҳаётни сезмаётгани инсоният учун муаммо ҳисобланади. Бунинг оқибатида эса, болада интернетга бўлган қизиқиш кўрсаткичи юқори бўлади, у оила ва дўстлар билан вақт ўтказишни, мактабга боришни, уй вазифаларини бажаришни истамаслигига олиб келади, ўз вақтини бошқаришни йўқотади. Бунинг олдини олиш учун эса, ота-оналар болаларига эътибор беришлари, улар учун вақт ажратишлари, уларнинг илм эгаллаш, касб танлаш, хунар ўрганишга бўлган истаклари

билан қизиқишлари лозим.

Ёшларни интернетдан фойдаланмаслигини чеклашни имкони йўқ, шу сабабли, ота-оналар болаларига ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланишни ўргатишлари керак. Масалан, фарзандлари ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқчи бўлганида уни назоратдан четда қолдирмаслик, фарзандларига интернетда фақатгина “яхши” эмас, балки “ёмон” ахборотларни ҳам учратиши мумкинлигини тушунтириш, уларнинг интернетдан фойдаланишига баъзи ҳолларда чекловларни ўрнатиш кераклигини унутмасликлари лозим.

Бутун жаҳон интернет ахборот тармоғи, мобил алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари орқали “оммавий маданият” ниқоби остида миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий ахлоқий қарашларимизга ёт зарарли ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлар кузатилмоқда. “Оммавий маданият” маҳсулотлари ёшлардан чуқур фикр-мулоҳаза юритишни талаб этмайди, аксинча, уларни ҳар хил ҳаёт ташвиши ва муаммоларидан “халос” этади, ўқишга, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда “яшаб қолишга” чақиради.

“Техника ривожланиш асри” – деб ном олган ҳозирги даврда ёшларимизнинг қандай мафкурага мойиллиги, уларнинг онгида шаклланаётган ўй-фикрлари ва тасаввурларини илмий асосда ўрганиш ҳаётий заруратдир. Ёшлар камолотига, уларнинг ҳулқ-атворига ва интеллектига бир қанча омиллар таъсир этади. Бу ўринда эса албатта, жамиятда алоҳида нуфузга эга бўлган интернет воситаларининг роли бекиёсдир.

Муҳтарам Президентимиз И.Каримов ўзларининг бир қатор маърузаларида “Биз бутун дунёни қуршаб олган интернетни чеклай олмаймиз” – деб таъкидлаб ўтганлар. Дарҳақиқат ҳозирги кунда интернет

бутун дунёнинг оммавий ахборот тармоғига айланди. Шу ўринда бир савол туғилади.

Интернетда узатилаётган турли намоишларнинг фарзандларимиз тарбиясидаги аҳамияти қандай. Ахир ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиз эмасми? Олимлар томонидан қилинган бир неча таҳлилларга назар соладиган бўлсак, интернет саҳифаларида зўравонлик эпизодларини кўрсатилиши, болалар мультфилмларида эса адолат ва ёвузликнинг жазоланиши мавзусини яширин ҳолда тасвирланиши томошабинда албатта зўрлик маданиятини уйғотишга таъсир этади. Таниқли ғарб олимлари Роберт Ходж ва Девид Триппларнинг фикрича, болаларнинг ҳар хил намоишларни кўришлари бу дастур мазмунини оддий ҳисобга олиш эмас, балки кўрганларини изоҳлаш, уқиб олиш демакдир. Мазкур муаллифларнинг тахминича, кўпчилик ўтказилган тадқиқотларда болалар тафаккурининг ўзига хос мураккабликлари ҳисобга олинмаган. Болалар эса интернетдаги намоишларни ўзларининг кундалик ҳаётдаги бошқа масалалар билан боғлаб ўқийдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, интернет воситалари ёшларни тарбиялашда уларнинг эстетик дидларини ўстиришга ва маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қила олади. Бироқ бунинг учун фильмларда одамзодга хос бўлган турли иллатлар эмас, балки эзгу фазилятлар улуғланиши керак. Зеро, экранга термулиб ўтирган боланинг хали шаклланиб улгурмаган дунёқараши биргина нотўғри ахборот туфайли бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

II БОБ. ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2.2. Глобал интернет тармоғидаги таҳдидларнинг мазмун-моҳияти

Бугунги кунда маърифий адабиётларда “маънавий таҳдидлар” тушунчаси кенг ишлатиб келинмоқда. Аввало бу тушунчанинг моҳиятини англаб олиш зарур. Маънавий таҳдидлар - шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи хавф-хатар, хуруж ва бузиш маъноларини англатади. Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар ҳисобланади.

Ҳозирги даврда жамият барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, сўнгги йилларда глобал миқёс касб этиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган турли хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўллари аниқлаш устувор вазифага айланди.

Жумладан, интернетнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили; замонавий жамиятда интернетдан фойдаланиш маданияти ва интернетдаги таҳдидларнинг кириб келиши, тузилиши ва ижтимоий вазифалари талқини каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ривожланган давлатлардаги тадқиқот марказлари ва институтлари томонидан интернетнинг ривожланиш босқичлари, вақтлар ўтиши билан ижобий томонларидан кўра салбий жиҳатларининг кўпайиши ва келажак авлод тарбиясига жиддий зарар етказиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай таҳдидларни олдини олиш мақсадида мамлакатимизда

миллий маданият ва маънавиятни юксалтириш масалаларига аълохида эътибор бериб келинмоқда. Миллий қадриятларимизни тиклаш, миллий санъат ва ижод соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ишларни амалга ошириш йўлида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. 2017 йилда мазкур ташкилотлар бирлаштирилиб, улар негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Бу ишларнинг фаоллигини янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши юртимизда миллий маданият юксалаётгани ҳамда турли таҳдидларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентабрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ – 3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ва 2019 йил 3 майдаги ПҚ – 4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

XXI асрга келиб турли оқимлар ва кучлар томониданидан инсон онги ва қалби учун кураш янада авж олди.

Ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, турли бузғунчи ғоялар, одоб-ахлоқни емирувчи манфур иллатлар ҳар бир онгли кишини ташвишга

солиши аниқ.

Интернет ёрдамида ишлар осон ва тез бажарилади. Лекин кейинги пайларда интернет билан боғлиқ бузғунчиликлар, глобал тармоқдан қабих мақсадда фойдаланаётганлар кўпайиб бормоқда. Оқибатда, залолатга бошловчи электрон нашрлар ва видеолавҳалар кенг ёйилмоқда. Асосий муаммо интернетдан ким қандай мақсадда фойдаланаётган кўпайиб бормоқда. Оқибатда, залолатга бошловчи электрон нашрлар кенг ёйилмоқда.

Асосий муаммо интернетдан ким қандай мақсадда фойдаланишида. Хозир ёш бола ҳам компютерни бемалол ишлата олади. Бир қарашда, бунинг ёмон жойи йўқдай. Аммо ҳаддан ошилса, назорат бўшашса, оқибати жуда ёмон бўлади.

Интернетга кираётган ёшлар сони соат сайин ортмоқда. Бир муҳим маълумот: “Болаларни асрайлик” (Саве тхе Чилдрен) халқаро ташкилоти АҚШдаги 18-22 яшар ёшларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланишини эълон қилди.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 2008 йилда 2 миллион, 2014 йилда 10 миллион бўлган бўлса ҳозир 22.1 миллиондан ошгани, уларнинг аксарияти ёшлар эканини алоҳида қайд этиш керак.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти “Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан

айниқса хатарлидир” деб таъкидлаган. Таҳдидлар ва уларга қарши курашиш зарурати экологик муаммолардан ҳам долзарброқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Биринчи Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, — ...маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”.

Биз ғоявий, маънавий ва ахборот хуружлари кучайган даврда яшаймиз. Бундай шароитда таҳдидларга қарши курашишда ҳуқуқ таълими кўмак вазифасини бажаради. Бунга кўплаб далилларни келтириб ўтамыз.

Биринчидан, ҳали вояга етмаган 2 ёшли бола иссиқ чойнакда бармоғини беҳосдан бир маротаба куйдириб олса, у чойнакдан йироқ юради. Бироқ, онаси совутиб берган пиёланинг сувини истаганча тўкаверади, пиёлани синдиришга уринади.

Бу қиёс бир қараганда илмий қиёсга ўхшамайди. Аммо билдирмоқчи бўлган фикримиз бутунлай бошқа. Биз ҳуқуққа ҳурмат туйғуси ва мафкуравий иммунитетни энг аввало оилада, маҳаллада, мактабгача, умумий ўрта, профессор таълим муассасалариб олий таълим муассасаларида шакллантириш орқали таҳдидларнинг ҳар қандай турига қарши кураша оламиз.

Иккинчидан, юқоридаги фикрнинг давоми сифатида таъкидлаш лозимки, таҳдидларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари таълим муассасаларидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларида етарлича ёритилмаяпти.

Учинчидан, мавжуд ўқув адабиётларида меҳнат қилиш ва оила

қуриш ёши кўрсатилган. Ёшларимиз бу тўғрисида маълумот олишлари ижобий ҳолат. Бироқ, таълим муассасасидаги ўқишига таъсир етадиган меҳнат шароитларида ишлаш мумкин эмаслигини уларга етказиб бериш педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Оила кодексига кўра, Оила қуришга йигитларга 18 ёшдан, қизларга эса 17 ёшдан йўл қўйилар эди. Еманспация ҳолатига кўра бу рақамлар яна бир йилга қисқариши мумкин эди. Ушбу ёшда вояга етмаганларнинг таълим муассасасида таҳсил олаётганлигига ҳам эътиборимизни қаратишимиз лозим. Бу ҳолат йигит ва қизларимизнинг таълим муассасасидаги фаолиятига салбий таъсирини ўтказар эди. Қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ никоҳ ёшининг тенглаштирилиши бу муаммонинг ечими бўлди.

2.2.Тарихий-назарий манбаларда турли таҳдидларга қарши кураш масаласи таҳлили

Халқимиз ўтмишида ҳам таҳдидлар бўлган, бироқ халқимиз ва муттафаккирларимиз уларга муносиб қаршилиқ кўрсатиб келишган.

Мотуридийлик таълимотининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган. У дастлабки таълимни ўзининг қишлоғида олиб, кейинчалик Самарқанддаги Работи ғозиён мадрасасида давом эттирди. Ал-Мотуридий яшаган давр сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Маълумки, Сомонийларнинг ҳукмронлик даврида марказлашган давлат шаклланган. Бунинг асосий сабабларидан бири аجدодларимиз четдан кириб келаётган таҳдидларга қарши муносиб қаршилиқ кўрсата олишган.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилишича,—.... амир

Исмоил Сомоний халқни (бу қийинчиликни тортишдан) озод қилди ва девор ҳам хароб бўлди, Амир: “То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан”,— деди ва устига олган бу вазифани тўла бажарди; у доимо жангларда ўзи қатнашди ва Бухоро вилояти устидан душманларнинг зафар топишларига йўл қўймади. Исмоил Сомоний ўз сўзлари билан халқнинг ишончини қозонган ва ана шу руҳий мадад туфайли марказлашган давлат туза олган.

Реннесанс даврида ҳам диний масалаларга оид ғоявий ва маънавий таҳдидлар турли мақсадларда суқилиб киришга уринган.

Ал-Мотуридий “Таъвилот ал-Қуръон” асарида Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда бузғунчи ғояларни рад қилишга ҳаракат қилади.

Олмон олими Улрих Рудолф Мотуридий илмий меросини Ашъарий таълимоти билан солиштирар экан, уларнинг ўртасидаги муайян ўхшашликларнинг мавжуд эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, баъзи фарқлар ҳам учраши ва улар энг муҳим тамойилларга тегишли эканини аниқлади. Аввало шунини айтиш керакки, уларнинг суннатга муносабатида ҳамфикрлик йўқ. Чунки Ашъарий бошда, муътазилий олими эди, кейинчалик намойишкорона, Улрих Рудолф ифодасича, балки итоаткорона, ханбалийлар томонига ўтди. Мотуридий эса шарқий ханафийликнинг намоёндаси эди ва умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Ашъарий ўз назариясини далиллаш учун радикал таърифлар келтиришдан қайтмаган. Мотуридий эса, аксинча, радикалликдан қочган. У кўпроқ барчани қониктирувчи, шу билан бирга ислом асосларига мувофиқ келувчи синтезлаш йўлини афзал кўрган.

Мотуридий ҳақидаги дастлабки маълумотлар, табиийки унинг ватани- Мовароуннаҳрда пайдо бўлган. Бу ерда хижрий V / милодий XI

асрга келиб, Мотуридий таъсири шаклланган эди. Унинг замондошлари ўз илоҳий анъаналари ҳақида жиддий ўйлай бошладилар. Ушбу анъаналарни шакллантиришда кўшган унинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган деган хулосага келинди. Абулюср ал-Паздавий (вафоти хижрий 493/ милодий 1100 йил) худди шу мазмундаги мулоҳазани билдиради, унинг замондоши Абулмуъин ан-Насафий (вафоти хижрий 508/ милодий 1114й.) эса айнан шу фикрни ёрқинроқ ифода этади . Аммо уларнинг биронтаси ҳам Мотуридийни Мовароунаҳрдаги сунний илоҳиётнинг асосчиси деб эълон қилиш ниятини кўзламайди. Улар Мотуридийга кўпроқ ўзларинг атоқли ҳамкасби, яъни мавжуд илоҳий таълимотни қойилмақом баён этган ва шарҳлаган мутафаккир сифатида қарайдилар. Абу Ҳанифага эса ушбу мактабнинг асосчиси сифатида қараганлар. У диний таълимотнинг барча асосий масалалари бўйича нимаики деган бўлса, ҳақиқат сифатида қабул қилиниши, ниманики тарғиб этган бўлса, ҳеч қандай ўзгаришсиз етказилиши ва талқин этилиши лозим эди.

Паздавийда бу ният иккиёқлама намоён бўлган. У бир томондан ўз эътиқодини *мотуридия* деб эмас, балки онгли равишда *ашоби Абу Ҳанифа* деб атаган. Иккинчи томондан, у ёки бу назария Абу Ҳанифа таълимотида аллақачонлар мажуд эканини қайта-қайта таъкидлашга уринган.

Биз биламизки, таниқли Абулюср ал-Паздавийнинг катта бобоси Абдулкарим бин Мусо ал-Паздавий (в.390/999й.) Мотуридий кўлида таълим олган. Абулюср ал-Паздавий Мотуридий тўғрисидаги айрим тафсилотларни ўзининг катта бобоси Абдулкаримдан шахсан отаси Муҳаммад орқали билган. Мотуридий ҳақида энг қимматли маълумотларни берган Абулюср ал-Паздавийнинг таъкидлашича, Мотуридий зоҳид бўлган, бинобарин, ундан кўп кароматлар зоҳир

бўлгани Паздавийлар уруғида узок вақт ҳикоя қилиб юрилган. Қашқадарё вилоятидаги Кўҳна Фазли қўрғонида яшаган Баздавийлар сулоласи вакиллари орасида ислом фикҳи (ҳуқуқшунослиги) тўғрисидаги изланишлар давомийлиги бир неча асрлар давомида сақланган.

Абулюср ал-Паздавий қолдирган гувоҳлик ўзининг маъно ва ифодаларининг анча аниқлиги билан диққатга сазовор. У ўз шахсий илоҳиёт анъанасини ёрқин англагани билан ажралиб туради. Паздавий ўз назариясини нафақат бидъатлардан, балки ўз номига эга бошқа мактаблардан алоҳида ажратишни истар эди. Бундай ёндашув ўз мақсадларига биноан танланган нуфузли олимларга очик ва тўғридан тўғри мурожаат қилишни талаб қилар эди. Паздавий уларнинг айрим фикрларини сўзма-сўз келтирган. Бу ҳол айниқса, “Китоб ал-олим”га нисбатан очик кўринади. “Китоб ал-олим”ни Паздавий “Усул”да тилга олган. Китобнинг тўлиқ номи “Китоб ал-олим ва-л-мутааллим” (“Устоз ва шогирд”) бўлиб, у Абу Муқотил Ас- Самақандий (в.208/823й.) қаламига мансублиги баҳсли мунозарадан сўнг аниқланган.

Қарийб бир вақтнинг ўзида ал-Насафийнинг замондоши Абу ал-Юсир ал- Паздавий (вафоти милодий 1100 йил) ўзининг “Усул ад-дин” асарида ал-Мотуридий ҳақида ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Унда кўпроқ мактовлар ва Мотуридийнинг калом борасидаги фикрлари баён етилган.

Абу ал-Юсир ал-Паздавий “Усул ад-дин” китобида келтирилишича, “Таъвилот” – шу соҳада тенги йўқ китоб.... Бу соҳада илгари асар ёзган муаллифларнинг бирортаси ҳам бунинг даражасига етиша олмагандир.

Абу Тохирхожа “Самария” номли асарида қуйидагиларни келтириб ўтади: Ушбу имом отасининг оти Ҳусайндир. Али Паздавий 10 жилдлик “Мабсут” китоби, “Жомеъ ус-сағир” шарҳи ҳамда усули фикҳда “Усули Паздавий” китобларини ёзган. Дерларким, шу имомнинг

замонасида Шофёъий мазҳабида бўлган бир олим келиб, ҳанафий мазҳабидаги олимларни енга бошлади ва ўз мазҳабига киргизаверди. Муллалар унинг билан мунозара қилишга ундаб имомга ёпишдилар. Имом кўнмади. Лекин муллалар фириб ишлатиб уни мунозара қилдирдилар. Шофёъий олими имом Шофёъийни мақтаб, у бир ойда “Қуръон”ни ёдлагандир, деди.

Имом: “Бу жуда қулай бир иш, олти ойда эларо тарқалган бутун илмлардан хабардор бўлмак мумкин”, деди. Олти ойдан кейин қайси китобдан сўрасалар, (Али Паздавий) муфассал йўсинда айтиб берар эди. Шофёъий олими бу ҳолни кўргач, индай олмасдан ожиз қолди. Бундан кўриниб турибдики, Али Баздавий қомусий олим ҳисобланган. Али Баздавий халқимизга ёт бўлган ғоялар ва таҳдидларнинг кириб келишига муносиб қаршилиқ кўрсата олган. Баздавийни “исломнинг фахри” дея улуғлашган, бундан кўриниб турибдики ривожланган ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқи ривожланган. Шундай экан, ўзга юртларда яратилаётган, ислом ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилаётган сохта адабиётларга ўрин йўқ.

Ахборотлашув ва глобаллашув жараёнида турли курашлар тобора авж олмоқда. Айримлар буни XXI асрнинг янгилиги деб “маданиятнинг юксалиши”га ўхшатаётганлар бўлсада, ўсиб келаётган ёш авлод қалби, онгу шуурига таъсир кўрсатаётганини асло унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий ва маънавий анъанаси, қадриятига тўғри келмайдиган турли “урф-одатлар” кўпаймода. Ачинарли жихати шундаки, кўпчилик, хусусан, дунёқараши хали шаклланмаган айрим ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда.

Бугунги кунга келиб, муайян мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсиндириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳалар, қимматбаҳо техника, минглаб

аскар ва анча-мунча вақт ҳам керак бўлар эди. Хозирда эса муайян мамлакат ёки халқни бўйсиндириш учун оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик, ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор ғояга ишонтириш онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатыпти. Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст ва моддий зарар етказилади. Ишонтириш воситасида ҳаракат қилаётганларни эса бирор нарсада айблаш қийин, зеро, улар тарғиб қилаётган ғоялари ортида қандай манфаатлар яширинганини билиш осон эмас. Вахоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш ҳам халқ, мамлакат, худудини босиб олишнинг бироз маданийлашган кўриниш ҳисобланади, бироқ бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади, хатто аҳоли ўзини босиб олиш учун ким кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бу кураш яширин равишда, зимдан оширилгани боис, унга уюшқоқ ҳолда қаршилиқ кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай қарашларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши миллий чегараларни тан олмайдиган мулоқот муҳитини вужудга келтирди. Ушбу муҳит инсониятга чексиз имкониятлар бериши билан бирга одамлар маънавий онгини захарлайдиган салбий маълумотларни ҳам бериб, мафкуравий таҳдидларда аниқ ва равшан намоён бўла бошлади. Ушбу жараёнларнинг асл мақсадини англаган ҳолда бугунги кунда интернет орқали кириб келаётган “интернет таҳдидлари” ахлоқсизликни тарғиб мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга оид халқаро тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки XXI аср ахборот технологиялари, айниқса, Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар маълумотларнинг асосий манбаи сифатида жамиятда, дунёга жиддий

ўзгаришлар киритди. Шундай экан, ҳозирги кунда Интернетда хавфсизликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятида ҳам жиддий муаммо сифатида талқин қилинмоқда.

Интернетнинг кенг ривожланиши ўз-ўзидан ўсмир ёшлар учун муайян даражада хавф-хатарни ҳам келтириб чиқаради. Интернетда ёшлар ота-оналарининг ҳеч қандай кузатувларисиз ҳар қандай маълумотга эга бўлишлари мумкин. Ижтимоий тармоқлар ижобий таъсиридан кўра салбий таъсирининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Халқаро тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, болаларнинг 20%и виртуал алоқа орқали жинсий алоқада бўлишга таклиф олишган. 11%и эса бундай нарсага бир неча маротаба дуч келишган. Шунингдек, болаларнинг 14.5% и Интернет орқали нотаниш кимсалар билан учрашув белгилашган, 10%и ушбу учрашувларга бир ўзлари боришган, 7%и эса нотаниш кимсалар билан учрашишлари ҳақида ҳеч кимни огохлантиришмаган. Ушбу жараёнлар Интернет орқали ёшлар онгига тезлик билан сингиб бораётганидан далолат бермоқда.

Интернет ҳақида жаҳон ИАРейтерс мутахассислари ўз фикрларини билдирганлар:

“Бугунги кунда Интернет - жамият кўзгуси” ролини ўйнади, у биринчи бўлиб инсон томонидан порнографияга бўлган ехтиёжнинг юқори даражасини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, инсонлар, айниқса, ёшлар Интернетнинг фойдали томонларидан кўра ундан ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилувчи маълумотларни олишга кўпроқ қизиқишмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Интернет тармоқларида порнографик сайтлар 30 млн.дан 40 млн.гача етиб борди. Ушбу сайтлардан бир йилги даромад эса 150 млрд. долларга яқин маблағни ташкил этади. БМТ маълумотида кўра, 4 миллиондан ортиқ веб-сайтлар ёшларнинг порнографиясига оид маълумотлар билан тўлиб

кетди. Хар куни ушбу сайтлар 200 дан ортиқ янги тасвир ва маълумотлар билан янгиланиб боради.

Россия Ички ишлар вазирлигининг хабар беришича, “Вконтакте” деб номланган ижтимоий тармоқда 15 миллионга яқин ёшлар рўйхатдан ўтган. Аслида ушбу сайт болалар порнографик маълумотларининг базаси хисобланади. Худди шундай ҳолатлар “Одноклассники”, “Мой мир” ижтимоий тармоқларида ҳам юз бериб, ушбу муоммо бугунги кунда бутун дунёда жуда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки ушбу ҳолат ёшларнинг маънавий онгига салбий таъсир кўрсатувчи агрессия ва зўравонликни ривожлантиради.

Бугунги кунда ёшларнинг кўпчилиги мазкур сайтлардан рўйхатдан ўтишган. Олий ўқув юртларининг деярли 90% талабалари Интернетнинг ижтимоий тармоқларидан кенг фойдаланиб келишмоқда. Ушбу фойдаланувчилардан 83%и эса кўрсатиб ўтилган Россия ресурсларига тўғри келади. Айниқса ҳозирги кунда “Одноклассники.ру”, “Вконтакте”, “Фасебоок”, “Телеграм” ижтимоий тармоғида кўплаб ўзбекистонлик ёшлар ҳам рўйхатдан ўтганлар. Албатта, ушбу ижтимоий тармоқлар ёшлар маънавий онги учун тўлиқ ижобий маълумотлар беради, дея олмаймиз. Айрим ёшларимиз ушбу ижтимоий тармоқлардан ўз яқинлари билан узоқни яқин қилувчи восита сифатида фойдаланишса, баъзи ёшлар зерикиш натижасида ахлоқсизликни тарғиб қилувчи порнографик маълумотлар олишга, маънавий онги ва фикрлаш доираси ахлоқий жихатдан паст бўлган ўртоқлар излашга, улар билан ахлоқ чеграларидан четга чиққан интим мавзуларда суҳбат қуришга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда Интернет ижтимоий тармоқлари одамларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида уларни доимо алоқада бўлиб туриши учун ташкил етилган бўлиши мумкин. Аммо у бора-бора

ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ижтимоий тармоққа айланиб, ёшларни ўзига янада кўпроқ жалб қила бошлади.

Ачинарли жихати шундаки, ушбу ижтимоий тармоқларда ахлоқсизлик ғояларини чеклашга оид қонун-қоида мавжуд эмас. Мазкур ижтимоий тармоқда кечаётган жараёнлар ёшлар онгини тўла маънода захарламоқда ва уларни миллий маънавиятдан йироқлаштирмоқда.

Жумладан ушбу сайтларда йигитлар хохласа, қизларга мантиққа зид келадиган ҳар хил уят гапларни ёзади, қайсидир ёш қизлар “Класс” йиғиш учун керак бўлса ички кийимларини кўрсатиб расмларга тушиб, сайтга жойлаштиради. Буни кўрган жамоа янада қизиқиб бошқа тенгдошларини ҳам таклиф қилмоқда.

Юқоридаги муоммолардан кўриниб турибдики, бугунги кунда ёшларимизни Интернет орқали кириб келаётган салбий таъсирдан ҳимоя қилиш муоммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Шундай Экан, ушбу жараёнда Интернет орқали кириб келаётган салбий ахборотлардан ёшларни ҳимоя қилиш борасида дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар тажрибаларини ўрганиш, уларни миллий тажриба билан мослаштириш давр нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Жумладан, Европа кенгашининг ёшларни салбий маълумотларга эга ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга оид чоратadbирларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ташкилот ҳозирги ахборотлашган жамиятда ёшларни ҳимоя қилиш мақсадида аъзо мамлакатларда медиатаълимни ривожлантиришда биргаликда ҳаракат қилишга чақирмоқда. 2009 йилда Европа кенгаши Парламент Ассамблеяси томонидан 1882-сонили “Интернетда ёшлар учун фойдали медиа хизматларини ривожлантириш тўғрисида”ги Тавсиялар қабул қилинди. Унга кўра:

1. Давлат ва ҳукумат даражасида Гендаер стереотиплари билан

кураш олиб бориш бўйича кўрсатмалар бериш лозим. Бундай чекловлар (зўравонилик, порнография, алкоголь, қимор ўйинларини тарғиб этувчи материаллар) филтрлар ёрдамида таъминланиши мумкин. Бундай филтрлар, ота-оналар, педагоглар, кутубхоначилар ва бошқалар ҳамда вояга етмаган ёшлар учун маълумотларни етказиб берувчи шахсларнинг тармоқларига ўрнатиш;

2. Алохида тартиб-қоидага бўйсунадиган, ҳимояланган компьютер тармоқларини яратиш шарт. Бундай тармоқлар ёшлар онгига хавфли бўлган ҳар қандай маълумотдан уларни ҳимоя қилади;

3. Интернет индустрияси ҳамда болаларни ҳимоя қилиш ташкилотларининг субъектлари билан бирга, Интернет ва онлайн ресурсларида учрайдиган хавф-хатарлар ҳақида тушунчалар бериш ҳамда салбий муҳит тарқалишини чеклашга имкон берадиган. Техник воситаларадан фойдаланиш;

4. Ота-оналар учун болаларни салбий муҳитдан ҳимоя қилишга ёрдам берувчи дастурлар яратиш ҳамда уларни кенг тарғиб қилиш ва бепул тарқатиш;

5. Давлат ва шахсий ўқув муассасаларида музей ва миллий маданият муассасаларида Интернетни кенгроқ яратишга кўмаклашиш лозим. Бунинг натижасида эса миллий маданий мероснинг рақобатга лойиқ эканлигини ёшлар аудиториясига кўрсатиб бериш;

6. Интернетдан чексиз фойдаланишни ёшлар руҳиятига салбий таъсирини таҳлил этиш;

7. Интернет провайдерларининг ҳуқуқий масъулиятини ошириш бўйича ишларни кўриб чиқиш;

8. Интернет индустрияси, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ташкилотлар ва давлат органлари ўртасида ўзаро миллий тизимни яратиш;

9. Болалар, ўсмирлар, ота-оналар, педагогларда компьютер таълими ва ёшларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

10. Интернет провайдерлари томонидан шикоятлар қабул қилиш учун интернет тармоқларини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилиши ҳақидаги масалалар қабул қилинди.

Мазкур тавсилардан кўриниб турибдики, Интернет орқали кириб келувчи таҳдидлар ёшлар ва болалар маънавий онгига салбий таъсир кўрсатади. Буларда салбий тавсияларнинг олдини олиш ва қарши курашишга оид технологик жараёнлар келтирилган. Шу билан бирга, Германия тажрибасига назар ташласак, бугунги кунда у ерда ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи маълумотларнинг тарқалишини бошқариш модели фаолият олиб бормоқда. Жумладан, “Ёшларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, “Инсон кадр қимматини, ёшларни теле-медиа хизматлар, телерадио намоёйиши соҳасида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Давлат битими, “Телерадио намоёйиш ва теле-медиа тўғрисида” ҳамда “Рақамди телвиденияда ўсмир ёшларни ҳимоя қилиш ҳамда азарт ўйинлари тўғрисида” ги қонунларнинг нормалари билан мамлакат кибермаконидаги хавфсизлик муоммолари бошқарилади. Хусусан, “Ёшларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра, Германияда Федерал Департамент мавжуд бўлиб, ушбу департамент медиа-ресурслар ёшлар учун салбий маълумотларни кузатиб боради. Масалан, зўравонлик, жиноят, рацизм, ахлоқсизликни акс эттирувчи маълумотлар бўйича аёллар ва ёшлар ишлари бўйича федерал вазирлик ҳамда Ёшларни ҳимоя қилиш бўйича давлат бошқарув органи Федерал Департаментга мурожаат қилиш мумкин. Бундай маълумотларни ижтимоий сайтларга тарқатиш ва реклама қилиш қатъиян ман этилади.

Германияда кўпгина интернет лойиҳалари келишувга рози бўладилар. Булардан бири Гугледир. Бу ташкилотларнинг Интернет

тармоқлари медиа-ресурслар бўйича Федерал департамент томонидан бошқариладиган рўйхат асосида филътрланади. Шу билан бир қаторда, 2009 йилнинг июнъ ойида Германия парламенти “Интернетдаги чегаралар тўғрисида” қонун қабул қилди. Унга кўра, Германиянинг жиноий қидируув полициясининг ведомостваси болалар порнаграфиясига қарши курашиш мақсадида ҳар куни интернет провайдерларига ман этилган махфий рўйхатларни етказди. Ўша рўйхатдаги веб-сайтга фойдаланувчи кирмоқчи бўлса, бу ҳақда у ерга маълумот келади ва “СТОП” белгиси берилади.

Шу билан бирга, интернет тармоқлари орқали тарқаладиган салбий маълумотларнинг олдини олиш мақсадида 2010 йилнинг 8 июнида Буюк Британияда “Рақамли иқтисод акти” кучга кирди. Унга кўра, давлат органларига салбий маълумотлар мавжуд бўлган ҳар қандай веб-сайтни чегаралаш ва филътрация қилиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, ушбу қонун Буюк Британиянинг Ички Ишлар вазирлиги Интернет провайдерларига техник масъулият юклайди ва уларнинг ҳар бири салбий маълумот жойлашган веб-сайтарга йўлни беркитиш лозим. Интернет провайдерлари мижозлар орқасида жосуслик қилиб, уларнинг рўйхатини топширишлари лозим. 1996 йилда Буюк Британияда ҳар қандай маълумотлар учун амалдаги тармоқларни ташкил этувчи яна битта механизм ишга тушди, бу ташкилот Интернетдан кузатиш фонди деб номланди. Ушбу фонд фаолияти Интернет провайдерлари томонидан моддий-қўллаб қувватланади, унинг ташкилий қисми тизимини шакллантирувчи Кенгаш – бизнес вакиллари, истеъмолчи жамиятнинг вакиллари, болаларни химоя қилиш ташкилот вакиллари ҳамда, бошқарув кенаши, яъни Интернет провайдерларидан иборат.

Франция қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, 2011 йил 15 февралда Франция Конституцион Кенгаши томонидан мамлакатнинг

ички хавфсизлигини таъминловчи қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда куйидаги чора-тадбирлар кўзланган:

1. Болалар порнографиясини тарқалишини чеклаш учун Интернетда зарур филътрация яратиш (ушбу жараён Франция ички ишлар вазирлигининг Марказий бошқаруви томонидан амалга оширилади).

2. Қалбаки ИП адресдан фойдаланган шахсларга жазо кўллаш (санкция: 1 йилга озодликдан махрум қилиш ёки 15 минг евро миқдорида жарима).

3. Интернетдан учинчи шахс номидан ҳаракатларни амалга ошириш (агар ушбу ҳаракатлар учинчи шахсга зарар келтирган бўлса, санкция: 1 йилга озодликдан махрум қилиш ва 15 минг евро миқдорида жарима).

4. Ёшлар онги ва уларнинг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар ва бошқа чақирувларни ҳар қандай воситалар билан чеклаш.

5. Полиция томонидан масофали кузатув олиб бориш. Ушбу жараёнда ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи ҳар қандай ножўя хатти ҳаракатларни етказувчи ташкилотлар билан ўзаро алоқада бўлиш.

Худди шундай қонун АҚШда ҳам мавжуд бўлиб, у ерда 2000 йил декабр ойида “Интернетдан болаларни химоя қилиш тўғрисида”ги Акт кучга кирди. Унга кўра, интернет ресурсларида айниқса салбий маълумотга эга бўлган веб-сайтларга чеклов ўрнатиш масалалари биринчи ўринга қўйилди. Шу билан бирга, таълим муассасалари кутубхоналар ёшларни интернетдан химоя қилишга оид гранларни ҳам кўлга киритиши мумкин. Филътрация жараёнида филътрлайдиган дастур пакетлари ишлатилади, яъни улар ИП адресларни блок қилади. Ушбу акт қабул қилинишидан бир неча ой олдин 2000 йил апрель ойида “Вояга етмаган ёшларнинг шахсий ҳаётини химоя қилиш тўғрисида”ги Акт кучга кирди. Унга кўра, 13 ёшдан кичик бўлган болалар ҳақидаги шахсий

маълумотлар фақатгина ота-оналар рухсати билангина тарқатилиши мумкин. Ўсмир ёшлар ўзининг шахсий интернет адреси ва персонал каналига эга бўлиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ғарб мамлакатларида ёшлар маънавий онгига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларни Интернет тармоғидан кириб келишининг олдини олишга оид бир қанча қонун, акт ва низомлар қабул қилинган. Буларнинг номланиши ва вазифаси ҳар хил бўлгани билан мақсади бир хил бўлган жараёндир.

МДХ мамлакатларида ёшлар маънавий онгини захарловчи маълумотлардан химоя қилиш мақсадида ҳам ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2012 йил 11 июлда Россия Федерациясининг Давлат думаси томонидан “Болаларни уларнинг онгига, соғлиғига ва ривожланишига хавф соладиган маълумотлардан химоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, болалар учун хавфли бўлган маълумотлардан иборат бўлган Интернет ресурсларининг мониторинг, филътрация ва блокировка тизимини ташкил этиш механизмини яратиш белгиланди. Ушбу қонун билан биргаликда “Федерал қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилиниб, унга янги “Россия Федерация худудида тарқатилиши ман этилган Интернет сайтларининг ягона реестр номлари ва универсал кўрсаткичлари” номли 15-модда киритилди. Унга кўра, Россия Федерацияси ҳукумати томонидан аниқланган реестр оператори Интернет ресурсларига қуйидагилардан иборат бўлган рўйхатни киритди:

- а) вояга етмаган ёшлар акс эттирган порнографик материаллар;
- б) наркотик, психотроп воситаларини, уларни яратишни тарғиб этувчи материаллар;
- с) наркотиклар, психотроп воситаларни, прикурсорларни истеъмол қилишни тарғиб этувчи материаллар;
- д) ўзини-ўзи ўлдиришга чакирувчи маълумотлар;

е) Россия худудида тарқалиши тақиқланган маълумотларни суд орқали ман этиш белгиланди.

Шунингдек, Литва Республикасининг қонунларига назар ташлайдиган бўлсак, уларда “Салбий маълумотлардан ёшларни химоя қилиш тўғрисида” қонун мавжуд. Ушбу қонун ёшлар ўртасида уларнинг рухий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг кенг тарқалишига қарши йўналтирган бўлиб, бу маълумотларга қайси жараёнлар киришини қуйидагилар орқали кўриш мумкин:

- агрессиясини, ҳаётга бўлган ҳурматсизликни тарғиб этувчи зўравонликка оид маълумотлар;
- тегишли бўлган нарсаларни йўқ қилиш ва бузишга қаратилган маълумотлар; ўлик жасадни шафқатсизларча калтаклаш жараёни йирик кадрда акс этилиши; еротик характердаги маълумотлар;
- кўрқувни келтириб чиқарувчи маълумотлар; қимор ўйинларига таклиф этувчи маълумотлар;
- наркотик, токсик, психотроп, тамаки, алкогольни ижобий томондан кўрсатадиган маълумотлар;
- ўз-ўзини ўлдиришни тарғиб этадиган маълумотлар;
- жиноий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган маълумотлар;
- инсон кадр-қимматини ерга уришни тарғиб қилувчи жараёнлар;
- миллат, жинс, келиб чиқиш, касаллик, жинсий йўналиш, ижтимоий ҳолат, тил, дин, ёки нуқтаи назарларга қараб, индивид ёки жамоанинг устидан ҳақорат қилишга оид маълумотлар;
- оила қадриятларини менсимайдиган маълумотлар; қўпол ҳаракатларни акс эттирувчи маълумотлар;
- портловчи моддалар, шунингдек, наркотик психотроп моддаларни қўллаш ва уларни тайёрлаш ҳақидаги кўрсатмалар ва маслаҳатлар;
- гигиенада, овқатланишда ёмон ёки зарарли аломатларни тарғиб

этувчи маълумотлар, оммавий гипноз сеансларини акс эттирувчи маълумотлар.

Шулар билан бирга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан Грузия ва Украинада ҳам ахборот муҳитида болаларни ҳимоя қилиш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мамалакатларда махсус орган фаолият олиб бориб, у ахборот муҳитидаги салбий таъсирдан ёшларни ҳимоя қилишда жавобгарликни ўз бўйнига олади. Ушбу орган ОАВдаги қайси маълумот зарарли ёки зарарсизлигини аниқлайди, зарур эксперт хулосаларини беради.

Ахборатлашув ва глобаллашув жараёнида турли курашлар тобора авж олмоқда. Айримлар буни XXI асрнинг янгилиги деб “маданиятнинг юксалиши” га ўхшатаётганлар бўлсада, ўсиб келаётган ёш авлод қалби, онгу шуурига таъсир кўрсатаётганини асло унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий ва маънавий анъанаси, қадриятига тўғри келмайдиган турли “урф-одатлар” кўпаймода. Ачинарли жихати шундаки, кўпчилик, хусусан, дунёқараши хали шаклланмаган айрим ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда. Бугунги кунга келиб, муайян мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсиндириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳар, қимматбаҳо техника, минглаб аскар ва анча-мунча вақт ҳам керак бўлар эди. Хозирда эса муайян мамлакат ёки халқни бўйсиндириш учун оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик, ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор ғояга ишонтириш онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатыпти. Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст ва моддий зарар етказилади.

Ишонтириш воситасида ҳаракат қилаётганларни эса бирор нарсада

айблаш қийин, зеро, улар тарғиб қилаётган ғоялари ортида қандай манфаатлар яширинганини бииш осон эмас. Вахоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт етиш ҳам ҳалқ, мамлакат, худудини босиб олишнинг бироз маданийлашган кўриниш хисобланади, бироқ бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади, хатто ахоли ўзини босиб олиш учун ким кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бу кураш яширин равишда, зимдан оширилгани боис, унга уюшқоқ холда қаршилиқ кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай қарашларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши миллий чегараларни тан олмайдиган мулоқот мухитини вужудга келтирди. Ушбу мухит инсониятга чексиз имкониятлар бериши билан бирга одамлар маънавий онгини захарлайдиган салбий маълумотларни ҳам бериб, мафкуравий таҳдидларда аниқ ва равшан намоён бўла бошлади. Ушбу жараёнларнинг асл мақсадини англаган холда бугунги кунда интернет орқали кириб келаётган “интернет таҳдидлари” ахлоқсизликни тарғиб мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга оид халқаро тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ХХІ аср ахборот технологиялари, айниқса, Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар маълумотларнинг асосий манбаи сифатида жамиятда, дунёга жиддий ўзгаришлар киритди. Шундай экан, ҳозирги кунда Интернетда хавфсизликни таъминлаш жаҳон ҳамжамятида ҳам жиддий муаммо сифатида талқин қилинмоқда.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Бугун интернет имкониятларини, унинг фойдали жихатларини ҳеч ким инкор этолмайди. Фақат ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, ёшларни унга ўргатиш зарур. Бинобарин, ёшларнинг рухий-маънавий оламини зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш орқали тараққиёт пойдевори тикланди. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омилдир.

Интернетда кишиларнинг шаънига, обрў-иззатига тегадиган видеолархалар ёки суратларни томоша қилиш, ёхуд уларнинг шахсий ҳаётларига тегишли маълумотларни ўғринча билишга ҳаракат қилиш, уларни ёйиш инсон ҳақ-ҳуқуқларини бузишдир. Бу тўғрисида Қуръони каримда шундай дейилади: **Айтинг:**

-Раббим, албатта, фаҳш ишларнинг ошкараю пинхонасини, гуноҳ (ишлар)ни, ноҳақ тажоввузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса (лар)ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гариришингизни ҳаром қилди.

Ижтимоий тармоқларда содда бўлиб, фотоалбом тузиш ва мулоқот қилиш учун жуда қулай. Икки инсоннинг реал ҳаётда юзма-юз мулоқотга киришуви айрим ички кечинмаларини бекитиб туради. Масалан, бири андишага бориб, суҳбатдошининг гапини аранг тинглайди ёки беадаблик қилмайди. Сабаби, инсоннинг кўзида ҳосил бўлган биоқувват суҳбатдошининг кўзи орқали унинг онгига таъсир ўтказди. Шунинг учун юзма-юз гаплашиш виртуал мулоқот қилишга қараганда жуда қийин. Ўз навбатида, кишининг овозида ҳам шундай хусусиятлар бор. Овоз қулоққа етиб боргач, унинг пардаларини тебратади. Ва у ўз навбатида киши онгида ижойи ё салбий уйғонишни содир этади.

Интернет тармоғида ўтирган киши кўпинча ёлғиз бўлади. Томоша қилаётган, ўқиётган нарсалари ахлоқ меёрларига мувофиқ ёки мувофиқ

эмаслигини билиши даргумон. Хусусан, Аллоҳ таоло қарашни ҳаром қилган беҳаё суратлар ёки видеолавҳаларни томоша қилиш қатъий тақиқланади. Виртуал оламда компьютер тугмачасини икки марта босиб, исталган беҳаё филмни томоша қилиш мумкин. Бундай беҳаёликни тарғиб қилувчи интернет сайтлари сони миллионларни ташкил этади.

Маълумотларга қараганда, уяли телефон орқали беҳаё филмларни тайёрлаш ва тарқатиш энг тез ривожланаётган бизнес турига айланган. Афсуски, ҳозир оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқларда ҳам бу каби филмлар, суратлар, видеолавҳалар хохлаганча топилади.

Абдулла Авлоний ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашга чақириб: Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак, ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидир. Дин ва еътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатига тарикча фойда йўқдур – деб таъкидлайди.

III БОБ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДА ГЛОБАЛЬ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

3.1. Глобаль интернет тармоқларидаги таҳдидларнинг моҳияти, уларнинг намоён бўлиш шакллари.

Таҳдидларнинг келиб чиқиши, уларнинг сабаби, ахборот тизимидаги заифликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш кам чиқимли ахборот хавфсизлигини таъминловчи воситалар билан қуролланиш имконини беради. Ахборот технологиялари соҳасида таҳдидлар, ҳужумларга оид нохуш маълумотлар кўплаб мавжуд. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятларини билмаслик таҳдидлардан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқишда ортиқча харажатлар сарфланишига олиб келиши мумкин.

Умуман “таҳдид” тушунчаси турли ҳолатларда турлича талқин этилиши мумкин. Масалан, очиқ кўринишда фаолият кўрсатувчи корхона учун ахборотнинг махфийлигини ошкор қилишга қаратилган таҳдид муаммоси умуман бўлмаслиги мумкин. Чунки бундай корхонада ахборотларга барча фойдаланувчилар мурожаат қилишлари мумкин. Лекин баъзи ваколати бўлмаган шахсларнинг корхона ахборотларидан фойдаланишлари жиддий хавф келтириб чиқариши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, таҳдид ахборот муносабатлари субъектларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда вужудга келади ва улар билан боғлиқ бўлади.

Таҳдидларни қуйидаги мезонлар асосида синфларга ажратиш мумкин:

- ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчиларига нисбатан бўладиган таҳдидлар (ахборотга мурожаат қилиш имкониятига қарши, ахборотнинг яхлитлигини бузишга қаратилган, ахборотнинг махфийлигини ошкор қилишга қаратилган таҳдидлар);
- ахборот тизимининг ташкил этувчиларига нисбатан бўладиган

тахдидлар (берилган маълумотлар, дастурлар, аппарат қурилмалари ва тизимни қўллаб-қувватловчи инфраструктура);

- таҳдидни амалга ошириш усули бўйича (табiiй, техноген, тасодифiiй, ғаразли мақсадда);

- таҳдид манбаининг ахборот тизимига нисбатан жойлашган ўрни бўйича (ички ёки ташқи). Илмiiй ва амалий текширишлар натижаларини умумлаштириш натижасида ахборотларга нисбатан хавф-хатарларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Прездентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мухтасар сўзлари: “Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодiiй рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт”.

Глобаллашув атамасига кўплаб ўқув қўлланмаларида турлича ёндашилган. Масалан, В.Т.То‘уحيyев, И.Эргашев, О.М.Мухаммадиева, М.И.Хўжаев. Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларида иқтисодiiй соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т.Левиттнинг 1983-йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. Уни ўрганиш жараёни эса Роланд Робертсон томонидан 1985-йили унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиш мақсадига қаратилган объектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқланган давридан бошланган. Бу тушунчага ана шу пайтдан бошлаб то ҳозиргача турлича қарашлар давом этиб келмоқда. Аксарият кўпчилик илмiiй тадқиқотларда глобаллашувни

лотин тилидаги “глобус” шар, француз тилидаги “глобаль” умумбашарий сўзлари билан таърифлайдилар.

Республикамиз олимлари ҳамкорлигида нашр этилган “Фалсафа комусий луғати”да “Глобаль (умумбашарий) муаммолари” тушунчаси берилган. Унда бу тушунча (Французча глобаль энг умумий) ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга даҳлдор бўмаган муаммо эканлиги таъкидланади. Шунингдек, мазкур луғатда глобаль муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларининг бузилганлигини англатади, деб кўрсатилади, ҳамда юзага келган глобаль муаммоларнинг бир нечтаси мисол тариқасида келтирилади.

Аслида глобаллашув XX асминг иккинчи ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд бўлган. Дастлаб, у стихияли равишда кечган бўлса, маълум вақтдан кейин иқтисодиётни тараққий эттирувчи омилга айланган. “Таҳдид” сўзи арабча “дўқ қилиш, кўрқитиш” деган сўздан олинган бўлиб, кундалик ҳаётда “бировни кўрқитиш, унга дўқ, пўписа қилиш ҳамда бирор фалокатнинг, кўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи”, деган маъноларни англатиш учун ишлатилади.

Таҳдид сўзи фалсафий жиҳатдан кенг ва тор маънода ишлатилиб, “Таҳдид – кенг фалсафий маънода инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва умум сайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян барқарор сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунча” бўлса, тор маънода таҳдид деб макон ва замонда мавжуд бўлган реал жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини заифлаштиришга, қолаверса, емиришга қаратилган шахсий, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий омилларнинг кўрқитиш, дўқ, пўписа қилишдан

иборат бўлган хатти-ҳаракатларига айтилади. Маънавий таҳдид деганда эса, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар назарда тутилади.

Маънавий таҳдидлар ғоявий тазйиқ ва ахборот хуружлари тарзида амалга оширилиб, бу ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Мафкуравий тажовуз муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, ижтимоий-сиёсий муносабатларни заифлаштиришга, барбод қилишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар мажмуасидир. Мафкуравий тажовуз – бирон бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир.

Бугунги кунда мафкуравий тажовузни амалга ошириш учун хилма-хил усуллардан, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланилмоқда.

Таҳдидлар хусусияти ва тараққиёт соҳаларига ўтказадиган таъсир даражасига қараб, инсон, шахс, фуқаро, миллат, давлат, жамият, минтақа, глобал, ички ва ташқи, катта ва кичик, шунингдек, иқтисодий, социал, сиёсий, экологик, демографик, маънавий, мафкуравий ва бошқа шаклларга бўлиниб, буларнинг ичида энг хатарлиси маънавий-мафкуравий таҳдид бўлиб ҳисобланади. Маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг ўзи ҳам ички ва ташқи таҳдидларга бўлиниб, ички таҳдидлар носоғлом маҳаллийчилик,

бошқаларни менсимаслик, ватандошларининг ҳақиға хиёнат қилиш, бахтини ўз ватанидан эмас, бошқа жойлардан қидириш, коррупция, ашаддий миллатчилик, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик каби иллатлар шаклида намоён бўлса, ташқи мафкуравий таҳдид – бу мамлакатимиздаги барқарорлик ва хавфсизлик тизимини издан чиқариш учун тажовузкор ғоя тарафдорлари томонидан ташқаридан туриб мамлакатимиз ичкарасига томон қилинган ғоявий, мафкуравий хуружлардан иборатдир. Маънавий таҳдидлар инсоннинг онги ва дунёқарашига қарши қаратилганлиги учун, уларнинг ижтимоий хавфи бир мунча юқорироқ бўлади. Олим А.В.Василковнинг ҳам илмий қарашларида интернетдан қай аҳволда фойдаланиш қоидаларига кенг тўхталиб ўтилган: “Ҳозирги вақтда анча кенг ахборот хавфсизлигига таҳдидлар рўйхати, юзлаб элементлар, мумкин бўлган таҳдидларни аниқлашдан ташқари, ушбу таҳдидларни бир қатор белгиларга кўра таснифлаш асосида таҳлил қилиш керак. Таснифлашнинг ҳар бир хусусияти биттасини акс эттиради ҳимоя тизимиға қўйиладиган талаблардан, шу билан бирга, таснифнинг ҳар бир атрибутига мос келадиган таҳдидлар талабларни аниқлаштиришға имкон беради. Ҳимояланган тизим учун тўлиқ бўлмаган рўйхат тузилади, лекин бир қатор асосий томонидан белгиланган таҳдид синфлари рўйхати белгилари ҳам бунда мустасно эмас. Бунинг сабаби шундаки, кўп сонли омиллар туфайли таҳдидларнинг тўлиқ тўпламини тасвирлаб бўлмайди маълумотларға таъсир қилади. 2020-йилда миллий .UZ доменида 342 та ходиса рўй берган бўлиб, уларнинг 306 таси веб-сайтларға рухсатсиз кириш ва 36 таси вебсайтнинг асосий саҳифасини ноқонуний ўзгартириб (дефасе) қўйилиши билан изоҳланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат сектори (81 та ходиса) хусусий секторға (261 та ходиса) нисбатан 3 баробар камроқ хужумға дуч келган.

Нуфузли халқаро компанияларнинг геосиёсий хатарлар соҳасидаги

сўнгги тадқиқотларига кўра, 2021-йилда дунёда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган жиноятларнинг ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Халқаро экспертларнинг хулосалари Совид-19 пандемияси оқибатлари билан боғлиқ карантин чекловлари даврида дунёдаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш асосида қилинган.

Шу билан бирга, мутахассисларнинг фикрига кўра, 2020-йилда кибермаконда жиноятлар содир этилишининг асосий омиллари қуйидагилардир:

- компаниялар (ташкilotлар) ходимларининг масофадан ишлашига ўтиш;
- онлайн таълим;
- Интернет-дўконларда хавфсиз бўлмаган харидларни амалга ошириш;
- ИОТ қурилмаларидан (камералар, қурилмалар, сенсорлар ва бошқалар) кенг фойдаланиш;
- товламачи-вирусларининг тарқалиши.

Таҳдидларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва усуллари.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидларни амалга оширишнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

-тажовузкор томонидан ахборот ташувчиларнинг тури ва параметрларини аниқлаш;

-бузғунчи томонидан аппарат ва дастурий таъминот муҳити, компютер ускуналари тури ва параметрлари, операцион тизимнинг тури ва версияси, амалий дастурий таъминот таркиби тўғрисида маълумот олиш;

-тажовузкор томонидан батафсил маълумот олиш тизим томонидан бажариладиган функциялар ҳақида; Тажовузкор томонидан қўлланиладиган ҳимоя тизимлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

-ахборотни тақдим этиш усулини аниқлаш;

-тажовузор томонидан маълумотларнинг мазмунини аниқлаш, тизимда, сифат даражасида қайта ишланади (назорат қилиш ва хабарларни пароллини очиш учун фойдаланилади);

-махфий маълумотларни ўз ичига олган машина сақлаш воситаларини ўғирлаш (нусхалаш);

-сохта электромагнит нурланиш ва пикапларни (ПЕМИН) ушлаб туриш учун махсус техник воситалардан фойдаланиш;

-компютер техникаси ва ахборот ташувчиларни йўқ қилиш;

-махсус воситалар, техникалар, усуллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя тизимларини четлаб ўтиш ёки четлаб ўтиш орқали фойдаланувчининг тизим ресурсларига рухсатсиз кириши.

Тизим ҳақидаги билим даражаси бўйича:

1) маълумотлар массивлари тизимидаги функционал хусусиятларни, шаклланишнинг асосий қонуниятларини билиш ва уларга бўлган сўровлар оқими, стандарт воситалардан фойдаланиш қобилияти; Бузғунчининг норасмий модели.

2) юқори даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлиш тизимнинг техник воситалари, шунингдек, уларнинг тажрибаси билан хизмат кўрсатиш;

3) дастурлаш ва ҳисоблаш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш соҳасида юқори даражадаги билимларга эга бўлиш;

4) тузилиши, функциялари ва таъсир механизмларини билиш даволаш усуллари, уларнинг кучли ва заиф томонлари.

Имконият даражаси:

Биринчи даража диалог имкониятларининг энг паст даражасини белгилайди: олдиндан белгиланган маълумотларни қайта ишлаш

функцияларини амалга оширадиган собит тўпладан вазифаларни (дастурларни) ишга тушириш.

Иккинчи даража ахборотни қайта ишлашнинг янги функциялари билан ўз дастурларингизни яратиш ва ишга тушириш имкониятини белгилайди.

Учинчи даража тизимнинг ишлашини назорат қилиш қобилиятини, яъни тизимнинг асосий дастурий таъминотиға, таркиби ва конфигурациясига таъсирини белгилайди .

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун навбатдаги хавфли маънавий хуруж информацион таҳдиддир. Бу турдаги таҳдидлар инсоннинг Ижтимоий онгини нотўғри шакллантириш ва шу тариқа ўзлигига эға бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. информацион таҳдидлар баъзида ахборот хуружи деб аталади, шахсни иккилантиради, уни муаммолар гирдобига ташлайди. Натижада фуқароларнинг ижтимоий онги заҳарланиб, жамиятда ижтимоий хасталик вужудга келади.

Бугунги кунда информацион таҳдидлар асосан интернет воситасида четдан туриб уюштирилмоқда ва унинг асосий кўринишлари куйидагилардир:

- жамиятда ахборот эркинлиги йўқлигини иддао қилиш;
- жамиятнинг ижобий жиҳатларидан кўз юмиб, камчиликларини бўрттириб кўрсатиш;
- жамиятда информацион тақчиллик борлиги тўғрисидаги шов-шув тарқатиш. Информацион таҳдид нафақат маънавий-ғоявий қурол, балки ахлоқий диверсия ҳамдир.

Негаки, бу таҳдидлар ўта жозибали восита ва шиорлар асосида иш кўради, шу сабабли у инсон онги ва фаолиятини кўринмас тўсиқ билан ўраб олувчи омил ҳисобланади.

Информацион таҳдидларнинг кўринишлари. Уларнинг зарарли оқибатлари ва бартараф қилиш йўналишлари:

- инсон онгини манипуляция қилиш;
- ёлғон ахборот тарқатиш;
- барқарор ОАВ тизимини издан чиқариш;
- ошкора муносабатни йўлга қўйиш; - миллий қонунчиликни мустаҳкамлаб бориш;
- ахборотни сохталаштириш;
- ютуқларни инкор қилиш;
- жамиятни асоссиз танқид қилиш;
- ислохотлар шарҳини кучайтириш;
- ахборот хавфсизлиги қоидаларини бузиш.

Инсон ҳамма вақт информацион маконда яшайди. Шахс, китоб, газета ва журналлар, радио, телевидения, телефон, телеграф, интернет тармоғи ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, халқ, давлат, инсоният ҳам информацион тизимлар ҳисобланади. Замонавий ахборотнинг энг таъсирчан воситаларидан бирига айланган Интернет тармоғи - инсон ақл-заковатининг маҳсули. Киши билимини оширишда, дунё янгиликларидан хабардор бўлишда, хат юбориш, олиш, бизнес ишида ҳамкорлик ўрнатиш, илмий-ижодий фаолиятда ва бошқа кўплаб мақсадларда, ҳеч шубҳасиз, унинг аҳамияти беқиёс. Лекин, бу билан бирга, энг катта ахборот хуружлари Интернет орқали амалга оширилаётганини ҳам унутиб бўлмайди. Бу тизимга истаган одам тўғри ёки ёлғон маълумотларни киритиши мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ундан фойдаланяпти, бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказяпти. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром

туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

“Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев. – Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасозлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”.

О.М.Ғайбуллаевнинг ўқув қўлланмасида диний экстримизм тушунчасига ва унинг ҳозирги даврда хавф-хатарлари ҳақида кенг тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда диний-экстремистик оқимлар учун ўз мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, Интернет ва ижтимоий тармоқ саҳифалари орқали кенг тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган глобаллашув жараёнида ахборотларни тезкорлик билан тўплаш, тарқатиш ва истеъмол қилишда кўплаб ижобий томонлар билан бирга ғаразли кучларнинг ғоявий кураш йўлида амалга ошираётган ахборот хуружларида ҳам ўз аксини топомқда. Жамиятдаги маънавий таҳдидлардан бири терроризм бўлиб, терроризм жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳоли кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усули бўлиб, у яширин рухдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятни эгаллаш мақсадида амалга оширилади.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири ушбу ҳаракат тарафдорларининг “Куч ишлатиш ва зўравонлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади”, –

деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларидир.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади. Диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан кетиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ҳозирги вақтда турли гуруҳ ва оқимлар томонидан диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилишда, жамиятда норозилик кайфиятини тарқатишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга “куфр диёри”, “ҳижрат”, “жиход”, “шаҳидлик”, “халифаликни тиклаш” каби ғоялар сингдирилиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Интернет тармоғининг чегара билмаслиги, сунъий йўлдош орқали эфирга узатиладиган фазовий каналларга тўсиқ қўйишнинг иложи йўқлиги ҳисобга олинадиган бўлса, ҳозирги кунда бу каби бузғунчи ғоялардан аҳолини, хусусан ёшларни асраш учун уларда бу каби ёт ғояларга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, интернет ва Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали мазкур гуруҳларга асосли раддиялар бериш, соф диний таълимотларни ёшларга етказиш, уларни халқпарварлик, ватанпарварлик, миллий ва диний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги даврда маънавий таҳдидларга миссионерлик ва прозелитизм

ҳам тааллуқли бўлиб, миссионерлик – бу бир динга эътиқод қилувчи аҳоли орасида бошқа бир динни мақсадли тарғиб қилишдан иборат бўлса, прозелитизм – бу тўғридан тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир.

Миссионерлик ва прозелитизм дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва мутаассибликка асосланган ҳодисалар ҳисобланади. Миссионерлик латин тилида “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатса, прозелитизм юнон тилида “келгинди” деган маънони англатади. Миссионерлик ва прозелитизмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Озод ва эркин шахснинг асосий жиҳатларидан бири атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олишдир. Ўзининг бир қатор ижобий қирраларига эга бўлган, жамиятимиз ҳаётининг барча қирраларини қамраб олган глобаллашув айнаи дамда мафкуравий таъсир қуроли сифатида турли марказларнинг таъсир қуролига ҳам айланиб улгурди. Ахборот асри, салоҳият асри, электроника, информацион технологиялар асри деб ном олган бугунги замонда бундай таъсирлардан ҳоли бўлишнинг имкони йўқ. Қолаверса, фикрни, ғояни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди.

Шундай шароитда ҳар бир ёш ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, мустақил ҳаёт йўлига ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса турли зарарли мафкураларнинг охир-оқибатини англаб етиши қийин кечади. Ушбу ҳодисалар ҳозирги шароитда миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият борасидаги тарбиявий ишларимиз олдига янги вазифаларни кўймоқда. Бу жараёнда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган устоз-мураббийларнинг фаолиятини аниқ мақсад асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда турли маънавий таҳдидлар,

зарарли ғоялар ва мафкуралар, диний экстремизм ва халқаро терроризм дунё мамлакатлари учун нафақат ташқи, балки ички хавфсизликка ҳам дахлдор масалага айланди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм ва террорчиликнинг, ахборот хуружларининг минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги хавф эканидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти унга қарши биргаликда курашиши лозимлиги тўғрисидаги ғояни жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари минбарларидан эълон қилди. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг мақсади минтақада ва глобалъ миқёсда тинчлик, барқарорликни сақлаш, мамлакат мустақиллиги ва равнақи, халқининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашдир.

Экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришишда БМТнинг фаоллигини кучайтиришга катта эътибор қаратмоқда. “Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобалъ хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт кўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. Донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир”. Қўшни давлатдаги вазиятни барқарорлаштиришда кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатларнинг ўзига хос манфаатларини эътироф этиш ҳам ўта муҳим

аҳамиятга эгадир. “Ўзбекистон Афғонистон раҳбарияти ва мамлакатнинг етакчи сиёсий кучлари, жумладан, “Толибон” ҳаракати вакиллари билан бир қатор муҳим музокаралар ўтказди, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев – Ушбу сиёсий кучлар афғон муаммосини ҳал қилишда Ўзбекистон самарали воситачи бўла олиши мумкинлигини эътироф этдилар. Маълумки, Афғонистондаги вазиятни барқарор этишнинг муҳим шарти – мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклашдан иборат. Бу борада биз Афғонистонда транспорт ва логистика, энергетика, савдо ва таълим соҳаларида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришдик. Ўзбекистон томонидан курилаётган Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линияси, Термиз шаҳрида афғон фуқароларини ўқитиш учун очилган Таълим маркази, божхона терминалига ҳам эга бўлган “Термиз-карго” логистика маркази, Мозори Шариф – Ҳирот ва Мозори Шариф – Кобул – Пешавор темир йўл линияси лойиҳалари ишлаб чиқиляётгани шундан далолат беради. Ўзбекистон афғон муаммосини ечиш учун бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Биз учун энг муҳим пировард натижа – Афғонистонда тинчлик музокараларини бошлаш ва миллий ярашувга эришишдан иборат”.

Ўзбекистон дин соҳасидаги жараёнларни тартибга солиш, диний муносабатларда содир бўляётган ўзгаришларнинг ижобий йўсинда кечишини таъминлаш, экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун ўзининг ички сиёсатида ҳам тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1998-йил 1-майда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ушбу йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида, Конституциявий тизумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб

қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади, дейилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири)нинг 5-моддасида, Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ҳатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади, дейилган. Қонуннинг 19-моддасида, Диний экстремизм, сепаратизм ва

ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади, дейилган.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризм, миссионерлик ва прозелитизм, ахборот хуружлари каби маънавий таҳдидларга қарши тизимли ва тадрижий кураш олиб борилиб, бу кураш давлатимиз суверенитети, хавфсизлиги, барқарорлиги ва конституциявий тузумини сақлаш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Дунёда ғоявий ҳамда информацион хуружлар, турли мафкуравий, маънавий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг энг самарали усули мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишдир.

Илмий адабиётларда қайд этилишича: “Мафкуравий тарбия - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадлами ифода этадиган ғоявий билимлар билан куроллантиришга йўналтирилган жараён. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини кўзғатувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам ғоялар таъсирига тортишга ҳаракат қилади. Жамият, халқ мунфаатларини англаб

етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, борган сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғояни таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарғиботни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли онги ва ёшлар қалбига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Аслида шахс тарбиясининг муҳим йўналиши - бу ғоявий тарбиядир. Оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, литсей, университет ёки академияни оламизми - ҳаммасида бериладиган таълим-тарбия жараёнлари талабалар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу том маънода мафкуравий тарбиянинг асосий пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият болиши мумкин эмас. Мафкуравий тарбия инсоннинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги муайян билимлар, баҳолар ва улар замирида юзага келадиган мақсадлар тизими сифатида чиқиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам мафкура шахснинг ижтимоий тасаввурлари, билимлари, кадриятлари режалаштириш ва амалга ошириш тизими, ҳаётий муаммолларининг шаклланишига кучли даражада таъсир кўрсатади. Шундай экан, мафкуравий тарбия, яъни шахс жамият ҳаёти, унинг тараққиёт қонунларини, кузатилаётган ҳодиса, жараёнлари нечоғлигини тўғри тушуниши, ўринли ва адолатини баҳолаши, қандай мақсадларни кўзлаб фаолият олиб бориши масаласи маънавий таҳдидларнинг олдини олишдаги долзарб ва аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Мафкуравий тарбиявийлик энг аввало, юксак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидоийлик

каби фазилатларда намоён болади. Бугунги ёшлар ўзларининг ким эканлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигини, аجدодлари ким болганини англаб этдилар. Лекин айти пайтда халқимизнинг маънавий бирлигига раҳна солишга, ёшларимизнинг юртимизга бўлган ишонч-эътиқодини бузишга уринаётган кучлар ҳам бор. Улар турли хил вайронкор, алдамчи ғояларни пеш қилиб, ёвуз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, айрим иродаси заиф ёшлардан ўз юртига, она Ватанига, ҳатто ота-онасига қарши бўлган душманларни тайёрлашга уринмоқдалар. Ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам хилма-хиллик, ўзаро таъсир, кураш жараёнида ривожланади, такомиллашади. Мафкуравий тарбия бўлганда ҳам, миллий тарбия асосига қурилган мафкуравий тарбия болиши лозим.

Шунингдек, у глобаллашувнинг ҳозирги авж олаётган шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги мазмун ва шаклда олиб бориладиган тарбия болиши тақозо этилади. Ҳар қандай тарбияда бўлганидек миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзланади. Ўзлигини англаган, дунёқараши шаклланган миллат вакили ўз миллатини улуғлайди, унинг манфаатини ҳимоя қилади, унинг олдида масъул эканлигини тушуниб етади, унинг манфаатини бошқалар манфаати билан алмаштирмайди, унда садоқат кучли бўлади. Шу миллат вакили бўлганидан фахрланади ва ғурурланади. Бу инсон учун энг олий неъмат ҳамда улуғ маънавий бойлик эканлигини доимо ҳис этиб яшайди. Маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келишини алоҳида қайд этади. Миллий истиқлол мафкураси халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон каби ғояларга таянар экан, ана шу ғояларга қарши қаратилган хатти-

ҳаракатлар ташқи ва ички таҳдидламинг олдини олади. Ёт ғоявий таъсирларга қарши курашда бегона ғояламинг қўпоровчилик таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтарғиботни ташкил этиш муҳим саналади. Чунки бундай мафкуравий курашни нафақат мамлакатимиз ичкарасида, балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади.

3.2.Глобал интернет тармоқларидаги таҳдидларга қарши курашнинг миллий қонунчилигимиздаги ифодаси.

Ўзбекистон Президентининг 12.12.2002 йилдаги №439-11-сонли фармони билан тасдиқланган (10.01.2000 йилдан бошлаб таҳрирдаги) Ўзбекистон миллий хавфсизлиги концепциясини ҳисобга олган ҳолда “глобаль ахборот жамиятининг харитаси, интеграциялашган ахборот жамияти” ни акс эттиради. Асосий манфаатлар:

шахс - конституциявий ҳуқуқлар ва эркинлик, шахсий хавфсизликни таъминлаш, ҳаёт сифати ва даражасини оширишда, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда; - жамият - демократияни тарғиб қилишни, жамоат келишувига эришиш ва қўллаб-қувватлашни, аҳолининг ижодий фаоллигининг ўсишини ва Ўзбекистоннинг маънавий тикланишини ўз ичига олади;

давлат - Ўзбекистоннинг конституциявий тизими, суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилишда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни ўрнатишда, қонунларнинг сўзсиз бажарилишида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилишда.

Концепция ахборот соҳасидаги Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини белгилайди. Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари маълум вазифаларни ҳал қилиш учун жамият ва давлатнинг сай-ҳаракатларига эътибор қаратиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Булар:

- сотиб олиш соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя қилиш, ахборот ва уни алмашиш;
- миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш;\
- миллий, маданий мерос, ахлоқ нормалари ва жамоат ахлоқини тарғиб қилиш;
- фуқаронинг ишончли маълумот олиш ҳуқуқини таъминлаш;
- замонавий телекоммуникация технологияларини ривожлантириш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлатнинг режалаштирилган фаолияти Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон тараққиёти марказларидан бирига айланишига имкон беради. Шу билан бирга, оммавий онгни манипуляция қилиш учун маълумотлардан фойдаланиш керак.

Давлат ахборот ресурсини муҳим сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва ҳарбий маълумотларнинг тарқалишидан ҳимоя қилиш. Ушбу концепцияга мувофиқ ахборотнинг энг муҳим вазифалари : - эркин маълумот алмашиш зарурати ва уни тарқатишда чекловлар ўртасида зарур мувозанатни ўрнатиш;

- ахборот тузилмасини такомиллаштириш, янги ахборот технологияларини ривожлантиришни жадаллаштириш ва уларни кенг тарқатиш, излаш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш воситаларини бирлаштириб, глобал микёсда Ўзбекистоннинг инфратузилмасига маълумотларни киритиш билан;

- федерал агентликнинг етакчи роли билан тегишли норматив-ҳуқуқий базани ва мувофиқлаштиришни ривожлантириш, ҳукуматнинг Ўзбекистон президенти билан алоқаси ва ахборотлари, федерал органлар, давлат ҳокимияти ва бошқа органлари фаолияти;

- ички телекоммуникация ва ахборот саноатини ривожлантириш, уларнинг чет эл аналогларига нисбатан устуворлиги ички бозорда кенг

тарқалган;

- биринчи навбатда давлат ҳокимиятининг федерал органларида ва муҳофаа мажмуаси корхоналарида давлат ахборот ресурсини ҳимоя қилиш.

Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлиги доктринаси, 09.09.2001-йилдаги № ПҚ-1895, Ўзбекистон ахборотнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва асосий йўналишлари тўғрисида расмий қарашлар тўпламини тақдим этади.

Бунда асосий вазифалар:

- Ўзбекистон ахборот соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш учун;

- ахборотнинг ҳуқуқий, услубий, илмий ва ташкилий таъминотини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Ўзбекистоннинг ахборотни таъминлаш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш.

Доктринанинг тузилиши 4 бўлим ва 11 бобдан иборат. “Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлиги”нинг биринчи қисмида ахборот тушунчаси берилган, ахборот соҳасида жамият ва давлатнинг миллий манфаатлари мавжуд. Доктринада улар миллий хавфсизлик концепциясидан кўра батафсилроқ ёритилган. Давлатнинг стратегик долзарб вазифалари ва ташқи сиёсати маълумотларнинг қуйидаги рўйхатланган манфаатлари асосида шаклланади:

- шахс - инсон ва фуқаронинг ахборотга кириш, тақиқланмаган фаолият манфаатлари, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиш манфаатларидан фойдаланиш тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга киритилган;

- жамият - шахснинг ушбу соҳадаги манфаатларини таъминлаш, демократияни тарғиб қилиш, ҳуқуқий ижтимоий давлатни яратиш,

жамоатчилик келишувига эришиш ва қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон маънавий янгилашга содиқдир;

- давлатлар - Ўзбекистон ахборот инфратузилмасининг уйғун ривожланиши учун шароит яратиш, конституциявий ҳуқуқлар, инсон ва фуқаронинг эркинлигини таъминлаш, ахборот олиш ва фойдаланиш конституциясидан фойдаланиш соҳасида.

-Ўзбекистоннинг яхлитлиги, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, қонун ва тартибнинг сўзсиз хавфсизлиги, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича “ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, 2002-йил 12-декабрда қабул қилинган бу қонунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини белгилайди деб белгиланган. Хавфсизлик тўғрисидаги қонунга биноан хавфсизлик таҳдиди остида шахс, жамият ва давлат ҳаётий манфаатларига ҳаётий таҳдид туғдирадиган шартлар ва омиллар мажмуи тушунилади. Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги концепцияси таҳдидни аниқламайди, аммо уларнинг айримларини ахборот соҳасида чакиради.

Шундай қилиб,

-хавф- мамлакатнинг жаҳон ахборот маконида ҳукмронлик қилишга интилиши;

- давлатни ички ва ташқи ахборот бозоридан чиқариб юбориш;
- ахборот урушининг бир қатор давлат тушунчаларини ишлаб чиқиш;
- ахборот тизимларининг нормал ишлашини бузиш;
- ахборот ресурсларини сақлашни бузиш, унга рухсатсиз киришни олиш.

Шунга мос равишда, ахборот соҳасидаги жуда кўп миқдордаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ ички таҳдидлар мавжуд. Миллий хавфсизлик тушунчаси уларни таҳдиднинг дастлабки шарти деб атайди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, ички таҳдид манбаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат ҳокимиятини ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг истеъфоси;
- ахборот хавфсизлигининг ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимининг номукамаллиги;
- жамоатчилик билан алоқаларни жиноийлаштириш, уюшган жиноятчиликнинг ўсиши;
- терроризм кўламини ошириш;
- миллатлараро ва ташқи алоқаларнинг кескинлашуви.

Ахборот таҳдидларини зарарсизлантириш учун давлат сирларини, шу жумладан қуйи тизимларни сақлашнинг тарихан мураккаб тизими мавжуд:

- махфий алоқанинг криптографик тармоғи;
- хорижий техник разведка билан қарши разведка;
- ёпиқ давлат объектларида махфийлик режимини таъминлаш.

Чет эл техник разведкасининг ўз манфаатлари соҳасидаги анъанавий

устуворликларидан ташқари, барчаси бир-бирига боғлиқлик, ривожланиш жараёнида аниқланган технологиялар, молия, савдо, ресурслар масалаларига катта даражада тааллуқлидир. Мавжуд ахборот таҳдидлари орасида виждонсиз рақобат, иқтисодий ва саноат жосуслиги билан белгиланадиган корхоналар ва фирмаларнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар энг долзарб ҳисобланади. Саноат жосуслиги ҳар доим мавжуд бўлган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва ҳаётимизнинг турли соҳаларига кириб келиши, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққий топишига туртки бўлмоқда. Бутун дунёда рўй бераётган глобалъ пандемия шароитида айнан ахбороткоммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш иқтисодиётимизни барқарор ишлаб туришига имконият берди. Бироқ, янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бир қаторда давлат ва инсонларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдидлар ҳам пайдо бўлади. Сўнгги йилларда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар) шиддат билан ўсиб бормоқда. Компютер тизимига ноқонуний равишда кириш ва компютер маълумотларини ўғирлаш, ахборот технологиялари ёрдамида фирибгарлик қилиш ҳамда ҳужжатларни сохталаштириш, шахсга доир маълумотлар ва муаллифлик ҳуқуқига қарши жиноятлар, ирқчилик, ксенофобия, шунингдек болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотларни тарқатиш ва бошқа шунга ўхшаш қонунбузарликларни ўз ичига оловчи кибержиноятлар бутунги кунда инсонларни ташвишга солувчи долзарб муаммога айланиб улгурди. Охирги пайтларда фуқароларимизнинг шахсга доир маълумотларини ўғирлаш, банк ҳисоб рақамларига ҳужумлар қилиш, фуқароларни ишончига кириб уларнинг пластик карталаридан ноқонуний равишда пул маблағларини ечиб олиш,

ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини бузиб кириш цингари ҳолатлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Қолаверса, ахборот маконида, хусусан ижтимоий тармоқларда инсонларни мавжуд конституциявий тузумга қарши бош кўтаришга ундаш, ирқчилик, шафқатсизлик ва диний экстримизмни тарғиб қилиш, порнографиянинг турли кўринишларини тарқатиш каби инсонларнинг онгига салбий таъсир этувчи ноқонуний хатти-ҳаракатлар учраб турибди. Шундай шароитда давлат учун ахборот муҳитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш, шунинг билан бир қаторда инсонларни ишончли ахборот олиш каби ҳуқуқларини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни олдини олиш, инсон ва фуқароларнинг ахборот маконида ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг энг самарали усули бу тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунчилик базасини шакллантиришдир.

Бугунги кунда кибержиноятларга қарши курашиш, шунингдек инсонлар ва фуқароларимизнинг ахборий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича миллий қонунчилигимизда ўндан ошиқ қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонунлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни олдини олишда интизомий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари соҳасидаги турли хил жиноятлар учун жиноят кодексида алоҳида боб ажратилган бўлиб, кибержиноятчиликка қарши қатъий жазо

чоралари белгиланган. Шунинг таъкидлаш жоизки, кибермакон ҳамда кибержиноятчиликнинг вирусли табиати ва унинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши миллий қонунчилик чегарасидан чиқишга ҳамда ахборот хавфсизлиги соҳасида давлатлараро ҳамкорликда фаолият юритишни тақозо этади. Шубҳасиз, “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро МДХ экспертлар форуми”ни ўтказиш ташаббуси рақамли иқтисодиётга ўтиш учун ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, кибержиноятчиликка қарши давлатлараро ҳамкорликни ўрнатишга ёрдам беради. Шунинг билан бирга, мазкур форумнинг ўтказилиши соҳа мутахассисларига ахборот маконида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, рақамли ривожланиш йўналишида аниқ ва ноаниқ бўлган ўзгаришларни муҳокама қилиш, трансмиллий ахборот йўналишида биргаликда фаолият юритишда ўзаро ишончни оширишга қаратилган янги услуб ва механизмларни жорий этишга имкон беради. Бундан ташқари ушбу форумда мустақил интернет, муҳим инфратузилмалар, шахсга доир маълумотларни идентификациялаш ва ҳимоя қилишни тартибга солишнинг ҳуқуқий масалаларни ва бошқа соҳага оид мавзулар муҳокама қилинди ҳамда “ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро МДХ экспертлар форумининг якуний ҳужжати” қабул қилинди. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси президенти администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда: мазкур фармоннинг мақсад ва

вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилишини; давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги “Ҳаракатлар стратегияси”да назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан жалб қилган ҳолда, оърганишда кўмаклашсин.

Саноат жосуслиги ҳар доим мавжуд бўлган. Саноат жосуслиги махфий технологиялар, материаллар, маҳсулотлар ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг рухсатсиз узатилишини англатади. Жосуслик усуллари жамият ва давлатнинг кўп асрлик ривожланиши давомида ажралмас бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, фақат унинг билимлари воситалари ва шакллари ўзгаради. Бундай усулларга қуйидагилар киради: порахўрлик, шантаж, жосуслик фаолияти, турли оммавий ахборот воситаларида (магнит ташувчилар, хатлар ва бошқалар) тақдим этилган хабарларни

ушлаб қолиш.

Кўп сонли хабарлар тўхтатилишларга айланди, бу урушни олиб бориш ва фонд биржасидаги мавқега таъсир кўрсатди. 30-40 гг ичида диктофонлар, миниатюра камералари, турли хил радио микрофонлар пайдо бўлди. Янги ахборот технологияларининг ривожланиши жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча соҳаларига, шу жумладан саноатни ривожлантиришга таъсир қилувчи кўплаб хабарларни амалга оширишга имкон берди. Ахборот таҳдидини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш Ўзбекистоннинг давлат хавфсизлигининг асосий таҳдидларидан бири ғарбий махсус хизматларнинг махфий маълумот ва махфийликни олишга уринишлари эканлигини тасдиқлашга имкон беради.

Ғарбнинг етакчи мамлакатлари ўзларининг разведка хизматларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, техник разведкасини такомиллаштириш, унинг имкониятларини оширишда давом этмоқдалар. Кенг маънода давлат, жамият ва шахсга таҳдид тушунчасининг кўриб чиқиладиган мазмунига келсак, биз қайта ишланган махфий маълумотларга бевосита таъсир қиладиган таҳдидларни кўриб чиқамиз. Хавфсизлик тизими йиртқичлик, бузилиш, рухсатсиз кириш, нусхалаш, ўзгартириш, ўзгартириш, нотўғри талқин қилиш, ўзига хосликка олиб келадиган ҳақиқий ёки потенциал мумкин бўлган ҳаракатлар ёки шартларни акс эттиради.

3.3.Халқаро қунунчиликда бутун дунё ўргимчак тўридаги таҳдидларга қарши курашнинг намоён бўлиши.

Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айна пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Боиси ер юзининг қайсидир бир чеккасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё аҳли хабар топмоқда. Жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация

технологияларига интилиш глобаллашув шароитида ўзининг мустақил фикрига эга, техника имкониятларидан унумли ва рационал фойдаланувчилар учун улкан имкониятлар эшигини очди. Интернет тармоғининг дастлабки вазифалари аввалида технологик узилишларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Вақт ўтиши билан “бутундунё ўргимчак тўри” инсон эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли мазмундаги ахборотлар, кўнгилочар дастурларни ўзида мужассам этган мисли кўрилмаган қулайликларни яратди. Бу эса, ўз навбатида, интернетнинг кенг оммалашувига олиб келди. Шу билан бир қаторда, инсон онгига салбий таъсир ўтказишга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарув тизимини издан чиқаришга уринишлар ҳам ортди. Дарҳақиқат, ҳозир дунёнинг бир қанча давлатларида ядро курули ишлаб чиқариш бўйича ҳаракатлар давом этаётган бўлса, бир қатор мамлакатларда эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб борилмоқда. Айниқса, маънавий таҳдид ва ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари кун сайин авж олмоқда. Баъзи бир ғаразли кучлар томонидан бу борада турли усул ва услублардан фойдаланиб келинмоқда. Ахборот хуружларининг ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар эканини ҳисобга олсак, бу ҳолат барчамизни янада огоҳ ва сергак бўлишга ундайди. Ёвуз ва ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ва қандай йўллар билан инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди. Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида

фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф остида сақланиб қолиши муқаррар. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандларимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазиятда жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишлари ҳамда сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни холис баҳолаган ҳолда унга ўз ҳиссасини қўшиш, ёш авлодни эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аجدодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳар бир маърифат аҳлининг асосий бурчига айланиши зарур. Зеро, келажагимиз бўлган ёш авлодни турли хил бузғунчи тоифаларнинг хуружларидан асраб авайламоғимиз, уларни ватанга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш бунга масъул ота-оналарнинг ҳам, тарбиячи-ўқитувчиларнинг ҳам, барча-барчанинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтганда ўз боламизни ўзимиз асрамоғимиз лозимлигини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор кўрсатиб бермоқда. 1980-йилда у ядро тадқиқотлари европа кенгашида (фр. Сонсеил эуропезн поур ла речерче нуслеаире, серн) дастурий таъминоти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Айнан шу йерда, Женевада (Швейтсария), у шахсий эҳтиёжи учун «энквайр» (ингл. Enquire - аниқловчи) деб таржима қилиш мумкин), ушбу дастур маълумотларни сақлаш учун тасодифий уюшмалардан фойдаланади ва бутун жаҳон ўргимчак тўри учун концептуал асос яратади. Лойиҳа доирасида Бернерсли жаҳонда биринчи «httpd» веб-серверини ва жаҳонда биринчи гиперматнли «worldwideweb» деб аталувчи веб-браузерини ёзади. Ушбу браузер бир

вақтнинг ўзида wysiwyg-муҳаррири (ингл.дан қисқача what you see is what you get - нимани кўраётган бўлсанг ўшани оласан) ҳам ҳисобланган, уни ишлаб чиқиш 1990-йил октябрь ойида бошланган ва шу йилнинг декабр ойида тугалланган. Дастур «nextstep» муҳитида ишлаган ҳамда 1991-йил ёз ойларида интернет бўйлаб тарқала бошлаган. Жаҳонда биринчи веб-сайтни Бернерс-ли <http://info.cern.ch> манзили бўйича яратган, энди сайт архивда сақланади. Ушбу сайт интернетда 1991-йил 6-август куни онлайн пайдо бўлган. Сайтда бутун жаҳон ўргимчак тўри нима эканлиги, веб-сервер қандай ўрнатилиши, браузердан қандай фойдаланиш ва шу кабилар таърифланади. Ушбу сайт жаҳонда биринчи интернеткаталог ҳам ҳисобланган, чунки кейинчалик Тим Бернерс-ли у йерда бошқа сайтларга иловалар рўйхатини жойлаштиради ва таъминлаб туради. Бутун жаҳон ўргимчак тўри биринчи фотосуратида лес ҳорриблес сернеттес тақлидий филк-гуруҳи тасвирланган. Тим Бернес-ли «серн ҳардронис фестивал» фестивалидан сўнг гуруҳ йетакчисидан суратларини сўрайди. Аслида, вебнинг назарий асоси Бернерс-лидан анча олдин яратилган эди. 1945-йилдаёқ Ваннавер Буш «мемех» концепсияси - «инсон хотирасини кенгайтирувчи» ёрдамчи механик воситаларни ишлаб чиқади. Мемех - бу инсон ўзининг барча китобларини ва қўлёзмаларини (назарий жиҳатдан эса - расмий таърифлаш мумкин бўлган ўзининг барча билимларини ҳам) сақлайдиган ва йетарли тезликда ҳамда қулай равишда, керакли ахборотни берувчи қурилма. У инсон хотирасини кенгайтирувчи ва тўлдирувчи ҳисобланади. Буш керакли ахборотларни тез излаш имконияти билан матнлар ва мултимедиали ресурсларни кенг қамровли индексациялаш мумкинлигини ҳам башорат қилган. Гиперматнни яратиш (термин Тед Нелсон томонидан 1965-йилда киритилган) бутун жаҳон ўргимчак тўрига кейинги катта кадам ҳисобланади. 1994- йилдан бутун жаҳон ўргимчак тўрини ривожлантириш асосий ишларини Тим Бернерс-ли томонидан

ташкил қилинган ва ҳозиргача у раҳбарлик қилиб келаётган бутун жаҳон ўргимчак тўри консортсиуми (ингл. World wide web consortium, w3s) ўз зиммасига олди. Шундай қилиб, бугунги кунда бутун жаҳон ўргимчак тўрини (World wide web) бу интернетга уланган турли компьютерлардаги ўзаро боғланган ҳужжатлардан фойдаланиш имконини берувчи тақсимланган тизимдир. Бутун жаҳон ўргимчак тўрини миллионлаб веб-серверлар ташкил этади. Бутун жаҳон ўргимчак тўри ресурсларининг кўпчилиги гиперматнлардан иборат. Бутун жаҳон ўргимчак тўрида жойлаштириладиган гиперматнли ҳужжатлар веб-саҳифалар деб аталади. Умумий мавзу, дизайни билан бирлаштирилган ҳамда иловалар билан ўзаро боғланган ва одатда, бир веб-серверда жойлашган веб-саҳифалар веб-сайтлар деб аталади. Вебсаҳифаларни юклаш ва кўздан кечириш учун махсус дастурлар - браузерлардан фойдаланилади. Бутун жаҳон ўргимчак тўри ахборот технологияларида ҳақиқий инқилобни юзага келтирди ва интернетнинг ривожланишида муҳим қадам бўлди. Интернет ҳақида гапирар эканмиз, кўпинча бутун жаҳон ўргимчак тўри назарда тутилади, аммо булар бир нарса эмаслигини ёддан чиқармаслик керак.

Интернет бутун жаҳон ўргимчак тўри пайдо бўлишидан анча аввал мавжуд эди. «интернет» нима? Терминнинг ўзи - инглизчадан «internonnested network» қисқартирилган ибора бўлиб, таржимада — глобаль компьютер тармоғи маъносини беради. Британия энциклопедиясида тахминан қуйидагича талқин тақдим этилган: «интернет» - бу, кўплаб бошқа компьютер тармоқларини бирлаштирувчи ва манзиллар умумий тизими ҳамда ахборотларни алмашиш имконини берувчи протоколлар деб аталувчи ягона тизимга асосланган тармоқдир. Интернет тарихида энг кўп тилга олинadиган даврлардан бири - АҚШ Мудофаа Вазирлиги тадқиқотчилик лабораторияларидан бирининг лойиҳаси ҳисобланади. У арпанет деб аталган. Арпанет - бу АҚШ Мудофаа Вазирлиги

тадқиқотчилик маркази - адвансед ресеарч прожест агенсй - истиқболли тадқиқотлар агентлиги компютер тармоғи - нет - қисқартма сўздир. Мудофаа Вазирлиги мутахассислари арпанет коммуникация тармоғини бир неча тадқиқотчилик марказлари ўртасида ахборот алмашиш ва уларнинг суперкомпютерлар ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш мақсадида яратганлар. Арпанет пайдо бўлгунга қадар, алоқа тизимлари орқали бир марта қабул қилишда жуда кичик ҳажмли ахборотни жўнатиш мумкин бўлган. Энди эса ахборотларни жуда катта блоklar билан жўнатиш ёки олиш мумкин. Кейинчалик ушбу тадқиқотчилик марказида «tsp/ip» деб аталувчи протокол яратилди, умуман олганда, мана шу протокол бўлажак халқаро интернет тармоғининг асоси бўлиб қолди. Тармоқ протоколи - бу турли компютер тармоқлари бир-бири билан алоқа қила оладиган, яъни ахборот алмаша оладиган маълум техник амаллар ва методлар тўпламидир. Бунга қадар шундай алоқалар асосан бир турдаги тармоқлар ичида амалга оширилган - мисол учун, ИБМ компютерлари фақатгина ИБМ компютерлари билан мулоқотда бўла олганлар. Агар арпанет тармоғига қайтадиган бўлсак, унинг яратувчилари янги усул билан ахборотни катта блокли жўнатишни 1969-йил октябрь ойида биринчи бор амалга оширишга эришганлар. Ўшанда биринчи мана шундай блок Лос-Анжелес университетидан шу штатда жойлашган тадқиқотчилик марказларидан бирига жўнатилган. Масофа албатта, унчалик катта бўлмаган. Аммо энг асосийси — масофа эмас, балки ахборот алмашишнинг янги усули биринчи бор намоёниш этилганлиги эди. Интернет биринчи бор барча фойдаланиши мумкин бўлган кун унинг туғилган куни деб ҳисобланади. Бу ҳолат 1991-йил январь ойида содир бўлди. Бунда гап электрон почта ҳақида бораётгани йўқ, ундан анча аввал фойдалана бошлаганлар, балки гиперматн узатиш протоколи (ушбу инглизча қисқартма сўз - httpни - энди барча билади) деб аталувчи

протокол яратилиши билан имконият пайдо бўлган катта тармоқ интернет ҳақида бормокда. Бошқача айтганда, интернет серверларида сақланадиган ахборотдан хусусий фойдаланувчилар фойдаланишлари имконияти пайдо бўлди. Буни «сервер - фойдаланувчи» муносабатлари деб атайдилар. Бу имконият биринчи бор, 1991-йил январь ойида пайдо бўлди.

III БОБ УЧУН ХУЛОСА

Интернетнинг ёки унинг алоҳида технологияларининг мамлакатимизда пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида фикр юритсак, 1992-йилдаёқ, Ўзбекистонда компютер коммуникацион компанияси ўз ишини бошлади, кўпчилик уни релсом ёки ссс каби билади. Ушбу компания (айтгандек, ҳозиргача ишламоқда (www.sss.uz) Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, электрон почта хизматларини тақдим эта бошлади. Интернетда домен номлари ва домен зоналари бутун жаҳон ўргимчак тўри «туғилишидан» бир неча йил аввал пайдо бўлганлиги кизиқарли ҳолатдир. Домен номи бу, ушбу соҳадаги юқори иерархия таркибидаги — интернет тармоғида маъмурий автономиялари бирлигини ёки доменларни, аниқлаш учун хизмат қиладиган белгили номдир. Интернет номлари умумий муҳити днс — доменлар номлари тизими ёрдамида ишлайди. Домен номлари интернет-узелларни ва уларда жойлашган тармоқ ресурсларини (веб-сайтлар, электрон почта серверлари ва бошқа хизматлар) инсонга қулай шаклда жўнатиш имконини беради. 1985-йил бошларида домен зоналари пайдо бўлди. Домен зонаси — аниқ бир доменга кирувчи маълум даражадаги домен номлари тўпламидир. Мисол учун, wikipedia.org зонаси учинчи даражали барча домен номларини ушбу доменда ўз ичига олади. «домен зонаси» термини асосан техник соҳада, днс-серверларини созлашда (зоналарни таъминлаш, уларни йўналтириш, трансфер зоналари) қўлланилади. Ҳозирги даврда юқори даражали доменлар мавжуд, мисол учун, гтлд (ингл. Генерис топ левел домаин — юқори даражали умумий домен) - юқори даражали домен, ташкилотлар маълум классификацияси учун яратилган. Биринчи шу каби доменлар 1985-йил январь ойида пайдо бўлган. Ўшанда улар қуйидагилардан иборат бўлган: соунтрий соде топ-левел домаинс (сстлд) доменлари, давлатлар ёки миллий домен зоналари юқори даражали доменлари мавжуд. Улар

«миллий доменлар» деб ҳам аталади. Ҳар бир мамлакатга 2 ҳарфли кодли ифодалар белгиланган, улар биринчи даражали мамлакат домени ёки оддийгина ушбу мамлакат домени деб аталади. Мисол учун, .ру - домени Россия Федерацияси учун, .ус - Америка Қўшма Штатлари, .сн -Хитой Халқ Республикаси учун домен ва ҳоказо. Бизнинг миллий уз доменимиз туғилган куни 1995-йил 29-апрел ҳисобланади.

Даставвал уз домени маъмури хусусий шахс 38 бўлган, 2001-йилдан 2003-йилгача бизнинг миллий доменимиз чет эт компанияси томонидан «маъмурий бошқарилган». «2001-йил охиригача уз зонасида доменни бепул рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлган. Кейин доменга маъмурилик ҳуқуқи германиянинг эурасом экуипмент гмбх. Компаниясига берилди. 2002-йил декабр ойида миллий доменни бошқариш ҳуқуқи «Ўзинфоком» Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш марказига берилди. Бугун глобал ўзгаришлар таъсир ўтказмаган бирор соҳани топиш қийин. Айниқса, инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг кучайиб кетишига бу жараённинг қўшаётган ҳиссаси ҳақида етарлича далиллар мавжуд. Айни даврда замонавий дунёни ахборот технологияларисиз, яъни интернет тизимининг ижтимоий тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки улар аллақачон ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Бир неча йиллар олдин интернет ҳақида, виртуал мулоқот ҳақида тасаввурга эга бўлмаган одамлар ҳозир мулоқотнинг энг осон ва ҳар тарафлама қулай йўлига ўтишди¹⁹. Бу мулоқотнинг қулайлиги шундаки, у ҳеч қандай масофани тан олмайди. Шунингдек, жой, муҳит ва бошқа субъектив жиҳатларсиз онлайн мулоқотни таъминлайди. Қизиқлиги шундаки, бундай мулоқотда нафақат суҳбатлашиш, балки, турли маълумотлар алмашиш, ҳар қандай саволга жавоб топиш, нимадир сотиш ва сотиб олиш, қизиқарли фильмларни томоша қилиш, турли хорижий тилларни ўрганиш, ҳаттоки муайян маблағ ишлаб топиш учун ҳам имкониятлар мавжуд. «ўргимчак

тўри»нинг такомиллашуви эса «ижтимоий тармоқ» тушунчасининг пайдо бўлиши ва шаклланишига замин яратди.

IV БОБ. ИНТЕРНЕТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КУРАШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ОИД ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ

3.1. Ёшларга миллий ва қонунчиликда интернет тармоқларидаги таҳдидларга қарши курашнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш омиллари.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоялаш ҳозирги глобаллашув даврида энг долзарб муаммолардан биридир. Иммунитет – латинча “immunillare” сўзидан олинган бўлиб, бирор нарсадан холос бўлиш, қутулиш деган маънони билдиради.

И.Эргашев, О.Мухаммадиева, С.Бердикулова, М.Сафаровнинг ўқув қўлланмаларида ҳам бунга атрофлича тўхталиб ўтилган: “Инсон бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга жавобан акс садолар сифатида ортирган билимлар ва малакалари асосида ўзида ташқи ғоявий таъсирларга жавоб бериш қуввати хавфсизликни таъминлаш, турли-хил ғоявий таъсирларга жавоб бериш қобилияти «мафкуравий иммунитет» даражасига боғлиқ. Яъни, уларнинг фикрни фикрдан фарқлаш, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан, ўзининг аниқ мақсади, ғояси билан уни эътироф этмаслик, унга нисбатан ғоявий жиҳатдан жавоб бера олиш салоҳиятини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 14-сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш” лозимлиги алоҳида таъкидланганлигини қайд этиш лозим.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг:

- 1) дунёқарашили;
- 2) миллий ғоя негизларига ҳурмати, ишонч ва эътиқоди;
- 3) дунёвий ва диний билимларга хабардорлик даражасига бевосита боғлиқ.

Бу, дунёда мафкуравий курашларнинг тўхтамаётганлиги ҳамда унинг марказида ёшларнинг турганлиги, соғлом фикрлайдиган, эзгулик ва тинчлик тарафдори бўлган кучларни, илмий жамоатчилиқни ўйлашга, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ундамоқда.

Бу қуйидаги омиллар:

- 1) Ёшларнинг аҳоли таркибидаги улуши билан;
- 2) Ёшларнинг дунёқараши, онг-тафаккурдаги ўзгарувчан хусусиятлари билан;
- 3) Ёшларни мураккаб ижтимоий тузилишга эга эканлиги билан;
- 4) Ёшларнинг қизиқиши, мақсад ва манфаатларининг хилма-хиллиги билан;
- 5) Ёшларни ижтимоий гуруҳ сифатида, уларнинг ғоявий-мафкуравий мўлжалларини, ҳаётий фуқаролик позициясини шаклланишига таъсир кўрсатадиган ахборот маконидаги ўзгаришлар кўламини ортиб бораётганлиги билан узвий боғлиқ.

Муаммога, тарихан ёндашганда, турли даврларда ёшларга ғоявий таъсир кўрсатиш орқали уларнинг онгини ёт ва зарарли ғояларнинг таъсирида ўз манфаатлари томон ўзгартиришга, улардан фойдаланган ҳолда мамлакатда тартибсизликларни келтириб чиқаришга бўлган уринишлар давом этмоқда. Айрим ёшлар бундай мафкуравий курашларнинг таъсирига тушиб қолмоқда. Булар, ҳозирги ёшларнинг қайси тоифаси эканлигини ва нима учун улар ёт ғояларнинг таъсирида эканлигини сабабларини қуйидагича таҳлил этиш мумкин.

Улар: биринчидан, ўзининг мустақил фикрига, қарашига эга

бўлмаган, миллий ғояга ишонч ва эътиқоди суғулган ёшлардир. Бундай ёшлар ғоя билан ғоянинг фарқига борулмайди. Сохта, ёлғон ғояларга ишонади, эргашади.

Иккинчидан, ҳаётда яшайдан мақсадни, “қайерда яшаш яхши” бўлса, шу ерни “Ватан” деб ҳисоблайдиган айрим ёшлардир. Бу ҳам амалда “Космополитизм” ғояси, “Ватансизлик” мафкурасини ёшлар онига сингдириш орқали, уларни она – Ватанга бўлган меҳр-мухаббатини, садоқатини заифлаштиришни мақсад қилиб, уларнинг мафкуравий иммунитетларини заифлаштиришга уринадилар, туғилиб ўсган Ватанларига, ижтимоий ҳаёт соҳаларида эришадиган ютуқларни бир томонлама баҳолаш, ютуқларни ҳолисона кўрмаслик қайфиятини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Учинчидан, ёшларнинг миллий-маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларга муносабатини ўзгартиришга бўладиган айрим ҳолатлар уларнинг мафкуравий иммунитетини заифлаштириб, шу орқали демократиянинг “яккаю-ягона” моделини тарғиб этиш ва унга мойил айрим ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мафкуравий мақсадларни кўзламоқдалар. Ёшлар уни фарқига боришлари учун ҳам, ўз фикрига, ғоясига эга бўлишлари “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан” жавоб бера оладиган юксак маънавиятга эга бўлишлари муҳим. Зеро, юксак маънавиятли ёшлар мафкурасига ҳеч ким даҳл қила олмайди. Бунинг учун ёшлар: илм-фан сирларини қунт билан эгаллашлари, унга содиқ ҳолда ўрганишлари муҳим. Илм ўрганмоқлик тўғрисидаги муборак ҳадисларга амал қилишлари, уларни маърифат сари етаклайди, айрим ёт ва зарарли, бузғунчи ғояларнинг таъсиридан ҳимоя қилади”.

Ж. К. Журакуловнинг илмий мақоласида ёшларга оид фикр мулоҳазалари орқали ёшлар орасида ахборотлашган жамият ҳақида

билдириб ўтилган сўзлар орқали инсон шахсининг оилада шаклланишига ижтимоий-маданий салбий таъсир этувчи омиллар бугунги кунда жамиятимизда тобора кўп учрамоқда. Бугун интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб келмоқда, шу билан бирга, интернетнинг яхши ва ёмон тарафлари ҳам ҳаётимизни қамраб олмоқда. Бугун мобил телефони билан интернетга уланмаган, ижтимоий тармоқлардан йироқ бўлган фуқаролар деярли камчилиқни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, ахборотлашган жамият ва унинг тарихи билан қисқача шаклда танишиб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлиб, ўрганишларимиз натижасида ижтимоий-маданий салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини оловчи илмий-амалий чораларни кўриб чиқамиз.

Бугунги даврда ахборотнинг тобора ошиб бораётганлиги ва инсонлар ҳаётида ҳамда турли соҳаларнинг ишлаб чиқаришида кенг қўлланилиши, ривожланиш асосини билим, илмфан, инсон капитали каби номоддий интеллектуал ресурслар ташкил этувчи янги турдаги жамият — “ахборотлашган жамият”нинг шаклланишига олиб келади. Ахборотлашган жамиятда ахборот ва унинг “олий” шакли илмий билим давлат ва корхона учун рақобатбардошлик устунлиқларини яратувчи стратегик ресурс ҳисобланади.

Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Бозор муносабатларининг анъанавий шакли ўзгаради. Ижодий меҳнатнинг кенг тарқалиши, маҳсулот нархининг унга сарфланган меҳнат қиймати билан эмас, балки ушбу маҳсулотнинг самарадорлик қиймати билан ўлчанишига олиб келади.

2. Билим сиғимкорлиги юқори бўлган товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишининг ошиши. Бунинг асосий сабаби маҳсулот ишлаб чиқаришда илмий-тадқиқот ва конструкторлик лойиҳа натижаларидан кенг фойдаланишдир.

3. Интеллектуал товар ва хизматлар бозорининг ривожланиши. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, ҳозирда интеллектуал товар ва хизматларнинг

жаҳон бозори анъанавий бозорларга нисбатан 5 баробар тез ўсиб келмоқда.

4. Ахборотни ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият муҳимлигининг ошиши. Ушбу фаолиятда муҳим ўринни таълим эгаллайди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб таълимга ажратилган маблағлар миқдори иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ажратилган маблағларга нисбатан ошиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларда таълим давлат “Замонавий оилада, фарзанд тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами томонидан молиялаштирилади, давлат ушбу тармоққа муҳофаа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя билан бир қаторда инвестиция қилади”.

Ахборотлашган жамиятимиздаги олиаларнинг ўтган тарихи ва бугунги кунигача бўлган оила, оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбаларни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1-босқич – Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунгача мавжуд бўлган таълимотлар (яхудийлик, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик);

2-босқич – IX-XIII асрларда, яъни ислом Ўйғониш давридаги таълимотлар (Қуръони карим, ҳадислар, пандномалар, мутафаккирларнинг таълимотлари: Форобий, Беруний, Ибн Сино ва ҳ.к.);

3-босқич – XIV-XV асрлар, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида мавжуд бўлган таълимотлар;

4-босқич – хонликлар давридаги таълимотлар (XVI-XIX асрлар);

5-босқич – Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдаги таълимотлар (XIX аср 60-йилларининг охири ва 1917-йилнинг октябрь инқилоби давригача мавжуд бўлган таълимотлар);

6-босқич – иттифоқ давридаги таълимотлар (1917-йил октябрь инқилобидан 1991-йил август ойигача мавжуд бўлган таълимотлар);

7-босқич – Мустақиллик даври, яъни 1991-йилнинг сентябрь ойидан ҳозирги давргача.

Юқоридаги даврлаштирилган оила, оилавий тарбия каби тушунчалар турли даврда турли талқинда бўлганлиги тарихдан бизга маълум. Шу сабабли биздан олдинги жамиятлар ҳаётида инсоннинг оилада шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-маданий салбий омиллар йетарлича бўлган, аммо таъсир доираси кичик ҳажмда бўлиб ўтган давр жамияти ҳаётида оилавий тарзда муаммолар ҳал этилган, мабодо, муаммо каттароқ бўлса, жамиятдаги барча ижтимоий қатламдаги оилаларнинг ёрдами билан ҳал этилгани бизга тарихимиздан аён. Бугунги замонамизда, аввало, интернет асридаги билим оловчи инсоннинг таълим тарбияси билан боғлиқ бўлган жараённи қамраб оловчи восита бевосита интернет бўлиб қолмоқда ҳамда салбий таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти ҳам сезиларли тарзда ортиб бормоқда. Бу жараёнга йечим излашда, аввало, биз барча чоратадбирларни қўлламоқдамиз, таълимда ислохотлар қилинмоқда, янги тизим, янги имкониятлар интернет орқали кириб келиши масалани бироз мураккабликка олиб келаётгандек, назаримизда. Тарихимизда, бадий адабиётимизда ўз аксини топган муқаддас динимиз кўрсатмаларига амал қилган ҳолда таълим-тарбия янада уйғунлашмоқда.

Шу ўринда тарбия ҳақида адиб Абдулла Авланийнинг сўзига тўхталишни лозим кўрдик: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Абдулла Авланийнинг сўзи бугунги ахборотлашган жамиятимизда ҳам ўз қийматини асло йўқотмасдан

келмоқда, аввало бугунги кунда дунё ҳамжамиятида таълим-тарбияга жуда катта эътибор қаратилаётганлиги айна ҳақиқат, барча замонларнинг жамиятида тарбия ва таълим тизими долзарб бўлгани каби бизнинг замонамизда ҳам долзарб ва баҳсмунозарали бўлиб турганлиги айна ҳақиқатдир. Келинг, бу борада юқоридаги фикримизни давом эттирган ҳолда Абдулла Авланийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида келтирган сўзлари билан давом эттирсак: “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, “Ҳассину ахлоқиқўм” амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур. Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар “тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас”, – демишлар”. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг оилада камолга йетакловчи ижтимоий-маданий омиллар, таълим ва тарбия жараёни бугун Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, бу борада жуда кўплаб ислохотлар амалга оширилиши замонавий таълим ва тарбияга бирдек ёндашилаётганлиги муаммо ва камчиликларга барҳам бериш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор. “Замонавий оилада, фарзанд тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами

фикрлар милоддан аввал айтилган.

Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бизнинг асримизга келиб ҳам ушбу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотмасдан ахборотлашган жамиятимизда инсоннинг оилада камол топшига боғлиқ бўлган барча ижтимоий-моддий салбий камчиликлардан ёшларни асраш асосий вазифамиз бўлиб келмоқда. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг оилада шаклланишига ижтимоий-маданий салбий таъсир этувчи омилларга бугун барча интернетдаги салбий кўринишда фаоллик қиливчи интернет сайтлари, турли хилдаги ижтимоий тармоқларда фаоллик қилувчи тармоқлардан “Телеграм, Инстаграм, Фасебоок, ВхатсАпп, Вибер, Одноклассники, Тик ток” каби бирқанча ижтимоий тармоқлар бўлиб, буларнинг фойда ва зарари тенгдек туюлса-да, ахборотнинг айланиш тезлиги, тўғри ёки нотўғрилиги номаълум бўлган ахборотлар жамиятимиздаги инсонларни, айниқса, ёшларимизни чалғитмоқда. Бу каби тармоқлар барчамизга керак, аммо меъёр даражасини унитиб қўймоқдамиз, бизларни виртуал олам ўз домига тортиб кетаётгандек гўё. “Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми? Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, Янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда”. Жамиятимиз учун керакли бўлган яхши хулқлар: диёнат, ғайрат, қаноат, шижоат; илм, сабр, интизом, виждон; ватанни севиш, ибрат, иффат; ҳаё, идрок, виқор, итоат; ҳақиқатпарварлик, хайрихоҳлик; мунислик, садоқат, муҳаббат ва кечиримлиликдир. Ушбу фазилатларни жамиятда ёшларимиз тарбиясида оиладан бошламас эканмиз, жамиятимизда ва давлатимизда тобора

ахборот тизимларидан кенг фойдаланаётган, ахборотлашган жамиятимиздаги замонавий таълимни ривожлантира олмаймиз.

Ахборотлашган жамиятда инсоннинг оилада шаклланишига ижтимоий-маданий салбий таъсир этадиган омилларнинг олдини олувчи илмий-амалий асосларидан яна бир омили сифатида яхши хулқларни тарбия билан қўлга киритишимиз учун оилада ота-она, жамиятда муаллим устозларимизнинг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи билан тингловчи, доим хотирасида сақловчи, ахлоқи яхши кишилар билан дўстлашмоқлиги, ахлоқи бузуқ ёмон кишилардан йироқ юрмоқлик каби барча сифатларни оиладаги тарбия билан замонавий таълимни боғлашимиз керак. Бунинг учун, аввало, таълим ва тарбияни, дастлаб, оиладан бошланишини эсдан чиқармаслик керак.

Бугунги кундаги барча ёшларимиз деярли ҳар куни интернетдан фойдаланишади, кинофильмлар, мусиқаларни тинглайди, турли маълумотлар қидиради, глобал тармоқ ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётганидан далолат беради. Интернет нима эканлигини билмайдиган инсонни топиш жуда қийин. Бутун дунё бўйлаб миллионлаб, балки миллиардлаб одамлар интернетдан, ҳатто телевизорга нисбатан ҳам кўпроқ фойдаланади. Келажакда кўпчилик учун интернет тирикчилик қилиш манбайига айланиб боради. “1980-йилда ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган, бугун “Интернет” деб аталувчи ХТМЛ протоколи, аслида ядровий мавзулар тадқиқотларининг натижаларидир. Дунёдаги биринчи интернет сайти 1990- йилда яратилган”. Бу – интернет, деб аталувчи дастур ҳозирда дунёни камраб олганлиги айна ҳақиқат. Аниқроғи, браузер нима ва уни қандай ўрнатиш кераклиги ҳамда шунга ўхшаш бошқа фойдали маълумотларни ўз ичига олувчи оддий бир саҳифа бўлган, холос.

Дастлаб, ҳужжатлар алмашиш усули ўйлаб топилган эди. У гиперссилкалардан фойдаланишни жамлаган. Мана, лойиҳадан кейин дунё

узра “Ўргимчак тўри” туғилган. Ушбу кунда бизнинг жамиятимизга ва давлатимизга ҳам кириб келган интернет бугун ёшларимизни ҳам ўз домига тортмоқда. Давлатимиз ва жамиятимизнинг равнақи учун зарур бўлган билимларни олиш оила ва таълим масканида ҳар бир ёш йигит-қизнинг зиммасидаги бурчларидан бири ҳисобланади. Оилада тинчлик, тотувлик бўлса, фарзандлар тарбиясида ва таълим оилишида юксалиш бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига 2020-йил 24- январдаги Мурожаатномасида илм-маърифат ва технологиялар ривожига алоҳида аҳамият қаратиб қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, Энг катта мерос – бу яхши тарбия, Энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”. Ушбу фикрлар замирида жуда катта маънолар жамланган. Ўзимиздаги турли иллатлардан эртага эмас, бугун воз кечишимиз керак.

Юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи ўринда оилада тотувлик, тинчлик, ҳамжихатлик, илм-маърифат ва диний қадриятларга ҳурмат-эътиборларни ёшлар онгига сингдиришда ота-оналар ва устозларнинг машаққатли меҳнатларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини барчамиз яхши тасаввур қиламиз. “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг оилада шаклланишига ижтимоий-маданий салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини оловчи илмий-амалий асосларини бугун давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган

ишлар кўламида кўриб ўтамиз. Ахборотлашган жамиятимизда бугунги кунда барча тармоқлар рақамлаштирилмоқда, шу боис “Рақамли иқтисодиёт” мамлакатимиз тараққиётининг асосларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бошланди. Жумладан, унинг доирасида ҳудудларда 89 та, тармоқларда 200 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Йил бошидан буён “ИТ Парк резидентлари” сони 35 фоизга кўпайиб, уларда 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг 8 ойида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар 26 миллион долларга экспорт қилинган. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт соҳаларида яна 300 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар, умуман, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозиргача бу лойиҳа доирасида 567 минг ўғил-қиз бепул сабоқ олди. Эътиборлиси, уларнинг 79 фоизи мактаб ўқувчиларидир. Давлатимиз раҳбари лойиҳани ҳар бир мактабга йетказиш, зарур ҳолларда уларни қўшимча компьютерлар билан таъминлаш, болаларни ўқишга кенг жалб этиш муҳимлигини таъкидлади. “Бирорта мактаб “Бир миллион дастурчи” лойиҳасидан четда қолмаслиги керак”, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, бундай ўқув курслари жойлардаги “Ёшлар маркази”, “Ишга марҳамат” моно-марказлари негизида ҳам ташкил этилади. Бугунги кунда юртимизда ахборот технологияларига ихтисослашган 100 та мактаб фаолият юритмоқда. Келгуси икки йилда бундай муассасаларни 205 тага йетказиб, 30 мингдан зиёд ўқувчиларни ўқитиш режалаштирилган. Шу боис мутасаддиларга ушбу мактаблар учун педагоглар, техника ва ўқув дастурларини ҳозирдан пухта тайёрлаш бўйича кўрсатма берилди. Яна бир янгилик – жорий йилнинг 1-октябридан бошлаб барча ҳудудларда 14 та ИТ-техникум фаолияти йўлга қўйилади. Уларда дастурий инжиниринг,

ахборот хавфсизлиги телекоммуникация каби йўналишлар бўйича 8 мингга яқин ўқувчи таҳсил олади. Ушбу техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам атрофлича ўрганилади. Умуман, Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашади. Шунингдек, хорижий мактаблар билан ўқитувчи ва ўқувчиларни алмашиш дастурлари амалга оширилади. Давлатимизда, ахборотлашаётган жамиятимизда, оилаларимизда, ҳаётимизда таълимга, тарбияга, диний қадриятларга, илмга, замонавий таълимга этибор қаратсак, барча муаммоларни бартараф этган бўламиз. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг оилада шаклланишига ижтимоий-маданий салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини олувчи илмий-амалий асослари замонавий таълимда ўз аксини топмоқда.

И.Эргашев, О.Мухаммадиева, С.Бердиқулова, М.Сафаровнинг услубий қўлланмаларида ёшларнинг Глобализм жараёнида ёшларнинг миллий ғоя муносабатларига кенг тўхталиб ўтилган. Унда келтирилишича: “Ёшларда ахборот хавфсизликини таъминловчи омиллар: таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, зеро И.А.Каримов: «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» алоҳида бу жараёнга мазмун касб этади; ёшларга тегишли муаммоларни босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларини бирин-кетин бартараф этиши натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошиб боради; ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганлигини киритиш мумкин. Инсониятнинг

кейинги тараққиёт йиллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётий тушунчалари, дунёқараши ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганлигига боғлиқ. Глобаллашув даврида: турли хил мафкуралар ўртасида кураш; маънавий таҳдидлар; “оммавий маданият” кўринишлари; одам савдоси; диний экстеремизм ва халқаро терроризм; гиёҳвандлик, наркобизнес хавфи янада кучаяди. Бу мафкуравий курашлар мамлакатнинг геосиёсий мақсадларига қарши йўналтирилганлиги билан ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун, ижтимоий ва гуманитар фанлар глобаллашувининг жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларига таъсири масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Глобаллашувнинг инсон ва постиндустриал жамиятлар ҳаётидаги ўрни ҳамда роли ҳақидаги алоҳида қарашлар шаклланимоқда.

Глобаллашув турли хил ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ. Унда эзгу, бунёдкор ғояларни ҳамда аксинча жаҳолатга ундайдиган тажовузкор, бузғунчи ғоялар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Бу жараёнлар инсон тафаккури ва маънавий дунёсига таъсири масаласига етарли даражада эътибор беришни тақозо этади. Глобаллашув шароитида инсон тафаккури ва маънавий дунёсида содир бўлаётган ўзгаришлар қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади: глобаллашув шахсни шакллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, муайян ўзгаришларга олиб келади, анъанавий қадриятлар тизимига ҳам турли хил таъсир этиши мумкин; глобаллашув таъсирида рўй берган ўзгаришлар инсоннинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин ва ҳозирги замон жамиятининг қиёфасини ҳам муайян тарзда ўзгартиради; глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бир каторда, унинг таъсирида ижтимоий ва индивидуал онгда деструктив

ўзгаришлар ҳам қайд этилган. Бу ҳолат индивидуализм, эгоизм, эгоцентризм инсонпарварлик тамойилларининг эврилиши, ахлоқий тушқунлик, ҳаётий айрим мақсадлар ва тасаввурларнинг бузилиши каби ҳодисаларда намоён бўлмоқда; Глобаллашув жараёни миллий-маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларни уйғун ривожланишини тақазо этади, акс ҳолда маънавий таҳдидлар кучаяди.

Миллий ғоя тарғиботида халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги миллий-маданий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутди:

-халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги; жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

-ота-она, маҳалла-қуй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

-миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

-каттага - ҳурмат ва кичикка - иззат;

-меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотига эҳтиром;

-сабр-бардош ва меҳнатсеварлик; ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳаказо.

Миллий ғоя тарғиботида қуйидаги умумбашарий қадриятлар эътироф этилади ва улардан озиқланади: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик; турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш кабилардир.

4.2. Интернет ва ахборот технологияларнинг шахсга ижобий ва салбий таъсирини ўрганишга оид тажриба синов ишлари: таҳлил ва хулосалар

Интернет бу – ҳозирги замон талабидаги ягона оммабоп компьютер тармоғи ҳисобланиб, бизга барча соҳаларга оид ноаниқлик яъни онгимизга мавҳум бўлган тушунчалар ҳақида очик, оддий ва равон маълумот берувчи ахборот манбаидир.

Табиийки, ҳозирги кунда ушбу омилга бўлган эҳтиёжмандлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Мазкур тармоқ бутун дунё миқёсида глобал тармоқдир.

Зеро унда мавжуд янгиликлардан хабардор этувчи матинлар, тасвир ҳамда овоз хизматлари ва бир қатор имкониятлар барча жабҳада катта енгилликларни юзага келтираётган бўлса-да, аммо иккинчи томондан инсониятни беихтиёр вертуал оламга жалб этиб бормоқда. Айниқса бу таъсир доирасидан ўсмир ёшлар ҳам йўқ эмас.

Бу борада мутахассисларнинг сўзлари қуйидаги натижаларни исботламоқда: интернет тармоғидаги ижобийлик инсоннинг фан, соҳа ва фаолиятига боғлиқ муҳим аниқ далилларга эга бўлишида ҳар томонлама қулайлиги ва тегишли вақт миқдорининг тежалишига олиб келиши кундек равшан, лекин қизиқувчанлик сабабли Интернет ахборотларидаги ортиқча маълумотларга ҳаддан зиёд берилиб кетишларидир.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ташметов Т.Х.нинг фикрларига биноан: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва

жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз». Бунинг учун эса жамият ҳаётининг модернизациялашиш шароитида жамиятда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

- ёшларимизни маънавий янгиланиш ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш;

- турли қараш ва фикрга эга бўлган ёшларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ягона Ватан туйғуси, адолат - қонун устуворлигида, халқ розилиги, жаҳолатга қарши маърифат, инновацион тараққиётни таъминлаш барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш, миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;

- ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Бунинг учун, аввало:

- оммавий ахборот воситаларида миллий маънавиятимиз акс этган кўрсатувлар, сериаллар, кино ва бадиий фильмлар намойишини омма эътиборига тақдим қилиш;

- интернет тизимидан фойдаланган ҳолда миллий сайтлар кўпайтириш ҳамда ёшларбоп рукнларни очиш ва улар орқали миллий ғояларни сингдириб боришни таъминлаш;

- жамиятда маънавиятни такомиллаштириш мавзуида илмий лойиҳалар жорий этиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш зарурдир”.

Маълумки, Интернет воситасидан фойдаланиш ҳеч кимга мажбурий бўлмаган ва инсоннинг ўз тафаккуридан келиб чиққан қонун қоидалар асосида бўлиши кераклиги ҳамда ундаги меъёр талаблари, яъни Интернет

тармоғидан ахборотларни тўғри танлаш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Бундан кўриниб турибдики, ушбу тармоқ воситасининг ўз ичига қамраб олган ахборотлар миқёси шу қадар кенг ва кўп эканлиги гоҳида ўзимизга керакли бўлган маълумотларни ажратиб олишимизда ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

Барчамизга маълумки, Интернетда ишлашимиз учун қидирув тизимининг ўрни беқиёс. Ўзингизга керакли барча маълумотларни шу каби бирон бир сайтнинг “излаш” катакчасига ёзиб, чиқарилган кўпгина маълумотлар ичидан ўзингизга кераклисини танлаб олаверасиз ёки маълум бир сайтнинг манзили ёдингиздан кўтарилдими, яна ўша қидирув системалари ёрдамга келадиган сайтга алоқадор калит сўзларини терасиз ва қарабсизки ўша сайт қаршингизда намаён бўлади. Интернет тармоғида: Яҳоо, Гоогле, Ref.uz цингари яна бошқа номлар билан аталувчи қидирув тизимлари мавжуд. Юқоридаги қидирув дастурлари ҳақида батафсил ва умумий таъриф беришда уларни бирор бир тизим орқали масалан, Гоогле тизимини тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу компания Интернетдаги етакчи қидирув тизими ҳисобланади, дунё бўйлаб тармоқ фойдаланувчиларнинг ўнтадан еттитаси у ёки бу маълумотларни топиш илинжида айнан мана шу сайтга мурожат қилишади. Тизим ҳар куни 50 миллионга яқин сўровларни қабул қилади, саккиз миллиардлаб веб-саҳифаларни индексация қилади. У 101 тилдаги ахборотни излаб топиши мумкин. Кейинги йилларда бутун дунё интернет фойдаланувчилари орасида кенг оммалашиб бораётган Гоогле тизими 1998 – йил сентябрда ишга тушган. Ҳозирда бу компаниянинг қидирув тизимларидан ташқари яна бир қатор фойдали ва қулай хизматлари мавжуд ва улар сони ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, ҳозирда нафақат Интернет тармоғи вужудга келганлиги, бундан ташқари шу каби жаҳонаро ривожланиб келаётган турли – туман ахборот технологиялар ёш авлодга ижобий таъсир кучини

ўтказаетганлиги бир томондан қувонарли бўлса – да, иккинчи томондан уларни турли салбий сабоқлардан асраш мақсадида тарбиявий муҳитни кучайтиришга ундайди. Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар радио–телевидение, матбуот Интернет каби воситалар орқали ранг баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ҳарбийларимиз онгини ўраб–чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ораб олиш ҳеч шубҳасиз замоннинг талабига ҳам бизнинг эзгу мақсад – муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Бинобарин, биз давлатимиз келажаги ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш инсон ҳуқуқи ва эркинликларини фикрлар ранг – баранглигини ўз ҳаётимизда янада кенгрок жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли халқаро ҳамжамят билан тинч – тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Ҳозирги замон ахборот тизими унинг, жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки,

Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умумий манфаат ва умумий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларини чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйдаги усуллари қўллаш маданиятини зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш

жараёнида жамият тараққиётининг ахборотини ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб, жамиятда шакилланаётган ижтимоий онг йўналишлари ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари, қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўп миллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можороларни турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар тасирида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар манбаларини ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб – китобларга таҳлилий ечимларга эга бўлиш.

Учинчидан, сиёсий конфиктология ва сиёсий психология. Ахборот психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаяётган бир шароитда сиёсий можоролар келиб чиқиш мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда сиёсий қарашлари, руҳияти, ижтимоий – сиёсий психологик изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантикий тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳолаши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий – таҳлилий назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шакилланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи лозим.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устуворлиги. Ҳар қандай фуқоро ахборот базасидан “маҳсулот” танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида,

буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги ҳатти — ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш.

Албатта, Ўзбекистон мустақилликнинг 23 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланган. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётдан далолат беради. Яна шуни такидлаш лозимки, Интернет воситаларидан ўрин олган жамики ахборот ва маълумотларнинг ҳаммаси ҳам реал ҳаққоний эмаслиги айна пайтда аён бўлмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш жоизки, олинаётган далилларнинг қай даражада тўғрилигини онгли равишда мушоҳада этиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина Интернет орқали эгаллаётган билимларимиз ҳаётимизда ижобий самара беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дин номи билан иш юритаётган ғаразли кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. Ўзларини “яқин дўст” ёки “ҳидоятга чорловчи” сифатида танитиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда.

Ҳозирги кунда Хитойда 500 миллиондан, Россияда 50 миллиондан, Ўзбекистонда 10.2 миллиондан ортиқ интернетдан фойданувчи рўйхатга олинган. Эндиликда ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармоққа чиқиши учун бир сония кифоя. Афсуски, кўп ёшлар Ислом ниқоби остида олиб борилаётган бузғунчи ҳаракатларнинг қурбони бўлиб, дин душманлари қуролига айланиб қолмоқдалар. Улар нозик чегара чизиғини англамай, шундай тарғиботларга учиб, ўз дини, диндошлари, халқи ва ўзи туғилиб ўсган Ватанига қарши исён қилишгача бориб

етмоқдалар.

Бугунги замон шиддати ҳаётимизни интернет ёки ижтимоий тармоқларсиз асло тасаввур этиб бўлмаслигини намоён этаяпти. Аксарият одамларнинг фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлари орқали дунёда содир бўлаётган кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, уларни бир-бирига узатиш билан боғлиқ. Мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеаҳодисалар, янгиликлар тўғрисидаги маълумотлар барча ижтимоий тармоқларда акс этиб борапти. Бу янгиликлардан хабардор бўлишда эса интернет тизими, мобил телефонлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш анча қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзаро маълумот алмашиш ёки бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир. Буларнинг бари ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар учун ўз фикрлари, қарашлари ва туйғуларини баён қилишда тенгсиз имконият эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқлар ҳар қандай ёшдаги одамни бемисли даражада ўзига «мафтун» қилиб туради. Аксарият ёшлар ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, ижтимоий тармоқлардан кун бўйи фойдаланишади. Шу тариқа, улар деярли барча ахборотга эга бўлишади ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, у ёки бу масалага муносабат билдиришади. Бироқ билдирилган муносабатларнинг барчасини савияли, яъни маънавиятли кишиларнинг фикри, деб бўлмайди, албатта. Айниқса, бугунги кунда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кимсалар ҳам тўғри ё нотўғрилигини ўйлаб ўтирмасдан, ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳар қандай маълумот юзасидан ёхуд баъзи масалаларга билим ва салоҳияти етадими, йўқми, бундан қатъи назар, ўз фикрини билдиришади. Ёки ўзларининг ёзган «асарлари» ё «мақола», «хабар», «шеър»ларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириб,

бир-бирларини кўкларга кўтариб макташади. Қизиғи шундаки, баъзи одамлар аслида шу ишни қилиш керакми, йўқми, деган иштибоҳга ҳам бормайди. Ижтимоий тармоқларда ҳавола этиладиган маълумотларни «безаб турган» ғализ жумлалар ҳамда имловий хатолар ўша тармоқ фойдаланувчисининг савияси қай даражада эканлигини кўрсатиб туради. Бу эса ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида ҳам афсусланиш, ачиниш ҳолатларини келтириб чиқаради. Баъзида эса ижтимоий тармоқлар орқали ҳавола этилаётган асоссиз ва савиясиз маълумотларнинг санаб адоғига ҳам етиб бўлмайди. Айниқса, тармоқларда шундай гуруҳлар ҳам пайдо бўлганки, фойдаланувчилар бир-бирини мактаб кўкка кўтаришлари, шунингдек, кимларнингдир номини лойга чаплашлари оддий ҳолга айланиб бормоқда. Ғийбат улар учун оддий ҳолга айланган. Баъзи кимсалар эса ижтимоий тармоқдан ўзларига ёқмаган одамларнинг обрўсини тўқиш, ерга уриш, бунинг учун бор имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Ижтимоий тармоқларни назоратга олиш имконияти йўқлиги боис, унда ҳар қандай ишни қилиш мумкин, деб ўйлашади. эркин фикр айтиш имкониятидан шундай йўллар билан фойдаланиш мумкин деганлар, савиялари қай даражада эканликларини катта аудиторияга шундай йўллар билан ошкор қилишади. Шу сабаб кўпчилик бу тармоқларни ёқтиришмайди. Лекин шунга қарамай, статистик маълумотларга назар солсак, дунё ёшларининг 96 фоизи ижтимоий тармоқлар воситасида ўзаро мулоқотга киришишмоқда.

IV БОБ УЧУН ХУЛОСА

Хўш, ижтимоий тармоқ нима ўзи, унинг қандай турларини биламиз? Олиб борилган ахборот-таҳлилий натижалар ва статистик маълумотларга кўра, Фасебоок ҳозирги вақтда дунёда энг машҳур ижтимоий тармоқ сифатида этакчи ўринда бормоқда. Бугунги кунга келиб, Фасебоок тармоғида рўйхатдан ўтганлар сони бир неча миллиард кишидан ортганлиги маълум қилинган. Ундан кейинги ўринларни эса Твиттер, Инстаграм, ЛинкедИн, Гоогле+, Пинтерест, Снапчат, ЁуТубе, Реддит, ВхатсАпп, Флискр, Веибо эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий менталитетимизга рахна солувчи турли иғволар, ғийбатлар, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлган – «оммавий маданият» ниқобидаги таҳдид ва бошқа иллатлар хавф солиши ҳамон давом этмоқда. Кишининг таъбини хира қиладиган жиҳати, ижтимоий тармоқлар орқали «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга бузуқ ғоялар, ахлоқсизлик, ғайриинсоний одатлар кириб келмоқда. Миллатнинг тарихи, ўтмишдаги қадриятларини рад этувчи, «оммавий маданият»ни тарғиб этишга ундовчи мафкуравий курашларнинг барчаси айнан ижтимоий тармоқлар орқали олиб борилмоқда. Зеро, ижтимоий тармоқлар тубанлик гирдобига гирифтор этувчи мафкурачиларининг асосий дастакларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, бу ҳолат ҳар биримиздан таҳдидларга нисбатан мунтазам огоҳликни талаб этмоқда. Инсон онги, қалби ва руҳиятига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган ғаразли кучлар ахборот хуружларини амалга оширишда энг таъсирчан воситалар сифатида интернет тизими ва

ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланишмоқда. Айни пайтда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган миллий маънавиятимизга ёт ғоялар ва ахборот хуружларининг ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари кишини ташвишга солмоқда. Қайд этиш жоизки, «оммавий маданият» намоён бўлиш хусусиятларига кўра, тил, дин, эътиқод, ирқ, макон, халқ ва миллат танламайди. У 63 жамиятнинг маданий ва эстетик қадриятларига раҳна солиш орқали ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик тамойилларини бузади. Зеро, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда, албатта, барчамиз медиа хавфсизлик ҳақида, Ғарб давлатлари олиб бораётган мафкуравий кураш турлари ҳақида маълумотга эга бўлишимиз ва буни ёшларга ўргатишимиз лозим. Ижтимоий тармоқлар орқали инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш, дезинформацион ахборот тарқатиш каби ҳолатлар, айниқса, хушёрликни талаб этмоқда. Ахборот хуружида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Аслини олганда, ахборот хуружларини амалга оширишда, аввало, инсон онги ва қалбини забт этиш орқали мафкуравий таъсир ўтказиш ғояси ётади. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига раҳна солиб, миллатнинг тарихан шаклланган қадриятлари, унинг ўзига хослиги, миллат ва халқ сифатида яшаб қолишини хавф остига қўяди. Ижтимоий тармоқлар орқали ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган ёвуз ва бузғунчи ғоялар таъсирини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини ҳар бир юртдошимиз, биринчи навбатда, ёш авлод вакиллари чуқур англаб этишлари лозим бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Мустақил Ўзбекистон ёшлари ривожланган технологиялар асрида муносиб иштирокчи бўлиб, мазкур соҳага тааллуқли маҳсулот ва воситалардан кенг фойдаланмоқда. Бу эса ўз навбатида ахборотдан фойдаланиш бўйича маданий кўникмаларни ижтимоийлаштириш орқали уларнинг ёш ва дунёқарашидан келиб чиқиб ахборот истеъмолини ривожлантиришни талаб этади. Таълимни ахборотлаштириш стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқиляётган бир вақтда, ахборот-ресурс марказларининг ўрни ҳам бекиёслигича қолмоқда. Унда ахборот-ресурсларининг шиддат билан кириб келиши эса ахборотлашув жараёнини яна ҳам жадаллаштирмоқда. Шунга қарамай, бадий асарлар, қомуслар, луғатлар, газета ва журналларнинг тобора катта қисми матнли файллар кўринишида тарқалмоқда. Электрон ва босма нашрлар бир-бирини мустасно этмайди, балки бир-бирини тўлдиради, бинобарин, келажакда кутубхоналарда ҳам виртуал, ҳам анъанавий китобга ўрин топилади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, китобхон техник ва маълумотнома адабиётлардан кўпроқ электрон шаклда фойдаланади. Ёшларда ҳар қандай фикр ва ахборотларни ўзаро таққослаш, маълумотларни филтрлай олиш қобилияти, аввало, оилада, кейин таълим даргоҳида шаклланади. Шу ўринда таклиф киритиш мумкинки, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ахборот хавфсизлиги, интернетдан фойдаланиш маданияти тарғиботига бағишланган давра суҳбатлари ўтказиш, онлайн муҳитда ёшларни асрашга доир қўлланмаларни ёшлар ҳамда оилаларга бепул тарқатиш мақсадга мувофиқ.

Оммавий ахборот воситалари орқали мутахассислар иштирокида махсус телерадио дастурлар, таҳлилий мақолалар бериб бориш лозим. Қолаверса, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш,

тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилмаган компьютер ўйинлари ва фильмлар рўйхатини жойлардаги интернет-кафелар ва клубларга тақдим этиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, ўқувчи-талабалар ўртасида "Энг яхши интернетблог" номинацияси бўйича танлов ўтказиш, аҳоли гавжум бўладиган масканларда интернет хавфсизлигига қаратилган шиорлар, баннерлар жойлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, миллий маънавиятимизни асраш орқали ёшларимизни 65 она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб, ўз халқига, юртига бўлган муҳаббатини ошириш асосий вазифамиздир.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «... биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз». Бинобарин, бугунги давр биздан дунё миқёсида бўхтон ва уйдирмаларни тарқатиш орқали ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришга интилаётган ижтимоий тармоқлардаги турли салбий ҳолатларга ҳеч қандай имкон бермаслигимизни талаб этмоқда. Зеро, миллий маънавиятимизни асраш орқали ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб, ўз халқига, юртига бўлган «Замонавий дунёда ижтимоий фанлар: назарий ва амалий изланишлар» номли илмий, масофавий, онлайн конференция муҳаббатини ошириш асосий вазифамиздир. Бунинг учун ҳаммамиз бирдек маъсул эканлигимизни бир сонияга бўлса ҳам унутмасилигимиз керак. Бугунги кунда айрим оммавий ижтимоий тармоқларда 13 ёшга тўлмаган болаларни рўйхатга олмаслик учун чекловлар қўйилган. Айрим компьютер операцион тизимларида ҳам «ота-она» назорати функцияси мавжуд бўлиб, болаларни тизимдан фойдаланиш вақтларига чеклов қўйиш имкони мавжуд. У компьютердан ўрнатилган вақтдан ортиқча фойдаланиш

имконини бермайди ва автоматик равишда ишини тўхтатади. Агар фарзандингизга компьютер сотиб олиб, ундан билимлари доирасини кенгайтириш мақсадида фойдаланишига рухсат берган экансиз, бу билан ўзингизнинг ҳам олдингизга масъулиятли вазифалар пайдо бўлганини унутмаслигингиз зарур азиз отаоналар! Ушбу битирув малакавий ишни ёзар эканман қалбимда жуда кўплаб саволлар уйғонди? “Мен ўз вақтимдан унумли фойдаланяпманми? Жамиятимизга, юртимизга керакли кадр бўлиб етишишим учун етарлича ҳаракат қиляпманми? Мендан ниҳоятда умидлари катта бўлган ота-онам мендан фахрланиши учун нималар қиляпман? Ушбу фикрларимни ўқишингиз давомида сизда ҳам ушбу саволлар пайдо бўлган бўлса мени вақтим, меҳнатим бесамар кетмабди деб ҳисоблайман. Барчангизга қимматли вақтингизни аямасдан битирув малакавий ишини ўқиб чиқганингиз учун миннатдорман!!!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. МЕЎРИЙ- ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2017-йил 7- феврал, ПФ-4947-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-ИЛОВА. “Лехуз” 29.09.2017. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон 01.11.2018.

3. Ўзбекистон республикасининг қонуни экстремизмга қарши курашиш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан 2018-йил 12-июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2018-йил 28-июнда маъқулланган 1-боб. Умумий қоидалар 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади Ушбу Қонуннинг мақсади экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Олдинги тахрирга қаранг. 2-модда. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик.

II. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Ш. М. Мирзиёев Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга.”Янги Ўзбекистон” 25.12 2020.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2018. 141-бет.

III. АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. В.Т.То‘ушчиёев, И.Эргашев, О.М.Мухаммадиева, М.И.Хўжаев Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Т.: “Инновация-Зиё” 2020. 102-б.

2. О.М.Ғайбуллаев. Миллий ғоя тарихи ва назарияси 5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун дарслик сифатида тавсия этилган -Т.: 2019. 414

6.

3. Васильков А.В. Безопасность и управление доступом в информационных системах / А.В. Васильков, И.А. Васильков. - Москва: форум: инфра-М, 2013.- 368 с 69

4. Жигулин Г.П. Организационное и правовое обеспечение информационной безопасности / Г.П. Жигулин.-Санкт-Петербург: спбниунитмо, 2014.— 173 с

5. Теоретические основы компьютерной безопасности / П.Н. Девянин [и др.].- Москва : Радио и связь, 2000.— 192 с.

6. Бардаев Э.А. Документоведение: учебник для студ. высш. учеб. заведений / Э.А. Бардаев, В.Б.Кравченко.-Москва : Издательский центр «Академия», 2008.— 304 с.

7. Малюк А.А. Введение в защиту информации в автоматизированных системах / А.А. Малюк, С.В. Пазизин,

8. Н.С. Погожин.-Москва: Горячая линия — Телеком, 2001.— 148 с.

9. Алешин, Л.И. Защита информации и информационная безопасность: Курс лекций Л. И. Алешин; Моск. гос. ун-т культуры. – М.: гос. ун-т культуры, 1999. 14 с.

10. Б.Х.Қодиров, Х.С.Жуманиёзов, Б.Б.Қодиров. Глобаллшув шароитида ёшларда ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини тарбиялаш вазифалари –Т.: 2015.

11. Р. Ҳ. Кушатов Ахборот хавфсизлиги ва интеллектуал мулкка киришни бошқариш ўқув қўлланма -Самарқанд:.. 2021.22-23 бетлар.

12. I Абдуллаев, Ахборот муҳитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси қандай таъминланади? “Перепост уз” 29.06.2022.

13. Р.Ҳ.Кушатов Ахборот хавфсизлиги ва интеллектуал мулкка киришни бошқариш ўқув қўлланма -Самарқанд:.. 2021.24-25 бетлар.

14. Ҳелен Дуффй Глобалъ трендс ин соунтер-террорисм Имплисатионс

фор ҳуман ригхтс ин Африса Монограпх 206 | марч 2023. 9 п.

15. Бернарди, Алессандро. Ле рôle ду троисиème пилиер данс лъэуропéанисатион ду дроит пéнал: Ун билан сйнтхётикуе à ла веилле де ла рéформе дес траитéэс. Ревуе де Ссиенсе Сриминелле эт де Дроит Пéнал Сомпарé, 2007. 713-37.

16. Салдерони, Франсессо. 2008. А Дефинитион тхат Соулд нот Ворк: Тхе ЭУ Фрамеворк Десисион он тхе Фигхт агаинст Органисед Сриме. Эуропеан Жоурнал оф Сриме, Сриминал Лав анд Сриминал Жустисе, 16: 265-82. 70

17. Фланаган, анне. 2005. Тхе лав анд компутер сриме: Реадинг тхе Ссрипт оф Реформ. Интернационал Жоурнал оф Лав анд Информатион Течнологй, 13, но. 1: 98-117.

18. Марлер, Сара. 2002. Тхе Сонвентион он Сйбер-Сриме: Шоулд тхе Унитед Статес Ратифй? Нев Энгланд Лав Ревиев, 37, но. 1: 183-219.

19. Ли, Хинган. 2007. Интернационал Астионс агаинст Сйберсриме: Нетврокинг Легал Сйстемс ин тхе Нетворкед Сриме Ссене. Вебологй, 46, но. 3.

20. И.Эргашев, О.Мухаммадиева, С.Бердикулова, М.Сафаров Миллий ғоя тарғиботи технологиялари (ўқув қўлланма) Т.: 2019. 170-171 бетлар.

21. Ж.К.Журакулов, “Замонавий оилада, фарзанд тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами 213-215 бетлар.

22. И.Эргашев, О.Мухаммадиева, С.Бердикулова, М.Сафаров Миллий ғоя тарғиботи технологиялари (ўқув қўлланма) -Тошкент:..2019. 62-63 бетлар

23. Ташметов Т. Х. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси. Ижтимоий тармоқлардаги ёт ва зарарли ғоялар кўринишлари ва уни олдини олишнинг янгича механизмлари. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” ДОИ:

<https://doi.org/10.53885/edinres.2021.80.77.098>. 2021. 277- б.

24. Пахрутдинов Ш.И. —Таҳдид тушунчаси: назария ва амалиёт. — Тошкент: Абу али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998

25. Мўминов А. —Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. — Тошкент: Турон замин зиё, 2013. — 164 б

26. Жўраев Н. «Мафкуравий иммунитет». — Тошкент: Маънавият, 2001 й

27. Носиров Р. Н., Сирожиддинов S.SH., Зияутдинова Х. А., Ўрта осиелик алломаларнинг фалсафий қарашлари. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. - Б. 19. (60 б.)

28. Носиров Р. Н., Сирожиддинов S.SH., Зияутдинова Х. А., Ўрта осиелик алломаларнинг фалсафий қарашлари. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. - Б. 20

29. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000 й. -Б.11.

30. Ф.Р.Мадрахимова. Глобаллашув жараёнида “Оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олиш масалалари. Диссертация. — Тошкент 2017 йил.49- бет

31. А.Тулупов. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Ёрдамчи ўқув қўлланма. “Мовороуннах” нашриёти, 2015 йил 352-б

32. Эшмуродов А. Ахборот хуружи ва миллий манфаат. — Т., “Глобаллашув ва ахборот хуружи” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. — Т., 2007, 98-бет

33.Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугъати. —Т.: Гъафур Гъулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 298-б

34.Низомулмулк.Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук.(форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифлари:Шодмон Воҳид Хусайнзода, А.Эркинов). - Т.: Адолат,1997 - 190 б

35.Нуриддинов М. Тараққиёт ва таассуб//Халқ сўзи, 1998 йил 4 феврал.

36. Раҳимкулов А. Иймонингни йўқотма/ Мулкдор, 1998 йил 20 феврал.
108
37. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: «Муҳаррир», 2009.
38. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат. Т. 2008.
39. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. Т.2013.
40. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. –Т.: “Академия”, 2008.
41. Терроризм – тараққиёт кушандаси. Тошкент, 2002. 19. Тулупов А. ИШИД фитнаси. –Т.: «Мовароуннахр», 2015
42. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. Т.: “Маънавият”, 2006
43. Жуманиёзов Х.С. Собирова М.А. Нигманова У.Б. Глобаллашув асослари. Монография. Т.: 2015. 22. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Т.: «Маънавият», 2000. - 16 б.
44. Лафасов М. Экстремизм, терроризм тарихи ва моҳияти. – Т,: Иқтисод-Молия, 2008.
45. Мухаммад Али. Мен кўрган Америка. Ж//Жахон адабиёти. Июль, 1998.132 б
46. Зокириов Б. Ғарб тамаддуни: инқироз аломатлари.Ж// Тафаккур 2007,2-сон 216 б

IV. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ.

1. https://tace.uz/upload/iblock/5fb/Кибербезопасность_Республики_Узбекистан_%20Итоги_2020_года.пдф.пдф
2. <https://uzcert.uz/usefulinfo/prognoz-osnovnykh-riskov-kiberbezopasnostina-2021-god/>
3. www.ru.wikipedia.org, <http://info.nic.ru>

